

Шайх Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид  
ал-Асарий

САЛАФИ СОЛИҲ – АҲЛИ СУННАТ  
ВА ЖАМОАТ ЭЪТИҚОДИ ҲАҚИДА  
МУХТАСАР САЙЛАНМА

(باللغة الأوزبكية)

Мут арж им: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

«Роббимиз, бизлардан бу амалимизни қабул эт! Дарҳақиқат, Сен эшитувчи ва билувчи зотсан».

«Илоҳим, бу амалимнинг барчасини солиҳ ва ўз Юзинг учун холис қил ҳамда унда ўзингдан бошқа бирор кимса учун насиба қўйма!».

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

### Шайх Сауд ибн Иброҳим Шурайм муқаддимаси

Аллоҳ таолога ҳамдлар, пайғамбарларнинг сўнгисига салавот ва саломлар бўлсин.

Мен Аллоҳ йўлидаги дўстим шайх Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид Оли Исмоилнинг нажот топувчи фирқа, мададланган тоифа – «Аҳли суннат ва жамоат» эътиқоди ҳақида ёзган «ал-Важиз фи ақидатис-салафис-солих» (Салафи солих эътиқоди ҳақида мухтасар сайланма) номли китобини ўқиб чиқдим.

Бу – бебаҳо ва фойдали китобдир. Муаллиф унда «Аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг, ушлаган кимса нажот топадиган, юз ўгирган кимса ҳалок бўладиган асослари ҳақида мухтасар хабарларни баён қилган. Бу асослардан юз ўгиришдан Аллоҳ сақласин!

Муаллиф таҳсинга лойиқ хизматлар қилган. Чунки, у жумлаларни ўқувчи ҳамда тингловчи англаб олиши қулай бўлган енгил сўз ва маънолар билан тузган.

Аллоҳ таоло унга яхшиликларни мукофот қилиб, бу китоби билан мусулмонларни фойдалантирсин. Аллоҳ таоло бизга ва унга фойдали илм ва солих амалларни насиб этсин ҳамда барча мусулмонларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унинг саҳобалари ва энг афзал асрларда яшаган (мусулмон)

аждодлар йўлида юришга муваффақ қилсин! Аллоҳ дуоларни эшитувчи ва ижобат қилувчи зотдир.

Сауд ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Шурайм  
Макка шаҳридаги Олий Маҳкама қозиси,  
«Масжидул-Ҳаром» имом хатиби

14 / 5 /1416 х.

## Шайх Муҳаммад ибн Жамил Зайну муқаддимаси

Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин. Биз унга ҳамду санолар ва истиғфорлар айтиб, ундан мадад ва нафсимизнинг ёмонликлари ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ сўраймиз.

Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи зот йўқдир. Мен шериксиз, ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик берман.

Сўнг ...

Мен «ал-Важиз фи ақидатис-салафис-солиҳ» (Салаф солиҳ эътиқоди ҳақида сайланма) китобини ўқиб чиқдим ва унинг самарали китоб эканини кўрдим. Муаллиф бу китобда мақтовга сазовор бўлган бебаҳо маълумотларни тўплаган. У салаф солиҳ эътиқодини мусулмон киши осонлик билан ўқиб, кўплаб маълумотларга эга бўладиган даражада муфассал баён қилган.

Мен ҳар бир мусулмонга, хусусан, илм толибларига бу китобни ўқиб, ундан истифода олишларини тавсия қиламан.

Мен Аллоҳ таолодан бу китоб билан мусулмонларга фойда беришини ва ёзишдаги меҳнатларни ўзи

учун холис қабул қилишини сўраб қоламан.

Муҳаммад ибн Жамил Зайну  
Макка шаҳридаги «Дорул-Ҳадис ал-  
Хайрийя» мадрасаси мударриси  
2 шаввол, 1415 ҳ

## Муқаддима

Барча мактовлар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамду сано ва истиғфорлар айтамыз, Ундан ёрдам сўраймыз, нафсимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймыз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи зот йўқдир. Мен шериксиз, ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост кўрқиш билан кўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан кўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан сақланингиз)! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир» (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ислоҳ қилади ва гуноҳларингизни кечиради. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ бахтга эришибди» (Ахзоб: 70-71).

Сўзларнинг энг тўғриси Аллоҳнинг каломидир. Йўлларнинг энг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлидир. Ишларнинг энг ёмони - бидъатларидир. Ҳар бир бидъат залолатдир ва ҳар бир

залолат жаҳаннамдадир.<sup>1</sup>

Мусулмон дўстим, бу мухтасар китобча «Салафи солиҳ – аҳли суннат ва жамоат эътиқоди» ҳақидадир.

Бугунги кунда Ислому умматининг турли гуруҳ ва жамоатларга бўлиниб, тарқоқ ҳолатда қолиши ҳамда ҳар бир жамоа ўз ақидасига даъват этиб, ўзини оқлаши оқибатида кўплаб одамларга ишнинг чигаллашиб қолиши, натижада эса кимга эргашишларини билмай қолишлари мени ушбу китобни ёзишга ундади. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида хабар берганларидек, бу уммат ичидан яхшилик узилмайди ва бир гуруҳ кишилар Қиёмат кунига қадар хидоят ва ҳақиқатни маҳкам ушлаб қолади. У зот дедилар: «Умматим ичидан бир тоифа ҳақиқат узра бардавом бўлади. Ёрдамсиз ташлаб қўйилса-да, уларга бирон бир зарар етмайди. Улар Аллоҳнинг амри келгунига қадар

---

<sup>1</sup> Бу хутбани «Ҳожат хутбаси» деб аталади. Бу хутбани ҳар бир ишни бошлашдан аввал ўқиш мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга бу хутбани диний ишларида, у ишлар никоҳ, жума, маъруза ва бошқа бўлсин, сўзбоши қилиб ўқишлари мумкин эканини ўргатганлар. Бунинг аслини кўриш учун қуйидагиларга қаранг: «Сунан ибн Можа»: «Китобун-никаҳ: Бабу хутбатин-никаҳ», «Сунан ат-Термизий», «Сунан Аби Давуд», «Сунан ан-Насайи», Абу Яълонинг «Сунан»и, Байҳақийнинг «Сунан»и, Табаронийнинг «ал-Муъжам ал-Кабир» ва Имом Аҳмаднинг «ал-Муснад» китоблари. Бу хутбанинг бир қисми Имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ида «Китабул-жумъа: бабу хутбатиҳи соллаллоҳу алайҳи ва саллам»да ривоят қилинди. Муфассал ўрганиш учун шайх Муҳаммад Носируддин Албонийнинг «Хутбатул-ҳожа» китобига мурожаат қилинсин.



ўз ҳолларида ўзгармай қоладилар» (Имом Муслим ривояти);

«Умматимнинг мисоли ёмғирга ўхшайди. Унинг бошланиши яхшими, ёки охирими, билиб бўлмайди» (Албоний: «Саҳиҳ сунаан ат-Термизий»).

Бу сўзларни ўқир эканмиз, зиммамизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган, саҳобалар, тобиинлар ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар (Аллоҳ таоло бизларни ҳам улар жумласидан қилсин!) татбиқ этган соғлом Исломни лозим тутган муборак жамоани билиш масъулияти тушади.

Бу жамоа жаҳаннам азобидан халос бўлган, Аллоҳ таоло тарафидан қўлланган ҳамда «Аҳли суннат ва жамоат», «Аҳлул-ҳадис» ва «Аҳлул-асар вал-иттибоъ» деб сифатланган жамоадир. Улар — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва унинг саҳобалари юрган йўлда юрган кишилардир.

Шу муносабат билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хидоятларини қўлма-қўл авлодларга ўтказиб келган ҳамда имомликларига, суннатга эргашиларига ва илму адолатларига гувоҳ бўлинган зотларнинг китобларидан иқтибос қилганим: «ал-Муяссар фи ақидатис-салафис-солих» (Салаф солих этиқоди ҳақида қулай қўлланма) китобимдан ушбу «ал-Важиз» (мухтасар)ни қисқартиришга ошиқдим. Мен «ал-Важиз»нинг китобхонлар оммаси, хусусан, муборак Исломий уйғониш ёшлари бўлмиш янги Исломга кирганлар салаф солих ақидасининг умумий маъноларини осонлик билан тушуниб олишларига ёрдамчи бўлиши учун имкони борича салаф имомларидан ривоят қилинган шаръий лафзлар билан

кулай, енгил услуб, қисқа жумлалар билан ёзилишига диққат қилдим. Чунки, эътиқод илми бир-бирига боғланган занжирга ўхшайди. Зеро, мусулмон эътиқоднинг асосий қисмини тушунмас экан, унинг тафсилотларини ҳеч ҳам тушуна олмайди.

Мен ўз тарафимдан баъзи изоҳларнигина қўшдим ва китобнинг сўнггида фойдаланилган манбаларнинг барчасини санаб ўтдим.

Муқаддима сўнггида, «ал-Важиз»ни тамомига етказишга муваффақ қилгани учун Аллоҳ таолога ҳамду шукроналар айтаман ва ундан ушбу камтарона ишни мусулмонларнинг бузилган эътиқодларини тузатиш, улар учун фойдали ҳамда Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига қайтишларига ундовчи омил қилишини сўраб қоламан.

Бундан ташқари, «ал-Важиз»нинг тамомига етишида менга ўзларининг фикрлари ва насиҳатларини аямаган дўстларимга, хусусан, бу китобни ўқиб, унга муқаддималар ёзган шайх Сауд ибн Иброҳим Шурайм ва шайх Муҳаммад ибн Жамил Зайнуларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Аллоҳ таоло уларга хайрли мукофотлар берсин!

Бу камтарона ишимни китобхонлар оммасига тақдим этар эканман, агар тўғри сўзлаган бўлсам, у Аллоҳ таолонинг тавфиқидандир. Агар хато қилган бўлсам, у мендан ва шайтондандир. Шунинг учун хатоларимни топган кишининг менга билдиришидан мамнун бўламан.

Аллоҳ субҳонаху ва таолодан бу амалимни ўзи

учун холис қабул этиши ва мусулмонлар учун фойдали қилишини умид қиламан. Агар бу асарда Аллоҳ таолонинг Китоби, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва салаф уламоларининг тушунчаларига хилоф фикрлар айтилган бўлса, булар мендан қасдсиз содир бўлган ва мен бунинг учун Аллоҳ таолога истиғфор айтаман ҳамда ҳаётлик давримда ҳам, ўлганимдан кейин ҳам бу фикрлардан қайтганман.

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад, унинг оиласи ва барча саҳобаларига салавот ва саломлар йўлласин.

Кечиримли Роббисининг  
мағфиратига умидвор

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ  
ибн Абдулҳамид ибн Абдулмажид

Оли Исмоил Асарий

(Аллоҳ таоло уни афв этсин)

зул-ҳижжа, 1416 х.

## ЗАРУРИЙ ТАЪРИФЛАР

«Ақида» нинг таърифи

«Ақида» нинг луғавий маъноси:

«Ақида» сўзининг маънолари: «боғламоқ, тугмоқ, маҳкамламоқ, боғланмоқ, куч билан маҳкам тутмоқ, исбот этмоқ, ишонч, жазм этмоқ»дир.

«Боғлаш» - «ечиш»нинг аксидир. Араблар: «Ақадаҳу, яъкидуҳу ақдан» дейдилар. Бунинг маъноси: «Маҳкам боғлади», демакдир.

Қасам ичиш ва никоҳ пайтида «ақада» сўзи истемол қилинади. Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳ таоло сизларни тилларингиздаги бехуда қасамларингиз учун жазоламайди. Балки, (дилларингиздаги) маҳкам туккан қасамлар сабабли (агар шундай қасамни бузсангиз) жазолайди» (Моида: 89).

«Ақида» - эътиқод қилган кишида шубҳага ўрин кўймайдиган ҳукмдир.

Динда «ақида» сўзидан, Аллоҳ таолонинг борлиги ва пайғамбарларнинг юборилиши каби эътиқодни мақсад қилинади, қилинган амални эмас. Унинг кўплик сони «ақоид»дир («Лисанул-араб», «ал-Қомусулмуҳит», «ал-Мўъжамул-васит» китобларининг «ақд» моддасига қаранг).

Хуллас, инсон қалбини қатъий боғлаган нарса, у хоҳ ҳақиқат бўлсин, хоҳ ботил бўлсин, эътиқод (ақида)дир.

Истилоҳда: қалб уларни тасдиқлаши, шак-шубҳадан холи бўлган ишончга айланиб қоладиган ва кўн-

гил улардан хотиржам бўлиши керак бўлган ишларга «ақида» (эътиқод) дейилади. Яъни эътиқод қилган кишида шубҳага ўрин қўймаган ва воқеъликка мос бўлган қатъий иймондир. Агар одамнинг билими қатъий ишонч даражасига етиб бормаса, «ақида» деб аталмайди.

Иймонни, инсон (унга) ўз қалбини маҳкам боғлагани учун ҳам, «ақида» деб номланди.

### Ислом ақидаси:

Ислом ақидаси Аллоҳ таолога, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, охират куни, тақдирнинг яхши ва ёмони ҳамда Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан собит бўлган барча ғайб ишлари, дин асослари ва салаф солиҳ ижмоъ қилган нарсаларга қатъий иймон келтириш, ишларда, ҳукм қилиш ва итоат этишда Аллоҳ таолога тўла таслим бўлиш ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш, демакдир.

Ислом ақидаси - «аҳли суннат ва жамоат» ақидасидир. Чунки у, Аллоҳ таоло бандалари учун дин бўлишига рози бўлган Исломдир. Бу ақида саҳобалар, тобиинлар ва уларга яхшилик билан эргашган кишиларнинг, яъни, Исломнинг аввалида яшаган уч авлоднинг ақидасидир.

Ислом ақидасининг маъноларига далолат қилувчи ва унга синоним бўлган бошқа исмлари ҳам бўлиб, уларнинг машҳурлари булардир: «тавҳид», «суннат»,

«усулуд-дин», «ал-фиқхул-акбар» ва «ал-иймон»<sup>1</sup>.

### «Салаф» сўзининг маъноси

«Салаф» сўзининг луғавий маънолари:

«Салаф» сўзининг маънолари: «ўтди», «олдин ўтди».

Араблар: «Салафаш-шайъу салафан» (У нарса бўлиб ўтди), дейдилар.

«Салаф» - «олдинда бораётган жамоат ёки юришда илгари бораётган қавм», демакдир.

Аллоҳ таоло деди: «Улар бизни дарғазаб қилганларида, биз уларнинг барчасини денгизга ғарк қилиб, интиқом олдик ва уларни ўтмиш-ибрат ва мисол қилиб қўйдик» (Зухруф: 55, 56).

Яъни, «Биз уларни уларнинг қилган ишларини такрорлайдиган кишилар учун салаф-биринчи қилиб қўйдик. Токи, улардан кейинги авлодлар ибрат-намуна олсинлар».

«Салаф» - сизлардан аввал яшаб ўтган, сиздан ёши ва обрўси баланд бўлган оталарингиз ва қариндошларингиздир. Шунинг учун ҳам, тобиинларнинг аввалчилари «салаф солих» (солих аждодлар) деб аталди («Тождул-арус», «Лисанул-араб», «ал-Қомусулмуҳит»: «سلف» сўзи).

### Истилоҳда:

<sup>1</sup> Қаранг: Носир ибн Абдулкарим Ақл: «Мабаҳису аҳлис-суннати вал-жамоати ва мавқифул-ҳаракатил-исламийяти минҳа» Доктор Сулаймон Ашқар: «ал-Ақидату филлах»

Агар ақида олимлари томонидан «салаф» сўзи тилга олинса, ундан саҳобалар, ёки саҳоба ва тобиинлар, ёки саҳоба, тобиин ва уларга яхшилик билан эргашган, имомлик, фазл-камолот ва суннатга эргашиб, бидъатлардан сақланишларига гувоҳ бўлинган, динда буюк ўрин тутган эканликларига иттифоқ қилинган забардаст имомларни назарда тутган бўладилар. Шунинг учун ҳам, Исломнинг энг биринчи авлоди «салаф солих» деб аталди.

Аллоҳ таоло деди: «Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз ва жаҳаннамга дохил қиламиз. у нақадар ёмон жойдир!» (Нисо: 115);

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир» (Тавба: 100).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларнинг яхшилари мен билан яшаганлар, сўнг улардан кейингилар, сўнг улардан кейингилар», дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалар ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар - бу умматнинг салафидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалар ва тобиинлар даъват этган нарсаларга чақирган киши салаф йўлидадир.

Салаф йўлида бўлиш учун муайян вақтда яшаш шарт эмас. Балки, бунинг шarti Қуръон ва Суннатни ақида, аҳком ва сулукда салаф тушунчасига мувофиқ бўлиши, холос. Шунинг учун ҳам Қуръон ва Суннатга амал қилган киши, салафлар давридан замон ва маконда узоқ бўлса-да, салафларга эргашган кишидир. Уларга хилоф қилган киши, гарчи улар ичида яшаса-да, улардан эмасдир.

Салаф солиҳнинг имоми - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Аллоҳ таоло деди: «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сажда қилаётган холларида кўрасиз. Уларнинг юзларида сажда изидан (қолган) белги-аломатлари бордир. Мана шу (яъни кофирларга қаҳрли бўлиш, мўминларга меҳрибонлик ва кўп намоз ўқиб, рукуъ-сажда қилиш) уларнинг Тавротдаги мисолларидир. (Яъни Тавротда ҳам Аллоҳ таоло мўминларни мана шундай сифатлар билан сифатлагандир)» (Фатҳ: 29).

Аллоҳ таоло Қуръон Каримда Ўзига итоат қилиш билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилиш ўртасини боғлади. Аллоҳ таоло деди: «Кимда-ким Аллоҳ ва Пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар — пайғамбарлар, сиддиқлар шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга бўладилар. Ана ўшалар энг яхши ҳамроҳлардир» (Нисо: 69).

Аллоҳ субҳонаху ва таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу



алайҳи ва салламга итоат қилишни Аллоҳга итоат қилиш қилиб қўйди. Аллоҳ таоло деди: «Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди. Кимки юз ўгирса (бунинг сизга зарари йўқдир. Зеро) Биз сизни уларнинг устига қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ» (Нисо: 80).

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этмаслик қилинган амалларни ҳабатабекор қилишини баён қилди: «Эй мўъминлар, Аллоҳга ва пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га итоат қилинглари, (итоатсизлик билан) амалларингизни ботил-бекор қилиб қўйманглари!» (Муҳаммад: 33).

Аллоҳ таоло бизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига муҳолиф бўлишни таъқиқлади. Аллоҳ таоло деди: «Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилиб Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳадларидан тажовуз қилса, уни абадий қоладиган жойи бўлмиш жаҳаннамга киритади. Ва унинг учун хорловчи азоб бордир» (Нисо: 14).

Аллоҳ таоло бизларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган нарсаларни қабул қилиш ва қайтарган нарсаларни тарк қилишга буюриб деди: «Пайғамбар сизларга олиб келган нарсаларни олинглар ва қайтарган нарсалардан тўхталинглар. Аллоҳдан қўрқинглари! Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир» (Ҳашр: 7).

Аллоҳ таоло ҳаётимизнинг барча ишларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳакам қилиб, унинг ҳукмига мурожаат қилишимизга буюрди. Ал-

лоҳ таоло деди: «Йўқ, Роббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда Сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин Сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича — бўйсунмагунларича зинҳор мўъмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65).

Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам - эргашиш, намуна олиш керак бўлган чиройли намуна ва ўрناق эканини бизларга етказиб деди: «(Эй мўъминлар), албатта сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун — Аллоҳнинг пайғамбарларида гўзал намуна бордир» (Аҳзоб: 21).

Аллоҳ таоло ўз розилигини пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг розилигига боғлади: «Агар мўъмин бўлганларида, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарини рози қилмоқлари лойиқроқ иш эди» (Тавба: 62).

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишни Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг белгиси қилиб қўйди: «Айтинг: «Агар сизлар Аллоҳни яхши кўрсангизлар менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни яхши кўради ва гуноҳларингизни кечиради. Аллоҳ Ғафур-кечирувчи ва Раҳим-раҳмли зотдир» (Оли Имрон: 31).

Шунинг учун ҳам, салаф солиҳнинг келишмовчилик пайтида мурожаат этадиган ягона манбалари - Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари эди. Аллоҳ таоло деди: «...Бордию бирор нарса ҳақида талашиб қолсангиз

— агар ҳақиқатда Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳ ва Расулига қайтаринглар. Мана шу яхшироқ ва чиройли ечимдир» (Нисо: 59).

Салафларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги энг афзаллари - динларини у Зотдан ихлос ва садоқат билан олган саҳобалардир. Аллоҳ таоло уларни ўзининг Азиз Китобида қуйидагича таърифлади: «Мўъминлар ичида ўзлари Аллоҳга берган (У зотнинг йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги) аҳдларига содиқ бўлган кишилар бордир. Улардан баъзилари (шаҳид бўлиб) вафот этди ва баъзилари (шаҳидликни) кутиб турибди, бироқ, аҳдларини ўзгартирмадилар» (Аҳзоб: 23).

Улардан сўнг эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида хабар берган, кейинги авлод туради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Одамларнинг яхшироғи мен билан яшаганлар, сўнг улардан кейингилари, сўнг улардан кейингилари» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Шунинг учун ҳам, саҳобалар ва тобиинлар бошқалардан кўра эргашишга лойикрокдирлар. Чунки, улар иймонларига содиқ, ибодатларида ихлосли, ақида ва шариат ҳомийлари, шариатга сўзлари ва амаллари билан тўла риоя қилган кишилардир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло уларни динини ёйиш ва пайғамбарининг суннатини етказиш учун танлаб олди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Умматим етмиш уч гуруҳга бўлинади. Уларнинг бир гуруҳидан бошқа барчаси жаҳаннамда», дедилар. Саҳоба-

лар: «У битта гуруҳ кимлар?», деб савол бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен ва менинг саҳобаларим юрган йўлда юрганлар», деб жавоб бердилар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Салаф солиҳга эргашиб, уларнинг йўлидан юрган кишини, салаф йўлига муҳолиф бўлган ва уларнинг йўлларидан бошқасига эргашган кишилардан ажралиб туриши учун салафларга нисбат ўлароқ «салафий» деб аталади.

Аллоҳ таоло деди: «Ким ҳидоят аниқ бўлганидан сўнг пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз ва жаҳаннамга дохил қиламиз. У нақадар ёмон жойдир!» (Нисо: 115). Ҳар бир мусулмон салаф солиҳга мансуб бўлиш билан фахрланади.

«Салафийя» сўзи Исломни ўрганиш, тушуниш ва татбиқ этишдаги салаф солиҳнинг йўли учун исм бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам, «салафийя» сўзининг маъноси Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан собит бўлган суннатга салаф тушунчалари билан тўла риоя қилган кишиларга ҳам истеъмол қилинади.

«Аҳли суннат ва жамоат» маъноси

«Ас-сунна» (суннат) сўзининг луғавий маъноси:

«Ас-сунна» сўзи «санна, ясинну ва ясунну, саннан» сўзидан ясалган бўлиб «маснун» (исм мафъул –

қилинган нарса) маъносидадир. Араблар: «Саннал-амра» дейдилар. Бунинг маъноси: «Ишни баён қилди», демакдир.

«Ас-сунна» (суннат) яхши бўлсин, ёмон бўлсин, йўл ва турмуш тарзидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизлар ўзларингиздан аввал яшаб ўтган кишиларнинг йўлларига изма-из эргашасизлар» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари). Яъни, диний ва дунёвий ишларидаги йўлларига (эргашасизлар).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким Ислолда яхши йўлни очса унга шу йўлнинг ва шу йўлга ундан кейин амал қилган кишиларнинг савоби ҳеч кам бўлмай берилади. Ким Ислолда ёмон йўлни очса ...» (Имом Муслим ривояти). Яъни бу ҳадисдаги «суннат-йўл»дан мақсад, «турмуш тарзи»дир (Қаранг: «Лисанул-араб», «Мухторус-сиҳоҳ» ва «ал-Қомусул-муҳит»: «سنن» моддаси).

### «Ас-сунна» сўзининг истилоҳдаги истеъмоли:

«Ас-сунна» (суннат)нинг истилоҳий маъноси – «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилган илм, этикод, сўз, амал ва тақрирлари (ул зотнинг олдида бир амал қилинса унга эътироз қилмасликлари)дир. «Суннат» сўзи ибодат ва этикодлардаги суннатлар учун ҳам истеъмол қилинади. «Суннат»нинг зидди –«бидъат»дир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ичингиздаги мендан сўнг яшайдиган кишилар кўплаб ихтилофларни кўрадилар. Унда сизлар менинг ва

хулафои рошидийн – тўғри йўлдаги халифаларнинг суннатларини маҳкам тутинглар!» (Шайх Албоний: «Сахиҳу Сунани Аби Давуд»).

### «Ал-жамоа» сўзининг луғавий маънолари:

«Ал-жамоа» сўзи «ал-жамъ» (жамлаш) сўзидан ясалган. У — «тарқоқлик» нинг зиддидир.

Одамларнинг кўп сони «ал-жамоа» (жамоат) деб аталади. Муайян мақсад йўлида бирлашган одамлар гуруҳи ҳам «ал-жамоа» (жамоат) деб аталади.

Бир иш учун тўпланган одамлар ҳам «ал-жамоа» (жамоат) дейилади (Қаранг: «Лисанул-араб», «Мухторус-сиҳоҳ» ва «ал-Қомусул-муҳит»: «جمع» моддаси).

«Ал-жамоа» (жамоат) сўзининг истилоҳда қўлланиши:

Мусулмонлар жамоати — Ислом умматининг Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати асосида бирлашган ҳамда зоҳиран ва ботинан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлидан юрган саҳобалар, тобиинлар ва Қиёмат кунига қадар уларга яхшилик билан эргашган кишилардир.

Аллоҳ таоло ўзининг мўъмин бандаларини бирлашиш ва ҳамкор бўлишга буюриб, тарқоқлик, ихтилоф ва нафратланишдан қайтарди: «Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушланглар ва тарқоқ бўлманглар!» (Оли Имрон: 103);

«Сизлар очиқ хабарлар келганидан сўнг тар-

қоқ бўлган ва ихтилофларга берилган кимсалар қаби бўлманглар!» (Оли Имрон: 105).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бу миллат етмиш учга бўлинади. Шундан етмиш иккиси жаҳаннамда ва бири жаннатда. У – жамоатдир» (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунан Аби Давуд»);

«Жамоатни лозим тутинглар ва тарқоқликдан узоқ бўлинглар! Чунки, Шайтон ёлғиз киши билан бирга, икки кишидан узоқроқдир. Жаннатнинг ўртасини истаган киши жамоатни маҳкам тутсин!» (Имом Аҳмад «Муснад»да ривоят қилди. Шайх Албоний ибн Абу Осимнинг «ас-Сунна» китобида келган бу ҳадисни «саҳиҳ» деди).

Буюк саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху: «Ҳақиқатга мувофиқ бўлсанг, танҳо ўзинг-да жамоатсан», дедилар (ал-Лолакаий: «Шарҳу усули этикоди аҳлис-суннати вал-жамоа»).

«Аҳли суннат ва жамоат»:

«Аҳли суннат ва жамоат» - Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаларнинг йўлларини тутганлар, уларга этикод, сўз ва амалда эргашган, уларнинг йўлидан юрган ҳамда шу эргашишларида сабот билан турган ва бидъатлардан узоқ бўлган зотлардир. Улар Қиёмат кунига қадар боқий, зоҳир ва музаффардирлар. Уларга эргашиш ҳидоят, хилоф қилиш эса залолатдир.

«Аҳли суннат ва жамоат» бошқа жамоатлардан ўзининг баъзи белгилари ва хусусиятлари билан ажралиб туради. У белгиларнинг баъзилари қуйидагилар:

1. «Аҳли суннат ва жамоат» - эътиқод, аҳкомлар ёки турмуш тарзида бўлсин, меъёрдан ошиш ва сусайиш ўртасидаги мўътадиллик соҳибидир. У, Ислом уммати барча динлар ичида мўътадил бўлганидек, Ислом умматининг ичида ҳам мўътадилдир.

2. «Аҳли суннат ва жамоат» ҳукмларни олишда Қуръон ва суннатга чекланади. У иккисига катта аҳамият бериб, уларнинг матнларига тўла таслим бўлади ва уларни салаф солиҳ тушунчасига биноан тушунади.

3. «Аҳли суннат ва жамоат»нинг Унинг барча сўзларини олиб, Унга мухолиф бўлган сўзларни тарк қиладиган ягона имоми бўлиб, у - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир. «Аҳли суннат ва жамоат» Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёти, сўзлари ва қилган ишларини билувчироқ кишилар бўлганлари учун, улар суннатни севувчироқ, суннатга эргашишга ҳарисроқ ва суннатга амал қилган кишиларни жондан яхши кўрувчи жамоадир.

4. «Аҳли суннат ва жамоат» диндаги хусуматларни тарк қилишлари, хусуматчилардан узоқ бўлишлари, ҳалол-ҳаром масалаларида баҳс ва тортишувни тарк қилишлари ҳамда динга комил суратда киришлари билан фарқлидирлар.

5. «Аҳли суннат ва жамоат» салаф солиҳни ҳурмат қилади ва «Уларнинг тутган йўллари тўғри, илм жиҳатидан кучли ва ҳикматлироқдир», деб эътиқод қилади.

6. «Аҳли суннат ва жамоат» нақлни ақл устига муқаддам кўйиш ва ақлни нақлга бўйсундириш билан



бирга таъвилни тарк қилади ва шариатга тўла бўйсунди.

7. «Аҳли суннат ва жамоат» бир масала ҳақидаги ривоятларни жам қилади ва мужмалларини аниқ-равшанларига қайтади.

8. «Аҳли суннат ва жамоат» ҳақиқат узра ўзгармасдан сабот билан туришлари, этикод масалаларида иттифоққа келишлари, илм ва ибодат ўртасини, Аллоҳ таолога таваккул ва сабабларни ушлаш ўртасини жамлашлари, дунё ишларига киришиш ва унда тақво қилиш ўртасини, хавф ва умид, муҳаббат ва нафрат, мўъминларга мулойимлик ва кофирларга қаттиққўллик ўртасини жамлашлари ҳамда замон ва маконга қараб ўзгармасликлари билан бошқаларга ўрнак бўлувчи намунадирлар.

9. «Аҳли суннат ва жамоат» Ислом, суннат ва жамоатдан бошқаси билан исмланмайдилар.

10. «Аҳли суннат ва жамоат» соғлом ақида ва тўғри динни ёйишга ва одамларга таълим бериш, тўғри йўлга далолат ва насиҳат қилиш ҳамда уларнинг ишларига аҳамият беришга харис бўлади.

11. «Аҳли суннат ва жамоат» сўзлари, ақидалари ва даъватларида одамларнинг энг бардошлиларидир.

12. «Аҳли суннат ва жамоат» бирлашиш ва иттифоқликка, унга чақиришга, тарқоқлик ва ихтилофларни тарк этиб, одамларни ундан огоҳлантиришга харисдир.

13. Аллоҳ таоло «аҳли суннат ва жамоат»ни бир-бирлари устидан «кофир» дея ҳукм чиқаришдан сақ-

лади. «Аҳли суннат ва жамоат» бошқалар устидан илм ва адолат билан ҳукм чиқаради.

14. «Аҳли суннат ва жамоат» ўзаро муҳаббатли, меҳрибон ва ҳамкор бўлиб, бир-бирларининг камчиликларини тўғрилайдилар ҳамда яхши ва ёмон кўришлари дин асосида бўлади.

Хуллас, «аҳли суннат ва жамоат» гўзал хулқли, Аллоҳ таолога итоат қилиш билан нафсларини тарбия қилувчи, узоқни кўрувчи, ихтилоф ўринларида бағрлари кенг ва унинг одоблари ва асосларини яхши билган жамоатдир.

«Аҳли суннат ва жамоат»нинг сифатлари ҳақидаги сўзларнинг хулосаси:

«Аҳли суннат ва жамоат», Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча гуруҳлар ичида жаҳаннам азобидан қутулгани ҳақида башорат берган ягона жамоатдир. Табиийки, бу сифатга эга бўлиш суннатга эргашиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган эътиқод, ибодат, ҳидоят йўли, одоб – ахлоқларга мувофиқ бўлиш ва мусулмонлар жамоатини лозим тутиш асосига биноандир.

Бу билан «аҳли суннат ва жамоат» деб берилган таъриф «салаф» деб берилган таърифдан ажралиб қолмайди. Зеро, «салаф» - Қуръон Каримга амал қилиб, суннатни маҳкам ушлаган жамоатдир. Демак, «салаф» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарбияларига эътибор берган суннат аҳллари, «аҳли суннат» эса «салаф солиҳ» ва уларнинг йўллариغا эргашган кишилардир.

Бу - «аҳли суннат ва жамоат»нинг ўзига хос маъ-

носидир. Бу маънодан хавориж, жаҳмийя, муржиъа, рофиза ва булардан бошқа бидъатчи ва нафс-ҳавосига эргашган жамоатлар четдадир.

Чунки, суннат бидъатнинг, жамоат эса тарқоқликнинг зиддидир. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан жамоатни лозим тутиш ва тарқоқликдан қайтариш ҳақида ривоят қилинган ҳадислардан кўзда тутилган маънодир.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо Аллоҳ таолонинг: «Баъзи юзлар нурафшон ва баъзи юзлар тим-қора бўлган кунда» (Оли Имрон: 106) оятини: ««Аҳли суннат ва жамоат»нинг юзи оппоқ, бидъатчи ва тарқоқ кишиларнинг юзлари эса қора бўлади», дея тафсир қилган (Ибн Касир тафсири: 1/ 390).

«Аҳли суннат ва жамоат»нинг умумий маъноси ичига эса, рофизалардан бошқа, Ислом динига мансуб бўлган барча мусулмонлар кирадилар. Гоҳо баъзи бидъатчи ва нафс-ҳаволарига эргашган кишиларни ҳам айрим этиқодий масалаларда адашган гуруҳларга муҳолиф бўлганлари учун «аҳли суннат» деб аталади. Бу маъно айрим этиқодий масалаларга чеклангани ва баъзи муайян гуруҳларнинг муқобилида бўлгани учун «аҳли суннат ва жамоат» уламолари ўрта-сида жуда ҳам кам истеъмол қилинади. Масалан: халифалик, саҳобалар ва бошқа этиқодий масалаларда рофизаларга қарши ўлароқ «аҳли суннат ва жамоат» сифатини истеъмол қилиш мумкин.

«Аҳли суннат ва жамоат»нинг зидди бидъат аҳллари дир. Уларнинг асосийлари бешта бўлиб, улар: хавориж, рофиза, муржиъа, қадарийя ва жаҳмийялар.

«Аҳли суннат ва жамоат» уламоларининг истилоҳида «салаф солиҳ» сўзи «Аҳли суннат ва жамоат» истилоҳига мутаносибдир. Шунингдек, «Аҳлул-асар», «Аҳлул-ҳадис», «ат-Тоифатул-мансура», «ал-Фирқатун-ножия» ва «Аҳлул-иттибоъ» исмларини ҳам «аҳли суннат ва жамоат» учун истеъмол қилинади. Бу исмлар салаф уламолари тарафидан кўплаб ишлатилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Кенгроқ маълумотлар олиш учун доктор Носир ибн Абдулкарим Ақлнинг «Мафҳуму аҳлис-суннати вал-жамоати инда аҳлис-суннати вал-жамоати» («Аҳли суннат ва жамоат»нинг суннат ва жамоат тушунчаси) китобига қаралсин. У бу мавзуни муфассал баён қилган. Аллоҳ таоло унга кўплаб савоблар берсин. Бундан ташқари Муҳаммад Абдулҳодий Мисрийнинг «Маъолиму интилақотил-кубро инда аҳлис-суннати вал-жамоати» ва Аҳмад Фариднинг «Хасоису аҳлис-суннати вал-жамоати» китобига мурожаат этилсин.

## «АҲЛИ СУННАТ ВА ЖАМОАТ» ЭЪТИҚОДИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

### Нима учун салаф солиҳ ақидаси эргашишга лойиқроқ?!

Соғлом ақида – Ислом динининг асосидир. Бундан бошқа нарсаларга асосланган ҳар-бир нарсанинг оқибати – емирилиш ва барбодликдир. Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзгармас асос устида тарбияланган кишиларни чиқариш учун ҳаётлари давомида саҳобаларининг қалбига ушбу эътиқодни маҳкам ўрнатишга катта эътибор берганларини кўрамыз.

Макка шаҳрида ўн уч йил давомида Қуръон Карим ягона масала - эътиқод ва Аллоҳнинг тавҳиди ҳақида нозил бўлди. Тавҳид ақидаси муҳим иш бўлгани учун, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка шаҳрида фақат унга даъват этдилар ва саҳобаларини унга кўра тарбия қилдилар.

Салаф солиҳ эътиқодини ўрганишнинг аҳамияти соғлом эътиқодни баён қилиш, одамларни унга қайтариш ва уларни ҳизбларнинг хатолари ва жамоатларнинг ихтилофларидан халос қилиш йўлида жиддий ҳаракат қилишнинг зарур эканига боғлиқдир. Бу эса даъватчилар энг аввал чақириши керак бўлган нарсадир.

### Салаф солиҳнинг ақидаси

Салаф солиҳ ақидасининг ўз қийматлари ва шу ақидани ушлашнинг зарур эканини кўрсатиб берадиган белгилари ва хусусиятлари бор.

Биринчидан: бу ақида умуман мусулмонлар оммасини ва хусусан олим ва даъватчиларни тарқоқлик ва гуруҳбозликдан қутқариш ҳамда уларнинг сафларини бирлаштириш учун ягона йўлдир. Чунки, бу ақида - Аллоҳнинг ваҳийси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлланмаси ва карвоннинг аввали - саҳобаларнинг йўлидир. Бу ақидадан бошқасига жамланишнинг оқибати, бугунги кунда кўриб турганимиздек, тарқоқлик, келишмовчилик ва муваффақиятсизликдир. Аллоҳ таоло деди: «Ким ҳидоят аниқ бўлганидан сўнг пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўъминларнинг йўлидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз ва жаҳаннамга дохил қиламиз. У нақадар ёмон жойдир!» (Нисо: 115).

Иккинчидан: салаф солиҳ ақидаси мусулмонлар сафини бирлаштиради, қувватлайди ва уларни ҳақ йўлда ва ҳақ узра жамлайди. Чунки, у Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига ижобатдир: «Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушланглар ва тарқоқ бўлманглар!» (Оли Имрон: 103).

Шунинг учун ҳам мусулмонлар ихтилофларининг энг муҳим сабабларидан бири — уларнинг ҳукмларни олиш манбаълари ва ҳаракат йўлларининг хилма-хил бўлишидир. Умматни бирлаштириш йўлида ақида ва ҳукмларни олиш манбаларини бирлаштириш, саҳобаларда бўлгани каби ўта муҳимдир.

Учинчидан: ушбу ақида мусулмонни бевосита Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга, у иккисини севиш, улуғлаш ва улардан олдин бирор иш ёки ҳукмни шошилиб қилиб қўймасликка

боғлайди. Чунки, салаф солиҳ ақидасининг манбаси «Аллоҳ айтди» ва «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди»дир. Бу ақида нафс-ҳаво ва шубҳалар гирдобидан йироқ, фалсафа, мантиқ ва ақлни устун қўйиш каби бегона таъсирлардан ҳамда бошқа манбаларни киритишдан холидир.

Тўртинчидан: салаф солиҳ ақидаси — чигаллик ва ноаниқликлари бўлмаган очиқ-равшан, нафс учун роҳат, оят ва ҳадисларни ўзгартиришдан узоқ, қулай ақидадир. Бу ақида эгаси хотиржам, кўнгли тўқ, шакшубҳалар ва шайтон васвасаларидан йироқ, бахтли инсондир. Чунки, у шу Умматнинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва унинг саҳобаларининг – улардан Аллоҳ рози бўлсин - йўлидан бормоқда. Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳга ва унинг расулига иймон келтирган, сўнгра моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган мўъминлар, ана ўшаларгина ҳақиқий содиқдирлар» (Ҳужурот: 15).

Бешинчидан: салаф солиҳ ақидаси Аллоҳ таолога яқин бўлиш ва унинг розилигига эришиш сабабларининг энг буюгидир.

Бу белги ва имтиёзлар «аҳли суннат ва жамоат» учун доимо собитдир. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, у замон ва маконларга қараб ўзгармайди.<sup>1\*</sup>

---

<sup>1</sup> Кенгрок маълумот олиш учун қаранг: Ибн Батта ал-Абкарининг «ал-Ибона» китобининг муқаддимаси. Бу муқаддимани тадқиқотчи олим доктор Ризо ибн Наъсон (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ёзган ва бу мавзуда кенг маълумотлар берган. «Мабаҳи-су фи ақидати аҳлис-суннати вал-жамоати ва мавқифул-ҳарака-тил-исламийяти минҳа» китобининг «Мин хасоисил-ақидатил-исломийяти ва иттибаиха» боби, 29- бет. Муаллиф доктор Носир

---

ибн Абдулкарим Ақл.

\* Биз шу ердан «Салафийлик исломий йўналиш эмас, балки, муваққат босқич, холос», деб айтилаётган даъволарнинг нотўғри эканлигини биламиз. Чунки, салаф йўналиши икки буюк асосни ўз ичига олади:

Биринчи: чиройли намуна.

Иккинчи: эргашиладиган соғлом дастур.

Чиройли намуна — саҳобалар, тобиинлар ва уларга яхшилик билан эргашган кишиларнинг уч асри.

Дастур эса — у уч асрда ақидани тушуниш, далилларни олиш, илм, иймон ва шариатнинг барча қирраларини тушунилган услуб.

Бундан кўриниб турибдики, «салафийя» деб сифатланиш бу йўлни танлаган кишилар учун шарафдир. Чунки, у одамнинг солиҳ аждодлари — салафи бордир. Улар пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гувоҳлиги билан Ислом умматининг энг хайрлисидир. Бирок, «салафийя» номини, шу ном ўз ичига олган ақида ва амални зоҳиран ва ботинан рўёбга чиқармай олишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқдир.



## САЛАФ СОЛИҲ — «АҲЛИ СУННАТ ВА ЖАМОАТ» АҚИДАСИНИНГ АСОСЛАРИ

### «Аҳли суннат ва жамоат» ақидасининг асослари

«Аҳли суннат ва жамоат»нинг ақида, амал ва ахлоқда мустаҳкам асослари бўлиб, бу асослар Аллоҳ таолонинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган мутавотир ва оҳод ҳадислардан, салаф солиҳ, тобиин ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар тушунчасидан олингандир.

Дин асосларини расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам етарли даражада баён қилиб бердилар. Бирон кимса дин асосларида янгилик яратиши ва уни диндан деб даъво қилиши мумкин эмасдир. Шу сабабли, «аҳли суннат ва жамоат» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатган асосларни ушлади, шаръий лафзларни истеъмол қилиб, янги истилоҳлардан узоқ бўлди. Шунинг учун ҳам, улар салаф солиҳнинг хақиқий давомчиларидир.

«АҲЛИ СУННАТ ВА ЖАМОАТ»  
ТУШУНЧАСИДАГИ ДИН АСОСЛАРИ:

Биринчи асос

Иймон ва унинг рукнлари

Салаф солиҳ — «аҳли суннат ва жамоат»нинг иймон асослари ҳақидаги эътиқоди, шу иймоннинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил алайҳис-солату вассаломнинг иймон ҳақидаги саволларига жавобларида хабар берганларидек, олти рукнга иймон келтириш ва уни тасдиқлашдан иборатдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Иймон — Аллоҳга, Унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, охират куни ва тақдирнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришингиздир» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти: «Китабул-ийман»).

Иймон ушбу олти рукнга асосланади. Агар бу рукнларнинг биронтаси йўқ бўлса, киши мўъмин бўлмайди. Чунки, у — иймон рукнларидан бирини йўқотди. Бино устунлари билан тик турганидек, иймон ҳам ўз рукнлари узра тик туради.

Ушбу олти нарса иймон асосларидир. Демак, Китоб (Қуръон Карим) ва суннат кўрсатиб берганидек иймон келтириш билангина, иймон мукамал бўлади. Бу рукнларнинг биронтасини инкор этган кимса мўъмин бўла олмайди.

## Биринчи рукн

### Аллоҳ таолога иймон келтириш

Аллоҳ таолога бўлган иймон Унинг борлиги, барча камолот сифатлари билан сифатлангани, ёлғиз Ўзигина сиғинилишга лойиқ эканига қалбнинг хотиржам бўлиши ва бу хотиржамликнинг асарлари инсон ҳаётида, Аллоҳнинг амрларини бажариши ҳамда қайтарган нарсаларидан тийилишида кўринишидир. Бу — Ислом эътиқодининг асоси ва негизи бўлиб эътиқод рукнларининг барчаси унга боғлиқ ва тобеъдир.

Аллоҳ таолога бўлган иймон Унинг борлигини ўз ичига олади. Аллоҳ таолонинг борлигига эса фитрат (табиат), ақл, шариат ва ҳис этиш далолат қилади.

Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти (ёлғизлиги), улуҳияти (маъбудлиги), исм ва сифатларига иймон келтириш — Аллоҳ таолога иймон келтиришнинг ажралмас қисмидир. Бу эса тавҳиднинг уч турига иқдор бўлиш, амал қилиш ва уларга эътиқод қилиш билан рўёбга чиқади. Улар қуйидагича:

1. Рубубият тавҳиди.
2. Улуҳият тавҳиди.
3. Исм ва сифатлардаги тавҳид.

#### 1. Рубубият тавҳиди

Рубубият тавҳидининг маъноси — Аллоҳ таоло барча нарсанинг Робби, шериксиз эгаси, ёлғиз яратувчи, Оламни бошқариб, унинг устидан тасарруф қилувчи, бандаларнинг Холиқи, Розиқи, тирилтирувчи ва ўлдирувчиси эканига қатъий ишониш ва Аллоҳ-

нинг қазоси ва қадари ҳамда Зотида ёлғизлигига иймон келтириш, хуллас, Аллоҳ таолони ўз ишларида ёлғиз санаш, демакдир.

Аллоҳ таолонинг рубубиятига иймон келтириш фарз эканига шаръий далиллар бор. Аллоҳ таоло деди: «Барча Оламлар Робби бўлган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!» (Фотиҳа: 1);

— «Билинглари, яратиш ва буюриш Аллоҳ таологагина ҳосдир. Барча Оламлар Робби бўлган Аллоҳ таоло буюқдир» (Аъроф: 54);

— «У сизлар учун барча нарсани яратган зотдир» (Бақара: 29);

— «Аллоҳнинг Ўзигина Раззоқ, куч-қувват соҳиби ва Қудратлидир» (Зориёт: 58).

Тавҳиднинг бу турига Қурайш мушриклари ва турли дин ва ақидага мансуб кишилар қарши бўлмадилар. Уларнинг барчаси: «Бу Оламнинг яратувчи Холиқи Аллоҳ таолодир», деб эътиқод қиладилар. Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай деди: «Агар сиз улардан: «Самовот ва ерларни ким яратди?», деб сўрасангиз, улар: «Аллоҳ», деб жавоб берадилар» (Луқмон: 25).

Яна бир оятда деди: «(Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: «Агар билгувчи бўлсангизлар (айтингларчи), Ер ва ундаги нарсалар кимники?» Улар тезда: «Аллоҳники», дерлар. Айтинг: «(Шундан) ибрат-эслатма олмайсизларми?!». Айтинг: «Етти қават Осмоннинг Ҳожаси ва буюқ Аршнинг Соҳиби ким?». Улар: «Бу нарсалар Аллоҳники», дейдилар. Айтинг: «Ахир кўркмай-

сизларми?!». Айтинг: «Агар билсанглар (айтинглар-чи): «Барча нарсанинг подшоҳлиги қўлида бўлган, ҳомийлик қиладиган, Унга қарши биров ҳомийлик қила олмайдиган Зот ким?». Улар: «(Бу нарсалар) Аллоҳники» дерлар. Айтинг: «(Ундай бўлса), қандай алданиб қолмоқдасизлар?». Балки, биз уларга ҳақиқатни олиб келдик. Улар эса ёлғончидирлар» (Мўъминун: 84 - 90).

Нега мушриклар Аллоҳ таолонинг «Роб» эканини инкор этмадилар. Чунки, бандаларнинг қалби унга иқрор бўлиш билан фитратланган. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолонинг «Роб» эканига эътиқод қилган киши тавҳиднинг иккинчи тури — Аллоҳ таолонинг маъбуд эканига иймон келтирмагунича муваҳҳид бўла олмайди.

## 2. Улуҳият тавҳиди

Улуҳият тавҳидининг маъноси — бандалар қиладиган амалларида Аллоҳ таолони ягоналашларидир. Уни «ибодат тавҳиди» деб аталади. Бунинг маъноси: «Аллоҳ таолонинг ўзигина ҳақиқий илоҳ ва ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ундан бошқа ҳар-бир маъбуд ботилдир. Аллоҳнигина ибодат, бўйсунуш ва мутлақ итоат билан ягоналаш. Аллоҳ таолога ким бўлишидан қатъий назар бирон бир нарсани шерик қилмаслик. Намоз, рўза, закот, ҳаж, дуо, ёрдам сўраш, назр ва қурбонлик сўйиш, таваккул, хавф ва умид қилиш, яхши кўриш каби ва булардан бошқа зоҳирий ва ботиний ибодат турларини Аллоҳ таолодан бошқасига қилмаслик. Аллоҳ таолога муҳаббат, хавф ва умид билан ибодат қилиш ҳамда Аллоҳ таолога буларнинг баъзисини қўйиб, қолган баъзиси билан ибодат қилиш залолат

эканига қатъий эътиқод қилишдир».

Аллоҳ таоло Фотиҳа сурасида мўминлари тилидан: «Сенгагина ибодат қиламиз ва сендангина ёрдам сўраймиз» (Фотиҳа: 5), деди.

Яна бир оятда: «Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга дуо-илтижо қилса, унинг ҳисоб-китоби Роббисининг ҳузурини бўлади. Албатта, кофирлар нажот топмаслар», деди (Мўминун: 117).

Улуҳият тавҳидига барча пайғамбарлар даъват этдилар. Уни инкор этган қадимги халқлар ҳалокатга учрадилар.

Улуҳият тавҳиди — Ислом динининг аввали ва охири, ботини ва зоҳиридир. У — пайғамбарлар даъватининг аввали ва охири бўлиб, шу сабаблигина пайғамбарлар юборилди, китоблар туширилди ва жиҳод қиличлари суғурилди. Шу билангина кофирлар ва мўминлар ўртаси, жаннат ва жаҳаннам аҳлларининг ўртаси ажратилди.

Бу Аллоҳ таолонинг: «Ла илаҳа иллаллоҳ» «Аллоҳдан ўзга (ҳақиқий) илоҳ йўқ», деб айтган сўзининг маъносидир. Аллоҳ таоло деди: «Биз сиздан аввал юборган ҳар бир пайғамбаримизга: «Мендан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ ва Менгагина ибодат қилинлар!», деб ваҳий қилганмиз» (Анбиё: 25).

Рубубият тавҳиди улуҳият тавҳидининг тақозоларидан биридир. Зеро, Роб, Холик, Розик, тасарруф қилувчи, ўлдирувчи, тирилтирувчи, барча камолот сифатлари билан сифатланган, барча нуқсонлардан пок, барча нарса қўлида бўлган зотгина шериксиз ягона

илоҳ бўлиши ва ибодат унгагина қилиниши зарурдир.

Аллоҳ таоло деди: «Жинлар ва инсонларни ўзимгагина ибодат қилишлари учун яратдим» (Зориёт: 56).

Мушриклар ягона илоҳга ибодат қилишмас, балки, сон-саноксиз маъбудаларга ибодат қилишар ва бу: «Бизни Аллоҳ таолога яқин қилади», деб ўйлар эдилар. Шундай бўлса-да, улар бу маъбудаларнинг фойда ёки зарар бермасликларини эътироф этишарди. Шунинг сабабидан, Аллоҳ таоло уларни рубубият тавҳидини эътироф этсалар-да, мўминлар деб эътибор қилмади. Балки, ибодатда унга бошқаларни шерик қилганлари учун «кофир» деб баён қилди.

Мана шуниси билан салафларнинг бошқаларга нисбатан улуҳият (илоҳлик) хақидаги этикодлари ажралиб туради. Салафлар баъзи одамлар ўйлаганидек тавҳиднинг маъноси — «Аллоҳдан ўзга Холик йўқ» дегани деб тушунмайди. Балки, улуҳият тавҳиди Ислом этиқодида икки асос билан рўёбга чиқади.

Биринчи: ибодатнинг барча турлари шериксиз Аллоҳ таолонинг ўзи учунгинадир. Холиқнинг бирон бир ҳуқуқ ва хусусияти бирон бир махлуққа берилмайди.

Демак, Аллоҳ таологагина ибодат қилинади. Аллоҳдан бошқасига намоз ўқилмайди. Аллоҳдан бошқасига сажда қилинмайди. Аллоҳдан бошқасига назр ва таваккул қилинмайди. Улуҳият тавҳиди ибодат билан Аллоҳ таолонинг ўзинигина хослашни тақозо қилади. Ибодат эса ё қалб ва тилнинг сўзи, ёки қалб ва (одам) аъзолар(и)нинг амалидир.

Аллоҳ таоло деди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтинг: «Менинг намозим, сўйган қурбонлигим, ҳаётим ва ўлимим барча Оламлар Робби, шериксиз Аллоҳ учундир. Мен шунга буюрилдим ва мен мусулмонларнинг биринчиси-ман»» (Анъом: 162 - 163).

Яна бир оятда: «(Эй инсонлар) Огоҳ бўлингизким, холис дин Аллоҳникидир» (Зумар: 3)- деди.

Иккинчи: ибодат Аллоҳ таоло ва унинг расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига мувофик бўлиши шартдир.

Аллоҳ таолони ибодат, бўйсунуш ва итоат билан ягоналаш «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан ўзга ҳақиқий илоҳ йўқ) деб берилган гувоҳликнинг рўёбга чиқарилишидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва у буюрган нарсаларни қилиш ҳамда қайтарган нарсалардан четланиш, «Муҳаммадур-расулуллоҳ» (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчисидир) деб берилган гувоҳликни рўёбга чиқаришдир.

### «Аҳли суннат ва жамоат»нинг йўли

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таологагина ибодат қилиб, унга бирон нарсани шерик қилмайдилар. Эҳтиёжлари ва ёрдамни Аллоҳдангина сўрайдилар. Унгагина таваккул қиладилар. Ундангина кўрқадилар. Аллоҳга унинг тоати, ибодати ва солиҳ амаллар билан яқин бўладилар. Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳгагина ибодат қилинглар ва унга бирон нарсани шерик қилманглар!» (Нисо: 36).



### 3. Исм ва сифатлардаги тавҳид:

Бунинг маъноси: «Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва олий сифатлари бор. У барча камолот сифатлари билан сифатланган ва барча нуқсонли сифатлардан пок ҳамда У мана шу сифатларида барча борликдан фарқлидир», деб қатъий этикод қилиш, демакдир.

«Аҳли суннат ва жамоат», ўз Роббиларини Қуръон Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида келган сифатлар билан танийдилар. Улар Роббиларини Унинг Ўзи ва элчиси сифатланган нарсалар билан сифатлайдилар. Сўзларни ўз ўрнидан ўзгартмайдилар ва Аллоҳнинг исмлари ва оятларида илҳод қилмайдилар<sup>1</sup>. Улар Аллоҳ учун У ўзи учун исбот этган сифатларни тамсил, таъйиф, таътил ва таҳрифсиз исбот этадилар. Уларнинг бундаги қоидалари Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларидир: «...Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У Эшитувчи ва Кўрувчидир» (Шуро: 11);

---

<sup>1</sup> Илҳод - ҳақиқатдан мойил бўлиш, ундан бурилиб кетиш, демакдир. Илҳод ичига «таътил», «таҳриф», «таъйиф» ва «ташбиҳ» киради.

Таътил - сифатларни умуман исбот қилмаслик ёки баъзиларини исбот қилиб, баъзиларини инкор қилиш.

Таҳриф - шаръий далилларни лафз ёки маъноларида ўзгартиб, уларни зоҳирий маъноларидан лафз унга кучсиз эҳтимолда далолат қиладиган маъноларга буриш. Ҳар бир «таҳриф» - таътилдир. Ҳар бир «таътил» - таҳриф эмасдир.

Таъйиф - «қандай?» деб савол бериб, суриштириш.

Тамсил - бир нарсанинг барча жиҳатлардан ўхшаш-тенггини исбот этиш.

Ташбиҳ - бир нарсанинг баъзи жиҳатлардан ўхшаш-тенггини исбот этиш.

«Аллоҳнинг гўзал исмлари бор. Унга ўша исмлар билан дуо қилинглар. Унинг исмларида ҳақдан оғган кимсаларни тарк қилинглар. Улар яқинда қилиб ўтган амалларига яраша жазоланадилар» (Аъроф: 180).

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таоло сифатларининг кайфиятини белгиламайдилар. Чунки, Аллоҳ таоло кайфият ҳақида хабар бермади. Зеро, Аллоҳ таолога нима лойиқ ва нима нолойиқ эканини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло деди: «Сизлар яхшироқ биласизларми ёки Аллоҳми?!» (Бақара: 140).

Яна бир оятда: «Аллоҳ таоло учун ўхшашларни қилманглар! Дарҳақиқат, Аллоҳ билади, сизлар билмайсизлар» (Наҳл: 74)- деди.

Аллоҳ таолодан сўнг элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра Аллоҳ таолони яхшироқ биладиган бирон кимса йўқ. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло у Зот ҳақида шундай деди: «Ва у ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У сўзлаган сўзлар фақат юборилган ваҳийдир» (Нажм: 3, 4).

«Аҳли суннат ва жамоат»: Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло «Аввал» - ундан аввал бирон нарса бўлмаган, «Охир» - ундан сўнг бирон нарса бўлмайди, «Зоҳир» - унинг устида бирон нарса йўқ ва «Ботин» - Ундан яқинроқ бирон нарса йўқ», деб иймон келтирадилар. Аллоҳ таоло деди: «У - Аввалдир, у - Охирдир, у - Зоҳирдир, у - Ботиндир. У - барча нарсани билгувчидир» (Ҳадид: 3).

Аллоҳ таолонинг зоти бошқа зотларга ўхшамас ва

шунингдек сифатлари ҳам бошқа сифатларга ўхшамас. Чунки, Унинг мисли, баробари ва тенгги йўқдир ҳамда у махлуқларига қиёс қилинмайди. «Ахли суннат ва жамоат» Аллоҳ таолога У ўзи учун исбот этган барча сифатларни тамсилсиз исбот, таътилсиз танзих этадилар («Танзих» - Аллоҳ таолони зоти ва сифатларида нолайиқ бўлган нарсалардан поклашдир). Улар Аллоҳ таолога У ўзи учун исбот этган сифатларни исбот этар эканлар, уни бирон нарсага ўхшатайдилар. Аллоҳ таолони поклаган вақтларида эса У Ўзини сифатлаган сифатларни инкор қилмайдилар<sup>1</sup>.

«Ахли суннат ва жамоат»: «Аллоҳ таоло барча нарсани билувчи, уларни яратувчиси ва ҳар бир тирikka ризқ берувчи зотдир», деб иймон келтирадилар. Аллоҳ таоло деди: «(Ахир) яратган Зот билмас-ми? У Мехрибон ва (ҳар бир нарсадан) Огоҳдир!» (Мулк: 14).

Яна бир оятда деди: «Аллоҳнинг Ўзигина Раззоқ, куч-қувват соҳиби ва Қудратлидир» (Зориёт: 58).

«Ахли суннат ва жамоат» Аллоҳ таолонинг етти қават осмоннинг устидаги Аршга кўтарилгани<sup>2</sup> ва

<sup>1</sup> Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларининг кайфиятини хаёлга келтириш жоиз эмас. Чунки, инсон хаёлига келган барча тасаввур ва хаёлдан Аллоҳ таоло буюк ва покдир

<sup>2</sup> Аршга кўтарилиш ва олийлик, биз, Аллоҳ таолонинг буюклигига лойиқ тарзда исбот этадиган икки сифатдир. Арабча «иставо» сўзини салаф олимлари: «ўрнашди», «юксалди» ва «кўтарилди» деб тафсир қилдилар. Салаф уламолари «кўтарилиш» сўзига бундан ортиқ маъно бермадилар. Улардан бу сўзга «хукмрон бўлди», «эга бўлди», «бўйсундирди» каби маънолар ривоят қилинмади.

махлуқларидан ажрагани, бироқ барча нарсаларни билиб туришига иймон келтирадилар ва унинг кайфиятига аралашмайдилар. Аллоҳ таоло Ўзи ҳақида Куръони Каримнинг етти оятида кайфиятини баён қилмаган ҳолда хабар берди.<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло деди: «Раҳмон Аршга кўтарилди»<sup>2</sup> (Тоҳа: 5).

Бошқа бир оятда деди: «...Сўнгра Ўз Аршига ўр-нашган Зотдир» (Ҳадид: 4).

Яна бир оятда деди: «Ёки сизлар осмондаги Зот сизларни ернинг титраб турган ҳолида, (Ерга) юттириб юборишидан хотиржам бўлдингизлар-ми?! Ёки сизлар осмондаги Зот устингизга тош ёғдиришидан хотиржаммисизлар?! Сизлар яқинда менинг огоҳлантиришим қандай эканлигини билиб оласизлар» (Мулк: 16, 17).

«Иставо» сўзининг араб тилидаги маъноси Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ида баён қилинганидек: «кўтарилиш», «олий бўлиш», демакдир.

- Аллоҳ таолонинг Аршга кўтарилиш кайфияти биз учун номаълум. Унинг ҳақиқатини Аллоҳнинг ўзигина билади.

- Далиллар собит бўлгани учун Аллоҳ таолонинг Аршга кўтарилганига иймон келтириш фарздир.

- Аллоҳ таолонинг Аршга кўтарилиши ҳақида савол бериш бидъатдир. Чунки, бу кўтарилишнинг кайфиятини Аллоҳ таолонинг ўзигина билади.

<sup>1</sup> Улар қуйидаги тартибда: Аъроф: 54, Юнус: 3, Раъд: 2, То-ҳа: 5, Фурқон: 59, Сажда: 4, Ҳадид: 4.

<sup>2</sup> Исҳоқ ибн Роҳавайҳ раҳимаҳуллоҳ ушбу оятнинг тафсирида шундай деди: «Илм аҳллари: «Аллоҳ таолонинг Арш устига кўтарилгани ва ернинг еттинчи қаватининг остидаги ҳар бир нарсани билиб туришига» иттифоқ қилдилар. (Бу сўзни имом Заҳабий «ал-Улув» китобида келтирган).

Аллоҳ таоло деди: «Яхши сўзлар Унга кўтарилади ва У солиҳ амалларни Ўз даргоҳига кўтаради» (Фотир: 10).

Яна бир оятда деди: «Улар тепаларидаги Роббиларидан кўрқадилар» (Наҳл: 50).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлар менга ишонмайсизларми?! Ахир мен осмондаги Зотнинг омонатдориман-ку!», дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» Курсий ва Арш ҳақлигига иймон келтирадилар. Аллоҳ таоло деди: «... Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва Ерни ҳифзу химояда сақлаб туриш қийнамайди. У энг Юксак ва Буюқдир» (Бақара: 255).

Аршнинг қанчалиги ёлғиз Аллоҳнинг ўзигагина маълумдир. Курсий Арш олдида сахрога ташлаб қўйилган халқа мисолидадир ва У (Курсий) Ер ва Осмонлардан кенгдир. Аллоҳ таоло Арш ва Курсийдан беҳожатдир. Аллоҳ таоло Арш устига муҳтож бўлгани учун эмас, балки, ўзи билган ҳикмат учунгина кўтарилди. Аллоҳ таоло Арш ва ундан кичик нарсаларга муҳтож бўлишдан покдир. Аллоҳ таолонинг мақоми булардан кўра буюқроқдир. Ҳатто Арш ва Курсий ҳам, Аллоҳ таолонинг қудрати ва салтанати билангина кўтариб турилади.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўзининг икки қўли билан яратди. Ўзи сифатлаганидек, Унинг икки қўли ўнг - баракали ва очикдир, хоҳлаганича инфоқ қилади.

Аллоҳ таоло деди: «Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғлик (бахил)», дедилар. Ўзларининг қўллари боғланиб қолгай ва айтган гаплари билан лаънатга учрагайлар. — Йўқ! У Зотнинг ҳар икки қўли очикдир ва Ўзи хоҳлаганидек инфоқ қилади» (Моида: 64).

Бошқа бир оятда шундай деди: «Эй Иблис, Мен ўз қўлларим билан яратган нарса — Одамга сажда қилишингдан нима сени ман қилди?!» (Сод: 75).

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таоло учун эшитиш, кўриш, илм, қудрат, қувват, иззат, калом-гапириш, ҳаёт, оёқ, болдир, қўл, махлуқлари (уларни билиш, эшитиш ва кўриш) билан бирга экани ва бундан бошқа Аллоҳ таоло Ўзининг Азиз Китоби ва пайғамбари саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилида баён қилган сифатларни биз билмаган ва Аллоҳгина биладиган кайфиятда исбот этадилар. Чунки, Аллоҳ таоло бизга бу сифатларнинг кайфиятидан хабар бермади. Аллоҳ таоло деди: «Мен сизлар билан биргаман: эшитиб, кўриб тураман» (Тоҳа: 46);

«Ва у билувчи, ҳаким зотдир» (Таҳрим: 2);

«Мусо билан Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди» (Нисо: 164);

«Роббингизнинг улуғлик ва икром соҳиби бўлган Юзигина боқий қолади» (Раҳмон: 27);

«Улардан Аллоҳ рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар» (Моида: 119);

«Аллоҳ уларни яхши кўради, улар Аллоҳни яхши кўрадилар» (Моида: 54);

«Энди қачонки улар Бизни дарғазаб қилишгач, Биз улардан интиқом олдик» (Зухруф: 55);

«Болдир очиладиган ва саждага чақириладиган кунда улар сажда қилишга қодир бўлмайдилар» (Қалам: 42);

«Аллоҳ — ундан ўзга (ҳақиқий илоҳ) йўқ, Тирик ва Қайюм-ҳар нарсани билиб, бошқариб турувчидир» (Оли Имрон: 2);

«...Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган...» (Мумтаҳана: 13).

Бундан бошқа Аллоҳ таолонинг сифатлари зикр қилинган оятлар кўпдир.

«Аҳли суннат ва жамоат» мўъминлар охиратда Роббиларини кўзлари билан кўришлари, уни зиёрат қилишлари, унинг мўъминларга гапириши, мўъминлар ҳам Унга гапиришларига иймон келтирадилар. Аллоҳ таоло деди: «У кунда юзлар порлаб, Роббига қараб турувчидир» (Қиёмат: 22, 23).

Улар тез кунда ўз Роббиларини ойдин кечада тўлин ойни кўрганларидек ҳеч қийналмасдан кўришларига иймон келтирадилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлар ўз Роббингизни ойдин кечада тўлин ойни кўрганингиздек кўрасизлар, уни кўришда қийналмайсизлар» (Муттафакун алайҳи).

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таоло кечанинг учдан бири қолган пайт энг қуйи осмонга Ўзининг азамати ва буюклигига лойиқ суратда, ҳақиқатда тушишига иймон келтирадилар. Пайғамбар соллalloҳу

алайҳи ва саллам дедилар: «Роббимиз ҳар кеча, кечанинг учдан бири қолганида қуйи осмонга тушади ва: «Ким менга дуо қилади, ижобат қиламан! Ким мендан сўрайди, сўраган нарсасини бераман! Ким менга истиғфор айтади, гуноҳларини кечираман!», дейди» (Муттафақун алайҳи).

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таоло Қиёмат кунда бандалари ўртасида ҳукм қилиш учун Ўз буюклигига лойиқ суратда (ҳақиқатда) келишига иймон келтирадилар. Аллоҳ таоло деди: «Йўқ, қачон Ер чил-парчин қилинганда. Роббингиз ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда ...» (Фажр: 21, 22);

«Улар (ҳақ йўлни инкор этувчилар Қиёмат Кунда) боқмайдилар, магар уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар (ҳисоб-китоб учун) келади-да, иш тамом бўлади (яъни улар куфрлари сабабли жаҳаннамга ҳукм қилинадилар)» (Бақара: 210).

«Аҳли суннат ва жамоат»нинг бу тўғридаги йўли Аллоҳ таоло ва Унинг расули саллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган нарсаларига тўла таслим бўлишдир. Имом Зухрий раҳимахуллоҳ айтганларидек: «Аллоҳ таолодан юбориш, пайғамбардан етказиш ва биздан таслим бўлиш» (Имом Бағавий: «Шарҳус-сунна»).

Имом Суфён ибн Уяйна раҳимахуллоҳ: «Аллоҳ таоло ўзини Куръон Каримда сифатлаган ҳар бир сифатнинг ўқилиши унинг тафсиридир. Уларнинг кайфияти ҳам, мисли ҳам зикр қилинмайди», деди (Имом Лолакаий: «Шарҳу усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамоа»).



Имом Шофий раҳимаҳуллоҳ деди: «Мен Аллоҳ таолога ва Аллоҳ таоло тарафидан келган хабарларга Аллоҳ хоҳлаганидек иймон келтирдим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у олиб келган нарсаларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хоҳлаганидек иймон келтирдим» (Имом ибн Қудома раҳимаҳуллоҳ: «Лумъатул-этикод ал-ҳодий ила саби-лир-рошад»).

Валид ибн Муслим раҳимаҳуллоҳ деди: «Мен Авзой, Суфён ибн Уяйна ва Молик ибн Анаслардан — Аллоҳ уларни раҳмат қилсин — Аллоҳ таолонинг сифатлари ва уни кўриш ҳақидаги ҳадислардан сўрадим: Улар: «бу ҳадисларни қандай келган бўлса, шундай, кайфиятсиз ўтказинглар», деб айтдилар» (Имом Бағавий: «Шарҳус-сунна»).

Дорул-хижрат - Мадинанинг имоми — имом Молик раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Бидъатдан узок бўлинглар!». Ундан: «Бидъат нима?», деб сўралганида: «Бидъатчилар Аллоҳ таолонинг исмлари, сифатлари, каломи, ишлари ва қудрати ҳақида бўлмагур сўзларни сўзлаётган ҳамда саҳобалар ва уларга яхшилик билан эргашганлар сукут қилган нарсалардан сукут қилмаётган кишилардир», деб жавоб бердилар (Имом Бағавий: «Шарҳус-сунна»).

Бир киши Имом Молик раҳимаҳуллоҳдан «Раҳмон Аршга кўтарилди» ояти ҳақида: «Қандай қилиб кўтарилди?», деб савол берди. Имом Молик раҳимаҳуллоҳ унга: «Кўтарилиш маълум, кайфият номаълум, унга иймон келтириш фарз, у ҳақда сўраш бидъат. Сен адашган экансан», деб жавоб бердилар ва савол берган одамни ҳузуридан чиқариб юборишга буюр-

дилар (Имом Бағавий: «Шархус-сунна»).

Имом Абу Ханифа раҳимахуллоҳ дедилар: «Ҳеч бир кимса Аллоҳ таолонинг зоти ҳақида (ўзидан) бирон сўз айтмасин. Балки, Аллоҳ таолони Аллоҳнинг ўзи сифатлаган сифатлар билан сифатласин. Аллоҳ ҳақида раъйи билан бирон нарса демасин, Барча Оламлар Робби бўлган Аллоҳ буюқдир» («Шархул-ақидатит-Таховийя»).

Имом Абу Ханифа раҳимахуллоҳ Аллоҳ таолонинг тушиши ҳақида сўралганларида: «У тушади, кайфияти эса номаълум», деб жавоб бердилар («Шархул-ақидатит-Таховийя»).

Ҳофиз, имом Нуъайм ибн Ҳаммод ал-Ҳузойи раҳимахуллоҳ деди: «Ким Аллоҳни махлуқларига ўхшатса кофир бўлади. Ким Аллоҳ ўзини сифатлаган сифатларни инкор этса кофир бўлади. Аллоҳни Унинг Ўзи ва унинг расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатлаган сифатларда бирон нарсага ўхшатишлик йўқ» (Имом Бағавий: «ал-Улув лил-Алиййил - Гаффор»).

Баъзи салаф олимлари: «Исломнинг оёғи бўйсунмиш кўприги узрагина тойилмасдан собит бўлади», дедилар (Имом Бағавий: «Шархус-сунна»).

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари ҳақида сўз юритишда салаф йўлидан юраман деган одам, у хоҳ салаф даврида бўлсин, хоҳ кейинги асрларда яшасин, исм ва сифатлардаги Қуръон Каримнинг услубини олиши керак.

Салафнинг йўлига муҳолиф бўлган ҳар бир одам, у хоҳ салаф, хоҳ саҳобалар ва тобиинлар асрида яшасин, Қуръон йўлидан юрмаган бўлади.

## Иккинчи рукн:

### Фаришталарга иймон келтириш

Фаришталарга иймон келтириш — уларнинг борлигига ҳеч шак ва шубҳаси бўлмаган қатъий эътиқод қилишдир. Аллоҳ таоло деди: «Пайғамбар ўзига Роббидан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўъминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди)....» (Бақара: 285).

Фаришталарнинг борлигини инкор этган одам Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларига биноан кофир бўлади: «Кимки Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига кофир бўлса, демак, у жуда қаттиқ адашибди» (Нисо: 136).

«Аҳли суннат ва жамоат» фаришталарга умумий суратда иймон келтирадилар, муфассал суратда эса фақат далиллари ишончли бўлган, Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилганларига иймон келтирадилар: улар ваҳийга вакил қилинган Жаброил, ёмғирга вакил қилинган Мийқоил, Сурга вакил қилинган Исрофил, жонларни олишга вакил қилинган Малакул-мавт, жаҳаннам посбони Молик, жаннат посбони Ризвон ва қабр фаришталари Мункар ва Накирлардир.

«Аҳли суннат ва жамоат» фаришталарнинг бор эканлигига, уларнинг шахслар эканлиги, маънавий нарсалар эмас ҳис қилинадиган нарсалар эканига, улар Аллоҳ таолонинг нурдан яратган махлуқлари ва

Осмонда яшашларига иймон келтирадилар.

Фаришталар - улкан мавжудотлардир. Уларнинг қанотлари бор. Баъзиларининг қаноти иккита, баъзилариники учта, баъзилариники тўртта, баъзилариники эса ундан кўпдир.

Фаришталар Аллоҳ таолонинг лашкарларидан биридир. Улар, Аллоҳ таолонинг изни ила, вазиятларга қараб турли махлуқлар шаклига кира оладилар.

Улар Аллоҳ таолога яқин ва муҳтарамдирлар, эркаклик ва аёллик сифати билан сифатланмайдилар, уйланмайдилар ва фарзандлари бўлмайдилар.

Фаришталар емайдилар ва ичмайдилар. Уларнинг таоми тасбиҳ ва таҳлил бўлиб, уни айтишдан асло зерикмайдилар ва чарчамайдилар. Уларнинг сифатлари яхшилик, гўзаллик, ҳаё ва интизомлиликдир.

Фаришталарнинг одамлардан фарқи - улар ибодат қилиш ва гуноҳ ишларни қилмасликка табиатлантириб яратилганлар. Аллоҳ таоло уларни ўзига ибодат қилишлари ва буйруқларини ижро этишлари учун яратган. Аллоҳ таоло деди: «У (мушрик)лар: «Аллоҳнинг (фаришталардан) боласи бор», дедилар. У зот (мушрикларнинг бадгумонларидан) мутлақо покдир. Йўқ, (фаришталар асло Аллоҳнинг болалари эмас, балки) улуғ бандалардир. (Фаришталар) У Зотдан илгари бирон сўз айтмайдилар. Улар (Аллоҳнинг) амру фармони билангина амал қиладилар. У Зот уларнинг олдидаридаги (қиладиган) ва орқаларидаги (қилиб ўтган) барча иш-амалларни биледи. Улар (Қиёмат қоим бўлган кунда) фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қиладилар.

Уларнинг ўзлари (Аллоҳдан) қўрқиб хавфу хатарда турадилар» (Анбиё: 26-28).

Фаришталар кеча ва кундуз Аллоҳ таолога тасбиҳ айтадилар ва осмондаги «Байтул-Маъмур»ни тавоф қиладилар. Улар Аллоҳ таолодан жуда ҳам қўрқадилар.

### Фаришталарнинг турлари

Фаришталарнинг баъзилари ваҳийга, баъзилари Аршни кўтаришга, баъзилари тоғларга, баъзилари жаннат, баъзилари эса жаҳаннамга вакил қилинган.

Баъзи фаришталар бандаларнинг қилган амалларини сақлашга, баъзилари мўъминларнинг жонларини, баъзилари кофирларнинг жонларини олишга, баъзилари эса қабрда бандаларни сўроқ қилишга вакил қилинган.

Баъзи фаришталар мўъминлар учун истиғфор ва салавот айтадилар ва уларни севадилар. Баъзи фаришталар илм мажлислари ва Аллоҳнинг зикри бўлаётган халқаларда ҳозир бўладилар ва у ерда ўтирган кишиларни ўз қанотлари билан ўраб оладилар. Уларнинг баъзилари инсонга боғланган бўлади, ундан ҳеч ҳам ажралмайди. Баъзи фаришталар бандаларни яхши ишларни қилишга даъват этадилар. Баъзи фаришталар яхши кишиларнинг жанозаларида ҳозир бўладилар. Баъзи фаришталар жиҳодларда мўъминлар билан бирга кофирларга қарши жанг қилиб, уларга ёрдамчи бўладилар. Баъзи фаришталар яхши кишиларни ҳимоя қилиб, уларнинг мусибатларини кўтаришга, баъзи фаришталар эса кофирларни лаънат қилиб, уларга балоларни келтиришга вакил қилинган.

Фаришталар ҳайкал, сурат, ит ёки (осиладиган) қўнғироқ бўлган уйларга кирмайдилар ва одамзот озорланадиган нарсалардан озорланадилар.

Фаришталарнинг сони кўп бўлиб, саноғини Аллоҳ таолонинг ўзигина билади. Аллоҳ таоло деди: «Роббингизнинг қўшинларини Ёлғиз унинг Ўзигина билади. Бу инсонлар учун эслатма, холос» (Муддассир: 31).

Аллоҳ таоло фаришталарни биздан пардалади. Биз уларни асл яратилган шаклларида кўра олмаймиз. Лекин Аллоҳ таоло баъзи бандаларига уларни асл суратларида кўрсатди. Чунончи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил алайҳис-солату вассаломни Аллоҳ яратган асл суратида икки марта кўрдилар. Аллоҳ таоло деди: «Сизларнинг соҳибингиз (Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам) мажнун эмасдир. Дарҳақиқат, у (Жаброилни) очик уфқда кўрди» (Таквир: 22, 23).

## Учинчи рукн

### Илоҳий китобларга иймон келтириш

«Аҳли суннат ва жамоат», Аллоҳ таоло пайғамбарларига Ўзининг буйруқлари, таъқиқлари, ваъдалари, таҳдидлари, бандаларидан хоҳлаган нарсалари, хидоят ва нур бўлган китобларни нозил қилган, деб эътиқод қиладилар. Аллоҳ таоло деди: «Пайғамбар ўзига Роббидан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўъминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди)....» (Бақара: 285).

Аллоҳ таоло ўз пайғамбарларига башариятни хидоят қилишлари учун китобларни нозил қилди. Аллоҳ таоло деди: «Алиф, Лом, Ро. (Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу Қуръон) сиз одамларни Роббиларининг изни-иродаси билан зулматлардан нурга — Азиз-Қудратли, Ҳамид-ҳамду сано Эгаси бўлган Зотнинг йўлига — олиб чиқишингиз учун Биз сизга нозил қилган Китобдир» (Иброҳим: 1).

Улар: Қуръон, Таврот, Инжил, Забур ҳамда Иброҳим ва Мусо алайҳимус-солату вассаломларга берилган саҳифалардир. Бу китобларнинг энг буюклари: Таврот, Инжил ва Қуръондир. Бу уч китобнинг энг буюги, энг афзали ва уларни бекор қилувчиси Қуръон Каримдир.

Аллоҳ таоло Қуръон Каримдан бошқа барча китобларни нозил қилган пайтда уларни ҳимоя қилишни кафолатламади. Балки, уларнинг ҳимоясини одамларга топширди. Бироқ, улар китобларни муҳофаза қила

олмадилар. Натижада, у китобларга ўзгариш ва қўшимчалар кириб кетди.

Қуръон Карим — Оламлар Роббининг каломи, очик китоби ва мустаҳкам арқонидир. Аллоҳ таоло Қуръон Каримни пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга уммати учун дастур бўлиши, одамларни зулматлардан нурга чиқариши, ҳидоят ва тўғри йўлга йўллаши учун нозил қилди.

Аллоҳ таоло Қуръон Каримда аввал ўтган ва кейин келадиган халқларнинг хабарларини, Осмонлар ва уларнинг яралишини баён қилиб, ҳалол ва ҳаром нарсалар, одоб ва ахлоқ асослари, ибодат ва муомала ҳукмлари, пайғамбарлар ва солиҳ кишиларнинг ҳаётлари, мўмин ва кофирларнинг мукофот ва жазолари, мўминларнинг диёри бўлмиш жаннат ва кофирларнинг диёри бўлмиш жаҳаннамнинг тафсилотларини баён қилди. Аллоҳ таоло Қуръон Каримни қалб касалликларига шифо, барча нарсанинг баёни ва мўминлар учун ҳидоят ва нур қилиб қўйди. Аллоҳ таоло деди: «Биз сизга — ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китоб – Қуръонни нозил қилдик» (Наҳл: 89).

Барча одамлар Қуръон Карим таълимотларига ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган саҳиҳ (ишончли) хабарларга эргашишлари ҳамда у иккисини ўз ҳаётларига татбиқ қилишлари зарур. Чунки, Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Ўзи нозил қилган Китобни баён қилиб беришлари учун одамлар ва жинларга элчи қилиб юборди. Аллоҳ таоло деди: «Сизга эса одам-



ларга нозил қилинган нарсаларни баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу Эслатма — Қуръонни нозил қилдик» (Наҳл: 44).

«Аҳли суннат ва жамоат» Қуръон — ҳарфлари ва маънолари — Аллоҳ таолонинг каломи эканига, унинг Аллоҳ таолодан бошланиб, Аллоҳ таолога қайтишига, туширилган, бироқ махлуқ эмаслигига, Аллоҳ таоло Қуръонни ўзи сўзлагани ва Жаброил алайҳис-солату вассаломга ўқиб бергани ва Жаброил алайҳис-солату вассалом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга олиб тушганига қатъий иймон келтирадилар.

Ҳаким ва Хабардор бўлган Зот Қуръон Каримни очиқ араб тилида нозил қилди ва у бизларга мута-вотир (кўп) йўллар билан шубҳага ўрин қолмайдиган (саҳиҳ ривоятларда) етиб келди. Аллоҳ таоло деди: «Албатта (бу Қуръон) барча оламлар Робби то-монидан нозил қилингандир. (Эй Муҳаммад соллал-лоҳу алайҳи ва саллам) Сиз (охират азобидан) огоҳ-лантирувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни Рухул-Амийн — Жаброил очиқ-равшан ара-бий тил билан нозил қилди» (Шуаро: 192 - 195).

Қуръон Каримни қалблар ёд олади, тиллар тило-ват қилади ва саҳифаларга ёзилади. Аллоҳ таоло деди: «Йўқ, у (яъни Қуръон) илм ато этилганлар-нинг қалбларида (ёд бўлгучи) аниқ оятлардир» (Анка-бут: 49);

«Албатта У (Қуръон сеҳр ёки уйдирма эмас, балки) асралган Китоб (Лавҳул-Махфуз) даги — Қуръон Каримдир. Уни фақат пок зотларгина ушларлар. (У) барча оламлар Робби томонидан нозил қилингандир» (Воқеъа: 77-80).

Қуръон Карим — пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга берилган буюк ва мангу мўъжизадир. У - самовий китобларнинг энг сўнггисидир, у бекор қилинмайди ва алиштирилмайди. Аллоҳ таоло уни Қиёматдан аввал ўзига кўтарадиган кунигача барча ўзгартиш, қўшиш ва камайтиришлардан Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлаш кафолатини олди. Аллоҳ таоло деди: «Албатта бу эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва ўзимиз уни сақлагувчимиз» (Ҳижр: 9).

«Аҳли суннат ва жамоат» Қуръоннинг бирон ҳарфини инкор этган ёки унга қўшимча қўшган, ёки ундан биронта ҳарфни камайтирган кишини кофир деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам биз, Қуръон оятларининг ҳар бири Аллоҳ таоло ҳузуридан нозил бўлган ва бизга мутавотир (энг ишончли) йўллар билан етиб келган эканига қатъий иймон келтирамыз.

Қуръон Карим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тўплам ҳолатида - бир дафъада нозил бўлмаган. Балки, воқеъаларга муносиб тарзда ёки берилган саволларга жавоб ўлароқ, ёки вазиятларга қараб йигирма уч йил давомида тарқоқ нозил бўлган.

Қуръон Карим Маккада нозил бўлган саксон олти (86) ва Мадинада нозил бўлган йигирма саккиз (28), жами бир юз ўн тўрт (114) сурани ўз ичига олади. Маккада нозил бўлган суралар «Маккий», Мадинада нозил бўлган сураларни «Маданий» суралар деб аталади. Қуръон Карим сураларининг йигирма тўққизтаси (29) узук-ёлғиз ҳарфлар билан бошланган.

Қуръон Карим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида ёзилган. Саҳобаларнинг энг

яхшиларидан котиблар бўлган, розияллоҳу анҳум, улар нозил бўлган Қуръонни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амри билан ёзиб боришар эди. Абу Бакр разияллоҳу анҳунинг халифалик даврида Қуръоннинг ёзилган парчалари жамланди. Усмон разияллоҳу анҳу халифалик даврларида умматни бир кироатга жамлади. Аллоҳ таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин!

«Аҳли суннат ва жамоат» Қуръон Каримни таълим бериш, ёд олиш, тиловат қилиш, тафсир қилиш ва унга амал қилишга қаттиқ эътибор берадилар. Аллоҳ таоло деди: «(Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам, ушбу Қуръон), оятларини (барча одамлар) тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз Сизга нозил қилган Китобдир» (Сод: 29).

Улар Қуръон тиловати билан Аллоҳ таолога ибодат қиладилар. Чунки ундан ҳар бир ҳарфни ўқишга бир яхшилик бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимки Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф ўқиса, у учун бир Ҳасана-яхшилик бордир. Яхшилик эса ўзига ўхшаган ўн баробари билан биргадир. Мен: «Алиф, Лом, Мим» бир ҳарф», деб айтмайман. Балки, «Алиф» бир ҳарф, «Лом» бир ҳарф, «Мим» бир ҳарфдир» (Имом Термизий ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» Қуръон оятларини қуруқ раъй-фикр билан тафсир қилишга ижозат бермайдилар. Чунки, бу Аллоҳ таоло шаънига илмсиз сўз айтиш, демакдир. Балки, улар Қуръон оятларини Қуръоннинг бошқа оятлари ва ҳадислар билан, кейин эса саҳобаларнинг сўзлари кейин тобиинларнинг сўзлари

билан ундан кейин эса Қуръон нозил бўлган араб тили билан тафсир қиладилар. Зеро, Аллоҳ таоло ўз шаънига билимсиз сўз айтишни ҳаром қилди: «У (Шайтон) сизларни фақат ёмонлик ва бузукликка ва Аллоҳ шаънида билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради» (Бақара: 169).

## Тўртинчи рукн

### Пайғамбарларга иймон келтириш

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ субҳонаху ва таоло бандаларига жаннатдан башорат ва жаҳаннамдан огоҳлантирувчи, одамларга ҳақ йўлни кўрсатиш ва уларни зулматлардан нурга чиқариш учун ҳақ динга даъват этувчи пайғамбарларни юборган эканига иймон келтириб, қатъий эътиқод қиладилар.

Пайғамбарлар даъватидан мақсад, халқларни ширк ва бутпарастликдан қутқариш ҳамда жамиятларни бузғунчилик ва фасоддан тозалашдир. Улар пайғамбарлик (рисолат) ни етказдилар, омонатни адо этдилар, умматга насиҳат ва Аллоҳ йўлида ҳақиқий жиҳод қилдилар. Улар ўзларининг ростгўй эканликларига далолат қиладиган очиқ-равшан мўъжизалар олиб келдилар.<sup>1</sup> Кимки пайғамбарларнинг бирига кофир бўлса, Аллоҳ таолога ва барча пайғамбарларга кофир бўлган бўлади. Аллоҳ таоло деди: «Албатта Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг ўртасини ажратишни истайдиган ва: «Биз уларнинг баъзиларига

---

<sup>1</sup> Мўъжиза - Аллоҳ таоло пайғамбарлари кўлида ўзларининг ростгўй эканликларини тасдиқлашлари учун жорий қиладиган ғайри табиий ишдир. Мўъжизанинг бўлиши мумкиндир. Чунки сабаблар ва мусаббаб (сабаблантирилган) нарсаларни яратган Аллоҳ таоло сабабият конунларини ўзгартишга кодирдир. Аллоҳ таолонинг чексиз қудрати олдида мўъжизаларнинг содир бўлиши ажабланарли эмасдир. Аллоҳ таоло хоҳлаган ишини кўзни юмиб, очишдан кўра тезроқ вақтда бажара олади. Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳ таолонинг иши агар у бирон нарсани хоҳласа унга: «Бўл!» деб айтади ва у бўлади» (Ёсин: 82).

ишонамиз ва баъзиларига ишонмаймиз» дейдиган ҳамда (иймон билан куфр ўртасидаги) ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар — ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир. Биз кофирларга хўрловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз. Аллоҳ ва унинг пайғамбарларига иймон келтирган ҳамда улардан биронтасини ажратиб қўймаган зотларга эса яқинда (Аллоҳ муносиб) мукофотларини ато этажак. Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмли Зотдир» (Нисо: 150-153).

Аллоҳ таоло пайғамбарларни юборишдаги ҳикматни куйидагича баён қилди: «Токи бу пайғамбарлар (ўтганлари)дан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши хужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўъминларга жаннат ҳақида) хушхабар берувчи ва (кофирларни жаҳаннам азобидан) кўрkitувчи қилиб юбордик. Аллоҳ Қудратли ва Ҳикматли Зотдир» (Нисо: 165).

Аллоҳ таоло кўп пайғамбарлар юборди ва уларнинг айримларини Куръон Каримда ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тилларида зикр қилди. Айримларидан эса ҳеч қандай хабар бермади. Аллоҳ таоло деди: «Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳгагина ибодат қилинглар ва тоғутдан<sup>1</sup> узоқ бўлинг-

<sup>1</sup> Ибнул Қоййим –Аллоҳ раҳмат қилсин- деди: «Тоғут –банданинг ибодатда, эргашишда ва итоат қилишда ҳаддидан ошишлигидир. Шу нуқтаи назардан тоғутлар беҳисобдир. Уларнинг катталари бештадир: 1- Шайтон –унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! 2- Бир кимсаки унга ибодат қилинади ва у бунга рози бўлади. 3- Инсонларни ўзига ибодат қилишга чорлаган кимса. 4- «Оз бўлсада ғайб илмидан хабардорман» деб даъво қилган кимса. 5- Аллоҳ нозил қилган шариатдан бошқаси (замонавий

лар», деб даъват этадиган элчини юборганмиз» (Наҳл: 36).

Қуръон Каримда набий ва расулларнинг йигирма бештаси (25) зикр қилинган. Улар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Мусо, Ҳорун, Зул-кифл, Юнус, Довуд, Сулаймон, Илёс, Алясаъ, Закариё, Яҳё, Ийсо ва Муҳаммад, Бани Исроилга юборилган ва Қуръон Каримда Асбот исми билан баён қилинган пайғамбарлардир (уларнинг барчасига Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин!). Аллоҳ таоло деди: «Аниқки, Биз Сиздан илгари (кўп) пайғамбарлар юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга ҳикоя қилиб берганлари бор, яна улардан Биз Сизга ҳикоя қилмаганлари ҳам бордир...» (Ғофир: 78).

Аллоҳ таоло баъзи пайғамбарларга бошқаларга бермаган афзалликларни берди. Ислом уммати расуллар набийлардан афзал эканларига иттифоқ қилди. Расуллар ҳам ўзаро бир-бирларидан фазилатда фарқлидирлар. Расул ва набийларнинг энг афзаллари бешта бўлиб, уларни «улул-азм» (матонат эгалари) деб аталади. Улар: Муҳаммад, Нух, Иброҳим, Мусо ва Ийсо алайҳимус-солату вассаломлардир.

«Улул-азм»ларнинг энг афзали эса набий ва расулларнинг сўнггиси, Роббул-Оламиннинг элчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Аллоҳ табарока ва таоло деди: «... Балки, У — Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир» (Аҳзоб: 40).

---

инсонлар томонидан қўйилган қонунлар) билан ҳукм қилган ҳоким.

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таоло исмларини баён қилган ва ё қилмаган аввали Одам алайҳиссалату вассалом, охири ва уларнинг энг афзали бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга қадар юборилган барча пайғамбарларга иймон келтирадилар.

Пайғамбарларга бўлган иймон умумий бўлса-да, пайғамбаримизга бўлган иймон муфассал бўлиб, олиб келган таълимотларига муфассал тарзда иймон келтиришимизни тақозо этади.



## Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

У Абул-Қосим Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Феҳр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона ибн Ҳузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъд ибн Аднон ва Аднон Исмоил ибн Иброҳимнинг зурриётидан (пайғамбаримиз ва уларга салавоту саломлар бўлсин!).

У зот набий ва расуларнинг сўнггиси, одамларнинг барчаси учун юборилган расулдир. У зот рад этилмайдиган элчи, сиғинилмайдиган банда, махлуқотларнинг энг яхшиси, Аллоҳ таоло учун уларнинг энг афзали ва мухтарами, энг мақоми буюги ва василада Аллоҳ таолога энг яқинидир.

У зот инс ва жинларга ҳақиқат ва ҳидоят билан юборилгандир. Аллоҳ у зотни барча оламга раҳмат қилиб юборди. Аллоҳ таоло деди: «Биз сизни барча оламга раҳмат қилиб юбордик» (Анбиё: 7).

Аллоҳ таоло унга ўз Китобини туширди, уни Ўз динига омонатдор қилди, рисолатни етказишни унга юклади ва уни рисолатни етказар экан адашишлардан сақлади. Аллоҳ таоло деди: «Ва У ўз ҳавойи-хоҳишидан сўзламас. У фақат унга ваҳий қилинаётган бир ваҳийдир» (Нажм: 3, 4).

У зотнинг рисолатига иймон келтирмагунига ва унинг пайғамбарлигига гувоҳлик бермагунига қадар ҳеч бир банданинг иймони дуруст бўлмади. Ким унга итоат қилса жаннатга, ким унга осий бўлса жаҳан-

намга киради. Аллоҳ таоло деди: «Йўқ, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Роббингизга касамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларибўйсунмагунларича зинҳор мўъмин бўла олмайдилар» (Нисо: 65).

Ҳар бир пайғамбар ўз халқи учунгина хослаб юборилар эди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса бутун башарият учун юборилдилар. Аллоҳ таоло деди: «Биз Сизни бутун башарият учун хушхабарчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик» (Сабаъ: 28).

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни очик мўъжиза ва аниқ оятлар билан қувватлаган эканига иймон келтирадилар.

Ана шу мўъжизалардан бири ва энг буюги — Қуръон Каримдир. Аллоҳ таоло Қуръон Карим билан халқларнинг энг фасоҳатли, балоғатли ва сўзамолларини мусобақага чақирди.

Қуръон Каримдан кейинги энг буюк мўъжиза — Аллоҳ таоло пайғамбарини қувватлаган Исроъ ва Меърож мўъжизасидир.

«Аҳли суннат ва жамоат» пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни уйғоқлик пайтида, руҳи ва бадани билан Исро кечасида «Масжидул-Ҳаром»дан «Масжидул-Ақсо» га сайр эттирилгани, кейин эса самога олиб чиқилганига иймон келтирадилар. Бу мўъжиза Аллоҳ таолонинг сўзлари би-

лан собитдир: «(Аллоҳ) тунда, Ўз бандасини — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун Масжидул-Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир. Дарҳақиқат, У эшитувчи, кўрувчи зотдир» (Исро: 1).

Исродан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни осмонга олиб чиқилди, ҳатто еттинчи осмонгача чиқдилар. Сўнгра ундан юқорига Аллоҳ хоҳлаганича олиб чиқилди. Бу - олдида «Жаннатул-маъво» бўлган «Сидратул-мунтаҳо» эди.

Аллоҳ таоло У зотни Ўзи хоҳлаган нарсалари билан икромлар қилди, унга ваҳий қилди ва сўзлашди. Унга бир кеча ва кундузда беш вақт намозни фарз қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннатга кириб кўрдилар, жаҳаннамга ҳам қарадилар, фаришталарни кўрдилар, Жаброилни Аллоҳ таоло яратган ҳақиқий суратида кўрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалби кўрган нарсаларини инкор қилмади. Чунки у зот буларнинг ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрдилар. Буларнинг барчаси у зотнинг хурмати, бошқа пайғамбарлардан улуғлиги ва ҳаммадан мақомининг олийлигини билдириш учун бўлган эди. Бундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Байтул-Макдис»га тушдилар ва пайғамбарларга имом бўлиб намоз ўқидилар ва тонг отишидан аввал Маккага қайтдилар (Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» ва бошқа ҳадис китобларида бу воқеъанинг бутун тафсилотлари баён қилинган).

Аллоҳ таоло деди: «Энди сизлар (эй мушриклар, пайғамбар ўз кўзи билан) кўрган нарсаси устида у

билан тортишасизларми?! Дарвоқе, У (Жаброил алайҳиссолату вассаломни) иккинчи марта «Сидратул-мунтаҳо» олдида кўрди. «Жаннатул-маъво» ҳам унинг олдидадир. Ўшанда «Сидратул-мунтаҳо»ни ўраган нарса (олтин капалаклар) ўраб олганди. (Пайғамбар) нинг кўзи (ўнгу сўлга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ. Дарҳақиқат, У Роббининг буюк оятларини кўрди» (Нажм: 13 - 18).

## Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидан:

Ойнинг иккига бўлиниши. Бу - Аллоҳ таолонинг пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга унинг пайғамбарлигига далолат қилсин учун берган буюк белгидир. Бу иш мушриклар у зотдан белги талаб қилганларида Макка шаҳрида содир бўлган.

Таомни кўпайтириш. Бу мўъжиза кўп марта содир бўлган.

Сувни кўпайтириш ва у зотнинг бармоқлари орасидан сув отилиб чиқиши, таомнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун тасбиҳ айтиши. Бу мўъжиза ҳам кўп марта содир бўлган.

Ҳиссий дорисиз касалларни тузатиш ва у зотнинг кўлларида баъзи саҳобаларнинг шифо топишлари.

Ҳайвоннинг у зотга одобда бўлиши, дарахтларнинг бўйсуниши ва тошларнинг унга салом айтиши.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хиёнат ва ўжарлик қилган баъзи кишилардан тезда интиқом олиниши.

У зотнинг баъзи ғайб ишлардан хабар беришлари. Олисларда бўлган ҳодисаларнинг бўлган заҳоти хабар беришлари. Бўлмаган ишлардан хабар беришлари ва ўша ишларнинг ҳақиқатда у зот хабар берганларидек содир бўлганлиги.

У зотнинг барча дуоларининг ижобат бўлиши.

Аллоҳ таолонинг у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламини ҳимоя қилиши ва душманларни ундан даф қи-

лиши. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу деди: «Абу Жаҳл: «Муҳаммад сизларнинг ичингизда юзларини тупроққа булғайдими (сажда қиладими)?!», деди. Унга одамлар: «Ҳа», деб жавоб бердилар. Абу Жаҳл: «Лот ва Уззо номига онт ичиб айтаманки, агар мен шундай қилганини кўрсам, унинг бўйинларига (оёқларим билан) босаман ёки юзини тупроққа булғайман!», деди. Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу) деди: «Абу Жаҳл намоз ўқиётган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бўйниларига босаман деб ўйлади. Тўсатдан одамлар уни бир нарсадан кўрққандек орқасига тисарилиб, қўллари билан ўзини ҳимоя қиладиганини кўрдилар. Унга: «Сенга нима бўлди?», дейишди. У: «Мен билан унинг ўртасида олов тўла хандак, даҳшат ва қанотлар бор эди», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар (у) яқинлашса эди, фаришталар уни ҳар бир аъзосини битта-биттадан узиб олишарди», дедилар» (Имом Муслим ривояти).

## Бешинчи рукн

### Охират кунига иймон келтириш

«Аҳли суннат ва жамоат» охират кунининг бор эканига эътиқод қилиб, иймон келтирадилар. Бунинг маъноси эса, Қиёмат кунини тўла тасдиқ этиш ҳамда Аллоҳ таоло Қуръонида ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатида хабар берган ўлимдан сўнг бўладиган, жаннат аҳллари жаннатга, жаҳаннам аҳллари жаҳаннамга киргунига қадар бўладиган барча нарсаларга иймон келтириш, демакдир.

Аллоҳ таоло охират кунини Ўз Китобида кўп зикр қилди. Балки, ҳар бир муносабат ва ҳар бир ўринда у ҳақда сўз юритди, унинг бўлишини таъкидлаб, кўп зикр қилди. Охират кунига бўлган иймонни Аллоҳга иймон келтиришга боғлади. Аллоҳ таоло деди: «Улар (Аллоҳ таолодан тақво қилувчи кимсалар) сизга нозил қилинган нарса (Қуръон) ва сиздан аввал туширилган нарсалар (китоблар) га иймон келтирадилар ва Охират кунига аниқ ишонадилар» (Бақара: 4).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Қиёмат кунининг қачон бўлишини ёлғиз Аллоҳ таоло билади ва Ундан бошқа ҳеч ким билмайди», деб иймон келтирадилар. Аллоҳ таоло деди: «Дарҳақиқат, Қиёмат (куни қачон бўлиши)нинг илми Аллоҳ таолонинг хузуридадир» (Луқмон: 34).

Аллоҳ таоло Қиёмат кунининг қачон бўлишини бандаларидан сир тутган бўлса-да, унинг яқинлашганини билдирадиган белги ва аломатларни қилиб қўйди.

«Аҳли суннат ва жамоат» Қиёмат кунининг белгилари бўлмиш катта ва кичик аломатларга иймон келтирадилар. Чунки булар охират кунига бўлган иймон ичига киради.

### Қиёматнинг кичик аломатлари

Қиёматнинг кичик аломатлари Қиёмат бўлишидан анча аввал бўлиб, унинг кўринишлари одатдаги ишлар каби бўлади. У гоҳо Қиёматнинг катта белгилари билан ҳамоҳанг бўлади. Қиёматнинг кичик белгилари жуда ҳам кўп бўлиб, биз уларнинг ишончли ривоятлар билан етиб келганларинигина эслатиб ўтмоқчимиз. Улар қуйидагилардир:

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар қилиб юборилишлари, пайғамбарлик ва рисолатнинг тугаши, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафот этишлари, «Байтул-Мақдис» нинг фатҳ этилиши, фитналарнинг пайдо бўлиши, ўтган қавмлардан саналмиш яҳудий ва насронийларнинг йўлларига эргашиш, дажжоллар ва сохта пайғамбарларнинг чиқиши.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номидан сохта ҳадисларни тўқиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини рад этиш, ёлғоннинг кўпайиши, хабарларни нақл қилишда уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текширмаслик, илмнинг кўтарилиши ва илмни кичиклардан ўрганиш, жаҳолат ва бузғунчиликнинг пайдо бўлиши, солиҳ одамларнинг камайиши, Ислому халқаларининг бирма-бир узилиши, халқларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларига биргалашиб ҳамла қилишлари ҳамда Ислому ва Ислому аҳлининг ғариблиги.



Қотилликнинг кўпайиши, балонинг қаттиқлигидан ўлимни ва қабрда ётган одамнинг ўрнида бўлишни орзу қилиш, зилзила ва касалликлар туфайли ўлиш ва тасодифий ўлимларнинг кўпайиши, эркаклар сони озайиб аёлларнинг кўпайиши, аёлларнинг ярим яланғоч кийинишлари, кўчаларда очиқ-ошкор зино қилишнинг ёйилиши, одамларни савалайдиган ва золимларга ёрдамчи бўлган миршабларнинг пайдо бўлиши.

Чолғу асбоблари, хамр (маст қилувчи ичимликлар), зино, судхўрлик, ипак, эркакларнинг ипак кийимларни ҳалол санаб кийишлари, ер ютиш, тош ёғиш ва одамларнинг баъзисини (қилган гуноҳлари сабабли) бошқа махлуқларга айлантириш.

Омонатнинг йўқолиши, ишларнинг нолойиқ одамларга топширилиши, таг-туғи нотайин одамларнинг раҳбар бўлишлари, пасткашларнинг яхшилардан устун бўлиши, чўрининг ўз хўжайинини туғиши, бинолар қуришдаги рақобат, одамларнинг масжидларни безаш билан фахрланишлари, замоннинг ўзгариши: бутларга ибодат қилиш ва Ислом уммати ичида ширк амалларининг пайдо бўлиши.

Танишларгагина салом бериш, тижоратнинг кўпайиши, бозорларнинг яқин бўлиши, ношукрлик билан одамларнинг қўлларида кўп бойликнинг жамланиши, хасисликнинг кўпайиши, ёлғондан гувоҳлик беришнинг кўпайиши, ҳақиқий гувоҳликни яшириш, хаёсизликнинг пайдо бўлиши, одамларнинг хусуматлашиши ва бир-бирларидан нафратланишлари ҳамда ғазабланишлари, қариндошлик алоқаларининг узилиши ва ёмон қўшничилик қилиш.

Вақтнинг қисқариши ва ундан бараканинг кети-

ши, ҳилол - янги ойнинг йўғонлашиши, қоронғу кечанинг бўлаклари каби фитналарнинг пайдо бўлиши, Ислом рағбатлантирган суннатларга амал қилишда суэстик қилиш ва қариялар ўзларини ёшларга ўхшатишлари.

Йиртқич ҳайвонлар ва тоғу тошларнинг одамларга гапиришлари, Фурот дарёсининг сувларини олтиндан бўлган тоғ сабабидан қуриши ва мўъмин тушларининг ўнгидан келиши.

Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадинаси барча ифлосликларни йўқ қилиши ва у ерда солиҳ ва тақволи кишиларгина қолиши. Араб ярим оролида яйлов ва дарёларнинг қайта пайдо бўлиши ва Қаҳтондан одамлар итоат этадиган бир одамнинг чиқиши.

Румликларнинг кўпайиши ва мусулмонларга қарши уруш қилишлари, мусулмонларнинг яхудийлар билан уруш қилишлари ва дарахт ва тошларнинг: «Эй мусулмон, мана бу яхудий, кел уни ўлдир!», деб айтиши.

Константинополь фатҳ этилганидек Римнинг ҳам фатҳ этилиши ва бундан бошқа саҳиҳ ҳадисларда ривоят қилинган хабарлардир.

## Қиёматнинг катта белгилари

Қиёматнинг катта белгилари Қиёматнинг яқин қолганига далолат қилади. Агар бу белгилар кўринса, ундан кейин Қиёмат бўлади.

«Аҳли суннат ва жамоат» Қиёматнинг катта белгиларига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан

ривоят қилинганидек иймон келтирадилар. Уларнинг баъзилари:

Маҳдийнинг чиқиши: Унинг исми Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли-байтидан. У машриқ тарафидан чиқиб, етти йил ҳукм қилади ва жабру зулмга тўлган Ер юзини адолатга тўлдиради. У молни ҳисобсиз беради. У ҳукм қилган даврда Ислом уммати аввал кўрмаган фаровонликни кўради. Ер бор ўсимлигини чиқаради, осмон эса ёмғирларини ёғдиради.

Масихуд-Дажжолнинг чиқиши<sup>1</sup>, Ийсо алайҳис-солату вассаломнинг Шомдаги Дамашқнинг шарқ томонидаги Оқ Минор олдида нозил бўлишлари. Ийсо алайҳис-солату вассалом Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган шариатга амал қилиб, у билан ҳукм қилувчи бўлиб тушиб, Дажжолни ўлдиради ва Ер юзида Ислом билан ҳукм қилади. Ийсо алайҳис-солату вассалом Ҳақ учун жанг қиладиган ва Дажжолга қарши уруш қилишга жамланиб турган ҳамда Аллоҳ тарафидан мададланган тоифа олдида намозга такбир айтилган вақтда нозил бўлади ва ўша жамоанинг амири орқасида иқтидо қилиб намоз ўқийди.

Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши, уч марта: маш-

---

<sup>1</sup> Масихуд-Дажжолнинг фитнаси катта фитналардандир. Чунки Дажжол куфр, залолат ва фитналарнинг манбаидир. Пайғамбарларнинг барчаси ўз кавмларини Дажжол фитнасидан огоҳлантирди. Бу огоҳлантиришга энг кўп эътибор берган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлиб, умматларини бу фитнадан огоҳлантирар эканлар барча намозларидан сўнг Аллоҳ таолога бу фитнадан паноҳ тилаб дуо қилар эдилар.

рикда, мағрибда ва Араб Ярим оролида Ер ютиши содир бўлиши, тутуннинг чиқиши, Қуёшнинг ботиш тарафидан чиқиши, Ер жониворининг чиқиши ва одамлар билан сўзлашиши, одамларни жамлайдиган оловнинг бўлиши.

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таоло ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган ўлим талвасаси ва ўлимдан сўнг бўладиган ўлим фаришталарининг ҳозир бўлишлари, мўъминнинг Робби билан учрашганида қувониши, ўлим пайтида Шайтоннинг ҳозир бўлиши, кофирнинг ўлими олдида келтирган иймонининг қабул бўлмаслиги, Барзах олами (ўлимдан сўнг то Қиёмат кунига қадар давом этадиган ҳаёт), қабрнинг неъматлари, азоблари ва фитналари, қабрдаги фаришталарнинг саволлари, шаҳидларнинг Роббилари ҳузурида тирик эканликлари ва ризкланишлари, саодатли кишиларнинг руҳлари неъматда, бахтиқаро кишиларнинг руҳлари азобда экани каби барча ғайб ишларига иймон келтирадилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» тирик ва барҳаёт Аллоҳ таоло ҳаётни ва тирикларни йўқ қилиб, сўнгга қабрлардаги мурдаларни қайта тирилтириб, ўз ҳузурида тургизиб сарҳисоб қилишига иймон келтирадилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» сурга икки марта дам урилишига иймон келтирадилар. Унинг биринчиси кўркитиш дами: унда бутун Олам ўзгаради ва ундаги интизом бузилади, барча жонзотлар фоний бўлади.

Иккинчиси эса, қайта тирилтириш, жамлаш ва барчанинг Роббул-Оламин учун туришлари учун урилган дам.

«Аҳли суннат ва жамоат» қайта тирилиш ва жамланишга, Аллоҳ таоло қабрлардаги одамларни қайта тирилтириши, одамлар Роббул-Олабийн олдида яланғоч, ялангоёқ ва хатна қилинмаган холда туришларига иймон келтирадилар. Қуёш уларга жуда ҳам яқин бўлади, улар ўзларидан оққан терларга кўмилиб баъзилари то бўғизларигача терга ботади. Биринчи бўлиб қайта тириладиган ва қабри ёриладиган одам — пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўладилар.

Бу даҳшатли кунда одамлар ўз қабрларидан бир лахзада атрофларга ёйилган чигирткалар мисоли, чақирувчига ижобат қилиб шошган ҳолларида чиқиб келадилар. Сўнгра, атроф жим-жит, ҳаммага кўрқинчли сукунат ҳукмрон бўлади. Шу пайтда амаллар ёзилган номалар — саҳифалар тарқатилади. Барча сирлар очилади. Аллоҳ таоло бандалари билан сўзлашади. У билан бандалари ўртасида таржимон бўлмайди. Одамларни ўзлари ва оталарининг исмлари билан чақирилади.

«Аҳли суннат ва жамоат» бандаларнинг амаллари тортиладиган икки паллали тарозига, амал саҳифаларининг тарқатилишига, уни баъзилар ўнг, баъзилар чап ва баъзилар орқа тарафларидан олишларига иймон келтирадилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» жаҳаннам устига қурилган, солиҳ кишилар ўтиб, гуноҳкорлар йиқиладиган «Сирот» (кўприги)га иймон келтирадилар.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Сирот – жаннатга ўтиб бориладиган йўлдир. Одамлар Сирот устидан қилган амалларига қараб ўтиб борадилар. Уларнинг

«Аҳли суннат ва жамоат» жаннат ва жаҳаннам яратилган, ҳозирги кунда ҳам мавжуд, улар ҳеч ҳам фоний бўлмаслигига, жаннат мувахҳид мўъминлар ва тақволиларнинг жойи эканига, жаҳаннам эса насоро, яхудий ва бутпарастлар каби мушрик-кофирлар ва гуноҳкорларнинг диёри эканига иймон келтирадилар. Гуноҳкор (мўъмин) ларнинг жаҳаннами фоний бўлади, кофирларнинг жаҳаннами эса фоний бўлмайди. Жаннат ҳеч қачон фоний бўлмайди. Аллоҳ таоло жаннат ва жаҳаннамни махлуқларни яратишдан аввал яратгандир.

«Аҳли суннат ва жамоат» Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати Қиёмат кунда биринчи бўлиб ҳисоб қилиниши, биринчи бўлиб жаннатга кириши, улар жаннат аҳлининг ярми экани ва ҳамда улардан етмиш мингги жаннатга ҳисоб-китобсиз киришига иймон келтирадилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» мувахҳидлар жаҳаннамда абадий қолмасликларига иймон келтирадилар. Улар Аллоҳ таолога шерик қилишдан бошқа гуноҳларни қилганликлари сабабли жаҳаннамга кирганлар,

---

баъзилари кўзни юмиб-очгунча, баъзилари чакмоқдек, баъзилари шамолдек, баъзилари учқур отдек, баъзилари туя юришидек, баъзилари югуриб, баъзилари юриб, баъзилар эмаклар ўтиб борадилар. Баъзи одамларни тутиб, жаҳаннамга ташланади. Жаҳаннамга тушган ҳар бир киши ўзининг қилган амалларига қараб, гуноҳ ва хатоларидан пок бўлгунча азобланади. Сиротдан ўтган одамлар жаннатга кириш учун тайёрланадилар ва Қантара (жаннат билан жаҳаннам ўртасидаги бир майдон) да кутиб турадилар. Уларнинг бир-бирларидан қасослари олиниб (бу қасосларни уламолар қалб амалларида деганлар, хасад, гина каби) покланганларидан сўнг жаннатга киришларига изн берилади.

холос. Чунки, мушриклар жаҳаннамдан чиқмасдан мангу қоладилар.

Улар пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қиёмат кунндаги ҳавзининг суви сутдан кўра оқроқ, асалдан ширинроқ, мушк-анбардан хушбўйроқ, идишлари самонинг юлдузлари саногича, узунлиги бир ойлик, эни ҳам бир ойлик масофа, ундан ичган киши ҳеч ҳам чанқамайди, у динда бидъат ишларни қилган кишилар учун ҳаромдир, деб иймон келтирадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳавзим(нинг катталиги) бир ойлик йўлдир. Унинг суви сутдан оқроқ, мушкдан хушбўйроқ ва идишлари самонинг юлдузлари (каби кўпдир). Ундан ичган одам ҳеч ҳам чанқамас» (Имом Бухорий ривояти).

Ва яна дедилар: «Мен сизларни ҳавзим олдида кутиб тураман. Ким менинг олдимдан ўтса (ҳавзимнинг сувидан) ичади. Ким ундан сув ичса мудом чанқамас. Менинг олдимга мен таниган ва мени ҳам таниган кимсалар сув ичиш учун келадилар ва мен билан улар ўртасини тўсиб қўйилади». (Бошқа бир ривоятда): «Мен: «Улар мендан», деб айтаман. Менга: «Сиз улар сиздан сўнг нима ишлар пайдо қилганларини билмай-сиз», дейилади. Шунда, мен: «Мендан сўнг ўзгартиришлар қилган кишилар узоқ бўлсинлар! Узоқ бўлсинлар!», дейман» (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун шафоат ва «ал-Мақомул-Маҳмуд» «мақталган мақом», собитдир. У зотнинг мавқиф (махшаргоҳ)да турган кишилар ўртасида ҳукм қилиниши учун шафоатлари «ал-Мақомул-Маҳмуд»дир. Жаннат аҳллари-

нинг жаннатга киришлари учун шафоат қиладилар ва жаннатга биринчи бўлиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари кирадилар. Амакилари Абу Толибнинг жазосини енгиллатиш учун шафоат қиладилар (бу уч шафоат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгагина берилган бўлиб, бошқаларга берилмаган).

Умматидан жаннатга кирадиган баъзи кишиларнинг олий мақомларга кўтариш учун шафоатлари ва жаннатга ҳисоб-китобсиз кирадиган умматидан бўлган кишилар учун шафоатлари.

Яхшилик ва ёмонликлари тенг бўлган кишиларнинг жаннатга киришлари учун шафоатлари. Жаҳаннамга киришлари амр этилган баъзи кишиларнинг жаҳаннамга кирмасликлари учун шафоат қилишлари.

Ўз умматидан азобга мустаҳиқ кишилардан азобни енгиллатиш учун шафоатлари ва мувахҳидлардан осий бўлганларини жаҳаннамдан чиқаришларидаги шафоатлари. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоат қилганларидан сўнг улар жаннатга кирадилар.

Сўнгги шафоатда (яъни, мувахҳидлардан осий бўлганларини жаҳаннамдан чиқаришда) фаришталар, пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддиклар, солиҳлар ва мўъминлар муштаракдирлар. Буларнинг ҳаммасининг шафоатларидан кейин Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз фазли ва карами билан ҳеч бир шафоатсиз кўплаб одамларни жаҳаннамдан чиқаради.

Кофирлар учун шафоат йўқдир. Аллоҳ таоло деди: «Уларга шафоат қилувчиларнинг шафоатлари фойда бермайди» (Муддассир: 84)



### Шафоатнинг икки шарти бор:

Биринчиси: шафоат қилиш учун Аллоҳ таолонинг изн бериши. Аллоҳ таоло деди: «У (Аллоҳ) нинг ҳузурида ҳеч ким (бировни) Унинг изнисиз шафоат қила олмайди» (Бақара: 255).

Иккинчиси: Аллоҳ таолонинг шафоат қилувчи ва шафоат қилинувчилардан рози бўлиши. Аллоҳ таоло деди: «(Улар) фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қиладилар» (Анбиё: 28).

Қиёмат кунида мўминнинг қилган амали ҳам шафоат қилади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Рўза ва Қуръон Қиёмат куни банда учун шафоат қилади», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, Қиёмат куни ўлимни олиб келиниб, сўйиб ташланади: «Жаннат аҳли жаннатга, жаҳаннам аҳли жаҳаннамга кириб бўлишгач ўлимни жаннат ва жаҳаннам ўртасидаги бир ерга олиб келинади ва бўғизланади. Кейин бир жарчи: «Эй жаннат аҳли, (энди) ўлим йўқ! Эй жаҳаннам аҳли, (энди) ўлим йўқ!», деб нидо қилади. Жаннат аҳли қувончларига қувонч, жаҳаннам аҳли кайғуларига кайғу зиёда бўлади» (Имом Муслим ривояти).

## Олтинчи рукн

### Қадар (тақдир)га иймон келтириш

«Аҳли суннат ва жамоат» ҳар бир яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ таолонинг қазоси (ҳукми) ва қадари (ўлчови) билан бўлишига, Аллоҳ таоло хоҳлаган нарсасини қилувчи, барча нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши билан бўлиб, унинг хоҳиш даражасидан ташқари бўлмаслигига, Аллоҳ таоло бўлган ва бўладиган барча нарсаларни бўлишидан аввал азалда билган экани, ўзининг аввалдан билиши ва ҳикмати тақозо этганидек барча нарсаларни тақдирлаб қўйгани, бандаларининг аҳволи, ризқи, ажали, амаллари ва уларнинг бошқа нарсаларини билишига, барча нарса Аллоҳ таолонинг илми, қудрати ва иродасидан содир бўлгани, хуллас, то абад бўладиган барча нарсани Аллоҳ таоло билган ва қалам ёзган нарсалар эканига қатъий эътиқод қиладилар. Аллоҳ таоло деди: «(Бу) илгари ўтган (пайғамбарлар) ҳақидаги Аллоҳнинг йўли – қонунидир. Аллоҳнинг амри тақдир - белгиланган миқдор бўлди» (Аҳзоб: 38);

«Биз барча нарсани ўлчов билан яратдик» (Қамар: 49).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Банда тақдирнинг яхши ва ёмони Аллоҳдан эканига иймон келтирмагунича ва ўзига етган нарса етмай қолмаслигини, етмаган нарса эса асло етмаслигини билмагунига қадар комил мўъмин бўла олмайди» (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунанит-Термизий»).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Тақдирга бўлган иймон тўрт нарса (илм, ёзиш, ирода, яратиш) билангина

мукаммал бўлади деб айтадилар. Улар: «тақдирнинг босқичлари» ёки «тақдирнинг рукнлари» деб аталади. Мана шу нарсалар қадар масаласини тушуниш учун киришдир. Тақдирга бўлган иймон унинг барча рукнларини рўёбга чиқариш билангина комил бўлади. Чунки улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Бу рукнларнинг барчасига иймон келтирган кишининг иймони мукаммал, бу рукнларнинг бири ёки бир нечасига иймон келтирмаган кишининг иймони нуқсонли бўлади.

#### Биринчи босқич: Илм-билиш

Бу: «Аллоҳ таоло бўлиб ўтган ва бўладиган нарсалар, бўлмаган нарса агар бўлса қандай бўлишини умумий ва муфассал суратда билади. У махлуқларнинг нима иш қилишларини уларни яратишидан аввал билган. У уларнинг ризқлари, ажаллари, амаллари, ҳаракатлари, сукунатларини, уларнинг бахтли ва ва бахтиқароларини билган. Аллоҳ таолонинг бу билиши унинг азалдан сифатланган қадим илми биландир», деб иймон келтириш, демакдир.

Аллоҳ таоло деди: «Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билувчидир» (Тавба: 115).

#### Иккинчи босқич: Ёзиш

Бу: «Аллоҳ таоло махлуқларининг тақдирини илми аввалийсиди билганига мувофиқ «Лавҳул-Маҳфуз»га ёзиб қўйган эканига, бу китоб ҳамма нарсани ўз ичига олган, ундан бирор нарса тушиб қолмаган. Қиёмат кунига қадар бўлиб ўтган, бўлаётган ва бўладиган барча нарса «Уммул-Китоб»да ёзилган эканига иймон келтириш, демакдир. Бу китобни: «аз-Зикр», «ал-Имом» ва «ал-Китабул-Мубийн» деб аталади.

Аллоҳ таоло деди: «Барча нарсани Биз очиқ Китобда (Лавхул Маҳфузда) санаб-белгилаб қўйгандир-миз» (Ёсин: 12).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло биринчи бўлиб қаламни яратди ва унга: «Ёз!», деди. Қалам: «Нимани ёзай?», деди. Аллоҳ таоло: «Такдирни ёз, бўлган ва тоабад бўладиган нарсаларни ёз!», деди» (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунанит Термизий»).

Учинчи босқич: Ирода ва хоҳиш.

Яъни Коинотда содир бўлаётган барча нарса Аллоҳ таолонинг раҳмат ва ҳикмати ўртасида айланувчи ирода ва хоҳиши билан бўлади. Аллоҳ хоҳлаган кишисини ўз раҳмати билан ҳидоят қилади, хоҳлаган кишисини эса ўз ҳикмати билан адаштиради. Аллоҳ таоло ҳикмати ва салтанати комил бўлгани учун қилган ишларидан сўралмайди. Балки, бандалар қилган ишларидан сўраладилар. Чунки содир бўлган нарса «Лавхул-Маҳфуз» да ёзилган Аллоҳ таолонинг азалий илмига мосдир. Демак, Аллоҳ таолонинг хоҳиши бўлувчидир ва қудрати барча нарсани ўз ичига олувчидир. Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаган нарса бўлмайди. Бирон нарса унинг хоҳишидан четга чиқа олмайди. Аллоҳ таоло деди: «Сизлар фақат бутун Оламлар Робби бўлган Аллоҳ хоҳласагина хоҳлайсизлар» (Таквир: 29).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Одам фарзандларининг барчаларининг қалблари Раҳмон (Аллоҳ) бармоқларининг иккитаси ўртасида бир қалб кабидир. У (Аллоҳ) уни хоҳлаганидек айлантиради» (Имом Муслим ривояти).

Тўртинчи босқич: Яратиш.

Бу босқич қуйидаги нарсаларга иймон келтириш, демакдир:

Аллоҳ таоло барча нарсанинг Холиқидир, ундан бошқа Холиқ ва Робб йўқдир. Аллоҳ таолодан бошқа барча нарса махлуқ бўлиб, У ҳар бир амал қилувчи ва унинг амалини, ҳар бир ҳаракатланувчи нарса ва унинг ҳаракатини яратувчидир. Аллоҳ таоло деди: «... (У Аллоҳ) барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган Зотдир» (Фурқон: 2).

Содир бўлаётган барча яхшилик ва ёмонлик, куфр ва иймон, тоат ва маъсиятни Аллоҳ таоло хоҳлаган, тақдир қилган ва яратган. Аллоҳ таоло деди: «Ҳеч бир жон мўъмин бўла олмас, магар Аллоҳнинг изни-иродаси билангина (мўъмин бўлади)» (Юнус: 100).

Яна бир оятда: «Айтинг: «Бизга фақат Аллоҳ биз учун ёзиб қўйган насагина етар» (Тавба: 51).

Аллоҳ таоло яратиш ва вужудга келтиришда Ёлғиздир. У барча нарсанинг истисносиз яратувчиси, ундан бошқа Холиқ ҳам, Роб ҳам йўқдир. Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳ барча нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсанинг устида Вакил-тасарруф қилувчидир» (Зумар: 62).

Аллоҳ таоло тоатни яхши кўради, осийликни эса ёмон кўради. Ўзи хоҳлаган одамни Ўз фазли билан хидоятлайди ва хоҳлаган одамни Ўз адолати билан адаштиради. Аллоҳ таоло деди: «Агар сизлар кофир бўлсангизлар, албатта Аллоҳ сизлардан беҳожатдир. (Аммо) У Ўз бандаларининг кофир бўлишига

рози бўлмас. Агар шукр қилсангизлар, (ва иймон келтирсангизлар) у сизлар учун (фақат шукр қилиб, иймон келтиришингизларгагина) рози бўлади. Ҳеч бир кўтарувчи (яъни, гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (гуноҳини) кўтармас» (Зумар: 7).

Аллоҳ адаштирган одам учун ҳужжат ва узр йўқдир. Чунки Аллоҳ таоло одамларнинг ҳужжат ва узрларини даф қилиш учун пайғамбарларни юборди, банданинг амалини унинг ўзига боғлади ва унинг касбидан деб ҳисоб қилди. Инсонни қодир бўла оладиган нарсаларгагина буюрди. Аллоҳ таоло деди: «Бу кунда ҳар бир жон ўзи қилган иш-амали билан жазоланади. Бу кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас» (Ғофир: 17).

Бошқа оятда деди: «Дарҳақиқат, Биз уни (инсонни) (Тўғри) йўлга ҳидоят қилдик, (энди) у хоҳ шукр қилувчи бўлсин ва хоҳ кўрнамак-кофир бўлсин» (Инсон: 3).

Яна бир оятда деди: «Токи бу пайғамбарлар (ўтганлари)дан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўъминларга жаннат ҳақида) хушхабар берувчи ва (кофирларни жаҳаннам азобидан) қўрқитувчи қилиб юбордик» (Нисо: 165).

Бошқа бир оятда деди: «Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага буюрмайди» (Бақара: 286).

Аллоҳ таолонинг раҳмати баркамол бўлгани учун Унга ёмонликнинг нисбатини берилмайди. Чунки У яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарди. Ёмонлик Аллоҳ таолонинг қазоси ва ҳикматисиз бўлмайди.

Аллоҳ таоло деди: «Сенга етган ҳар қандай яхшилик фақат Аллоҳдандир. Сенга етган ҳар қандай ёмонлик эса ўзингдандир» (Нисо: 79).

Аллоҳ таоло зулм қилишдан покдир. У адолат билан сифатланган ва ҳеч кимга зарра миқдорида зулм қилмайди. Унинг барча ишлари адолат ва раҳматдир.

Аллоҳ таоло деди: «Мен бандаларга зулм қилувчи эмасман» (Қоф: 29).

Бошқа оятда деди: «Роббингиз ҳеч кимга зулм қилмайди» (Каҳф: 49).

Яна бир оятда: «Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло заррача ҳам зулм қилмайди» (Нисо: 40)- деди.

Аллоҳ таоло қилган ёки хоҳлаган нарсасидан масъул эмасдир. Аллоҳ таоло деди: «У (Аллоҳ) Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас. Улар (яъни, бандалар эса қиладиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўладилар» (Анбиё: 23).

Аллоҳ таоло инсонни яратди ва унинг амалларини яратади. Унга ирода, кудрат, ихтиёр ва хоҳишни берди. Шунинг учун унинг амаллари ҳақиқатда ўзига нисбатланади. Бундан ташқари, унга яхшилик билан ёмонлик ўртасини ажратиб оладиган ақлни берди (яхшилик ва ёмонликни билиши учун пайғамбарлар орқали уларни баён қилди) ва уни ўз хоҳиш ихтиёри билан қилган ишлардагина ҳисоб-китоб қилади. Инсон ишларни қилишга мажбурланган эмас. Балки, унинг ўз хоҳиш ва ихтиёри бўлиб, у ўз ишлари ва этиқодини ўзи ихтиёр қилади. Бироқ, инсон ўз хоҳишларида Аллоҳ таолонинг хоҳишига тобеъдир. Аллоҳ таоло хоҳлаган ҳар бир нарса бўлади, (гарчи банда уни

хоҳламаса ҳам) хоҳламаган нарса эса бўлмайди (гарчи банда уни хоҳласа ҳам). Аллоҳ таоло бандаларининг (ихтиёр қилган барча) ишларини яратади, бандалар эса Аллоҳнинг яратганларини қиладилар. (Аллоҳ яратиб бермаса бирон ишни қила олмайдилар, тобеъликнинг маъноси шудир.) Бас, Аллоҳдан амалларни яратиш, вужудга келтириш, бандалардан эса қилиш ва касб этишдир. Аллоҳ таоло деди: «...сизларнинг орангиздаги Тўғри йўлда бўлишни хоҳлаган кишилар учун бир эслатмадир. Сизлар фақат бутун Оламлар Робби бўлган Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри йўлда бўлишни) хоҳлайсизлар» (Таквир: 28, 29).

Тақдирни хужжат қилиб: «Агар Аллоҳ хоҳлаганда эди на биз ва на бизнинг ота-боболаримиз мушрик бўлмаган ва бирон нарсани ҳаром қилиб олмаган бўлар эдик» (Анъом: 148) — деб айтган мушрикларга уларнинг бу ёлғон даъволарини рад этиб Аллоҳ таоло деди: «(Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам,) Айтинг: «Олдиларингда бизга кўрсатадиган (айтаётган сўзларингизни тасдиқловчи) бирон хужжатингиз борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасиз, сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз!» (Анъом: 148).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Тақдир Аллоҳ таолонинг махлуқотларидаги сиридир. Уни на Аллоҳга яқин бўлган фаришта ва на юборилган пайғамбар биледи. Тақдирга назар қилиш ва уни чуқур ўрганиш — залолатдир. Чунки, Аллоҳ таоло тақдир илмини махлуқларидан яширди ва уни талаб қилишдан уларни қайтарди деб эътиқод қиладилар. Аллоҳ таоло деди: «У (Аллоҳ) Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида



масъул бўлмас. Улар (яъни, бандалар эса қиладиган хар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўладилар» (Анбиё: 23)

«Аҳли суннат ва жамоат» ўзларига муҳолиф бўлган ва адашган тоифаларга Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи билан хитоб қилиб уни хужжат қиладилар: «Айтинг: «Ҳамма нарса Аллоҳдандир». Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?!» (Нисо: 78).

Мана шулар саҳобалар, тобиинлар ва уларга Қиёмат кунига қадар яхшилик билан эргашган салаф солиҳлар иймон келтирган нарсалардир. Аллоҳ таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин!

## ИККИНЧИ АСОС

### «Аҳли суннат ва жамоат» эътиқодида «иймон» сўзининг истеъмоли

Салафи солих, «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодларининг асосларидан бири уларнинг: «Иймон қалб билан тасдиқлаш, тил билан талаффуз ва аъзолар билан амал қилишдир. У тоат қилиш билан кўпаяди ва гуноҳ қилиш билан озаяди», деб айтишларидир.

Иймон<sup>1</sup> - сўз ва амалдир<sup>2</sup>:

---

<sup>1</sup> «Иймон» сўзининг луғавий маъноси: «тасдиқлаш, бўйсунуш ва иқрорни изҳор қилиш» бўлса, шаръий маъноси: ботиний ва зоҳирий тоат-ибодатлардир. Ботинийлари: масалан: қалб амаллари, у — қалбнинг тасдиқлашидир. Зоҳирийлари эса бадан қилган фарз, суннат амаллардир. Хуллас, иймон — қалбда ўрнашган, уни амал тасдиқлаган ва унинг самаралари Аллоҳ таолонинг буйруқларига итоат этиш, қайтарикларидан четланишда очик намоён бўлган нарсадир. Зеро, амалсиз илмдан фойда йўқдир. Агар қуруқ илм фойда берса эди, Иблис (Аллоҳ уни лаънатласин!)га фойда берган бўлар эди. У Аллоҳ таолонинг шериксиз ягона экани ва ўзи Аллоҳ таолога қайтишини яхши билар эди. Лекин унга Аллоҳ таолодан: «Одамга сажда қил!» амри келганида, бош тортиб, мутакаббирлик қилди ва кофир бўлди. Унга тавҳид илмини билиши фойда бермади. Чунки амалдан ажраган илмнинг Аллоҳ таоло тарозусида ҳеч қандай вазни йўқдир. Салаф солих тушунчаси шундайдир. Зеро, иймон Қуръон Каримда амалдан ажратилган холида келмаган. Балки, кўп оятларда иймонга солих амалларни атф қилинган (боғланган).

<sup>2</sup> Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ шундай деди: «Мен Ҳижоз, Мадина, Басра, Макка, Восит, Бағдод, Шом ва Миср аҳлларидан бўлган мингдан ортиқ олимлар билан бир неча бор учрашдим, қирқ олти йилдан кўпроқ муддат давомида мен улар билан кўришдим. (Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ уларнинг элликдан ортигини номма-ном зикр қилади. Сўнгра: «Биз сўзни чўзмаслик

- Қалб ва тилнинг сўзи.

- Қалб, тил ва аъзоларнинг амали.

- Қалбнинг сўзи – унинг этикоди, тасдиқи, иқрори ва ишончидир.

- Тилнинг сўзи – амални иқрор қилишидир. Яъни, шаҳодат калималарини талаффуз қилиш ва унинг тақозоси билан амал қилиш.

- Қалбнинг амали – унинг нияти, таслим бўлиши, ихлоси, тўла бўйсунуши, солиҳ амалларни севиши ва хоҳлашидир.

- Тил ва аъзоларнинг амали – буюрилган нарсаларни қилиш ва қайтариқларни тарк этишидир.

«Иймон фақат амал билан бўлади, сўз ҳам амал ҳам фақат ният билангина этиборлидир. Сўзнинг ҳам, амалнинг ҳам, ниятнинг ҳам этибори йўқ, фақат улар суннатга мувофиқ бўлсагина этиборлидир»<sup>1</sup>.

---

учун шу исмлар билан кифояланамиз», дейди.) Мен уларнинг биронтасини: Аллоҳ таолонинг: «Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У Зот учун Динни холис қилган, Тўғри Йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу Тўғри Диндир» (Баййина: 5) оятига биноан: «Дин — сўз ва амал» эканида ихтилоф қилганларини кўрмадим.»

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ сўзининг давомида уларнинг қолган этиқодларини ҳам баён қилди. (Лолакаий: «Шарху усули аҳлис-суннати вал-жамоати минал-китаби вассуннати ва ижмаис-соҳабати ват-табиин»).

<sup>1</sup> Бу сўзни Имом Авзойй, Суфён Саврий, Хумайдий ва бошқа кўплаб салаф олимлари айтдилар, шунингдек уни Лолакаий ва ибн Батта ривоят қилдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «мўъминлар» сифатини ҳақиқий иймон келтирган ва иймон келтирган нарсалари бўлмиш диннинг асослари, фуруълари, зоҳири ва ботинига амал қилган, бу иймоннинг таъсирлари уларнинг эътиқодлари, сўзлари, ботиний ва зоҳирий амалларида намоён бўлган кишиларга истеъмом қилди. Аллоҳ таоло деди:

«Ҳақиқий мўъминлар фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинган вақтида қалбларига кўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонларини зиёда қиладиган ва Ёлғиз Роббиларига таваккул қиладиган кишилардир. Улар намозни тўқис адо этадилар ва Биз уларни баҳраманд қилган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладилар. Ана ўшаларгина ҳақиқий мўъминлар бўлиб, улар учун Роббилари хузурида (юксак) мақомлар, мағфират ва улур ризқ бордир» (Анфол: 2-4).

Аллоҳ таоло Қуръоннинг кўп ерида иймонни амали солихга боғлаган:

Аллоҳ таоло деди: «Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун Фирдавс жаннатлари манзил бўлади» (Каҳф: 107);

«Албатта: «Роббимиз - Аллоҳдир» деб, сўнгра (Ёлғиз Аллоҳ таолога ибодат қилишда) тўғри-устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, дерлар: «Кўрқманглар ва ғамгин бўлманглар!» (Фуссилат: 30);

«Қилиб ўтган амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир» (Зух - руф: 72);

«Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар)» (Вал-аср сураси).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳга иймон келтирдим», деб айтинг, сўнгра сабот билан туринг!» (Имом Муслим ривояти);

«Иймоннинг етмишдан ортиқроқ тармоқлари бор. Бу тармоқларнинг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасидир. Энг қуйиси эса йўлдан озорли нарсаларни олиб ташлашдир. Ҳаё ҳам иймоннинг бир тармоғидир» (Имом Бухорий ривояти).

Илм ва амал бир-бирига чамбарчас боғланган бўлиб, амал илмнинг кўриниши ва жавҳаридир.

Иймоннинг даражалари ва тармоқлари борлигига, иймон кўпайиб, озайиши ва иймон аҳлининг бир-бирларидан иймонда фарқли эканликларига далолат қилувчи кўплаб оят ва ҳадислар ворид бўлган. Аллоҳ таоло деди: «...иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлгай» (Муддассир: 31);

«...Қани, бу сура қайси бирингизнинг иймонингизни зиёда қилди?, дейишади. Аммо у (сура) иймон келтирган зотларнинг иймонларини албатта зиёда қилди» (Тавба: 124);

«...Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонларини зиёда қиладиган ва Ёлғиз Роббиларига таваккул қиладиган кишилардир» (Анфол: 2);

«(Аллоҳ) ўз иймон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўъминларнинг дилларига сакинат ором туширган Зотдир» (Фатҳ: 4).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ учун севган ва Аллоҳ учун ёмон кўрган кишининг иймони комил бўлибди» (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунани Аби Довуд»).

Бошқа бир ҳадисда: «Сизлардан бирингиз гуноҳ ишни кўрса уни қўли билан ўзгартирсин, агар қодир бўлмаса тили билан, агар қодир бўлмаса қалби билан ўзгартирсин. Бу иймоннинг энг заифидир» (Имом Муслим ривояти).

Саҳобалар — Аллоҳ улардан рози бўлсин! — иймоннинг эътиқод, сўз ва амал экани, тоат билан зиёда, гуноҳ билан камайишини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўргандилар ва тушундилар.

Амирул-мўъминийн Алий разияллоҳу анҳу: «Сабрнинг иймонга нисбатан ўрни бошнинг жасадга нисбатан бўлган ўрнига ўхшайди. Сабри бўлмаган одамнинг иймони йўқдир», дедилар<sup>1</sup>.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: «Илоҳим, бизга иймон, ишонч ва фикҳни зиёда қил!», деди<sup>2</sup>.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Абуд-Дардо разияллоҳу анҳумлар: «Иймон кўпайиб, озаяди», деб айтардилар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Лолакаий: «Шарҳу усули аҳлис-суннати вал-жамоати минал-китаби вас-суннати ва ижмаис-соҳабати ват-табиин».

<sup>2</sup> Аввалги манба.

<sup>3</sup> Аввалги манба.

Вакийъ ибн Жарроҳ раҳимахуллоҳ деди: «Аҳли суннат»: «Иймон сўз ва амалдир», деб айтадилар»<sup>1</sup>.

Аҳли суннат имоми Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳ: «Иймон кўпайиб, озаяди. Унинг кўпайиши амал билан, озайиши эса амални тарк қилиш биландир», деди<sup>2</sup>.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ: «Иймон – зийнатланиш ва орзуланиш билан эмас, балки иймон қалбга ўрнашган ва амал уни тасдиқлаган нарсадир», деди (Шайхул ислом Ибн Таймийя: «Китабул-ийман»).

Имом Шофий раҳимахуллоҳ: «Иймон сўз ва амалдир. У кўпайиб, озаяди. Тоат билан кўпаяди, маъсият-гуноҳ билан озаяди», деди ва Аллоҳ таолонинг: «...иймон келтирган зотларнинг иймонлари эса янада зиёда бўлади» (Муддассир: 31) оятини тиловат қилди («Фатҳул-Борий: 1/ 62, Китабул-Ийман»).

Имом Абу Умар ибн Абдулбар «ат-Тамҳид» китобида шундай деди: «Фикҳ ва ҳадис аҳллари иймоннинг сўз ва амал эканига, ниятсиз амал бўлмаслигига ижмоъ қилдилар. Уларнинг этиқодларида иймон тоат билан зиёда, гуноҳ билан кам бўлади ва тоатларнинг барчаси иймондир» (Шайхулислом Ибн Таймийя: «Китабул-ийман»).

Барча саҳобалар, тобиинлар, уларга яхшилик билан эргашган муҳаддис, фақиҳ ва дин имомлари ва уларга эргашганлар шу тушунчада эдилар. Уларга бу тўғрида ҳақиқатдан четга чиққан кимсалардан бошқа ҳеч ким муҳолиф бўлмади.

<sup>1</sup> Аввалги манба.

<sup>2</sup> Лолакаий: «Шарху усули аҳлис-суннати вал-жамоати минал-китаби вас-суннати ва ижмаис-соҳабати ват-табиин».

«Аҳли суннат ва жамоат» иймонни амалдан ажратган кимсаларни муржиа, бидъатчи ва адашган деб атадилар.

Кимки шаҳодат калималарига тили билан иқрор бўлса, қалби билан Аллоҳнинг бирлигини эътиқод қилса, лекин, аъзолари билан Ислому рукнларининг баъзисига амал қилмаса, унинг иймони мукамал бўлмайди. Аммо шаҳодат калималарига иқрор бўлмаган кишиларга мўъмин ҳам мусулмон ҳам дейилмайди.

«Аҳли суннат ва жамоат» иймонда истисно яъни, «Иншааллоҳ, мен мўъминман» дейиш бор дейдилар. Улар Аллоҳ таолодан жуда ҳам кўрққанлари, тақдирни исбот этганлари ва ўзларини мақташдан сақланганлари учун ўзларига мутлақ иймонни нисбат қилишга жазм қила олмайдилар (агар улардан сиз мўъминмисиз деб сўралса ва бу савол билан комил мўъминлиги назарда тутилса, улар) «Иншааллоҳ, мен мўъминман», дейдилар. Чунки, мутлақ иймон барча тоатларни қилиш ва қайтариқларнинг ҳаммасини қилмасликни ўз ичига олади. Бироқ, истисно иймонда шак қилиш кўринишида бўлса, улар бу каби истиснодан қайтарадилар. (Яъни, мен мўъмин бўлсам керак иншааллоҳ дейишдан қайтарадилар. Бу каби ўринларда жазм қилиш керак бўлади.) Бунга Қуръон Карим, суннат, салаф солиҳ ва уламолар сўзларида кўп далиллар бор. Аллоҳ таоло деди:

«Ва бирон нарса ҳақида: «Мен албатта бу ишни эртага қилгучиман», дея кўрманг, магар «Иншааллоҳ-Аллоҳ хоҳласа», (денг)» (Каҳф: 23, 24);

«... Сизлар ўзларингизни покламай кўя қо-



линглар! Унинг Ўзи тақводор бўлган кишиларни жуда яхши билувчидир» (Нажм: 32).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабристонга кирган пайтларида: «Ассалому алайкум мўмин ва мусулмонлар диёри! Иншааллоҳ, бизлар ҳам сизларга етиб келгувчилармиз. Аллоҳдан биз ва сизлар учун офиятни сўрайман», дер эдилар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: «Ўзининг мўмин эканига гувоҳлик берган киши, ўзининг жаннат аҳлидан эканлигига ҳам гувоҳлик берсин», деди (Лолакаий ривояти).

Жарир раҳимаҳуллоҳ: «Мен Мансур ибн Мўтамир, Муғйра, Аъмаш, Лайс, Умора ибн Қаъқо, ибн Шубрума, Ало ибн Мусаййиб, Язид ибн Абу Зиёд, Суфён Саврий, ибн Муборак ва бошқа учратганим барча кишиларнинг иймонда истисно қилганларини ва истисно қилмаганларни айблаганларини эшитдим», деди (Лолакаий ривояти).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳдан: «Иймон нима?», деб сўралганда, у шундай деб жавоб килди: «Сўз (талаффуз), амал ва ният». Яна сўрадилар: «Бирон киши «Сен мўминмисан?» деб сўраса бўладими?. «Бундай савол бериш — бидъатдир», деб жавоб берди. «Ундай саволга нима деб жавоб бериш керак?», деб сўрадилар: «Иншааллоҳ, мўминман!», деб жавоб беради, деди (Лолакаий ривояти).

Бандадан иймон сифати куфрга олиб бормайдиган ишни қилиши ёки тарк қилиш куфр бўлмайдиган бурчларни тарк қилиши билан кўтарилмайди. Банда

иймонни бузадиган бирон амални қилиши билангина иймондан чиқади.

Гуноҳи кабира - катта гуноҳларни қилган киши иймондан чиқмайди. У, бу дунёда иймони кемтик, иймони билан мўъмин ва қилган катта гуноҳи билан фосиқдир. Охиратда эса Аллоҳ таолонинг ихтиёридадир: хоҳласа уни кечиради, хоҳласа жазолайди.

Иймон бўлиниши мумкин. Аллоҳ таоло иймоннинг ози билан ҳам жаҳаннамга кирган кишиларни чиқаради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қалбида хардал уруғича иймони бўлган кишилар жаҳаннамга кирмайдилар» (Имом Муслим ривояти).

Шунинг учун ҳам, «Аҳли суннат ва жамоат» иймоннинг аслини маҳв этадиган гуноҳдан бошқа гуноҳларни қилган аҳли қибладан биронтасини кофир ҳисобламайдилар. Аллоҳ таоло деди: «Албатта Аллоҳ ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечиради» (Нисо: 48).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Жаброил алайҳис-солату вассалом ҳузуримга келиб: «Умматингиздан қай бири Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмай вафот этса, жаннатга киради», деб башорат берди. Мен: «Зино ва ўғирлик қилса ҳамми?», десам: «Зино ва ўғирлик қилса ҳам», деди» (Имом Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу деди: «Иймон пок нарсадир. Шунинг учун ҳам, иймон зино қилган кишидан чиқади. Агар у нафсини маломат қилса ва зи-

нодан қайтса, иймон ҳам унга қайтади» (Лолакаий ривояти).

Абуд-Дардо разияллоҳу анҳу деди: «Иймон худди бир кийиб, бир ечадиган кийимингизга ўхшайди. Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, ўз иймонига хотиржам бўлган кимсадан иймони тортиб олинади ва у уни йўқотганини ҳис қилади» (Лолакаий ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан собит бўлганки, у кулларини бирма-бир чақириб: «Сени уйлаб қўямми? Бирон банда зино қилса, Аллоҳ ундан иймон нурини олиб қўяди»- дер эди. (Фатхул Борий 12/59). Иқрима ундан «Ундан иймонни қандай қилиб олиб қўяди?», деб сўради. У мана бундай қилиб деб бармоқларини бир-бирига кириштирди, сўнг чиқарди, агар тавба қилса, яна мана бундай қайтади, деб бармоқларини кириштирди (Бухорий ривояти).

## УЧИНЧИ АСОС

### «Аҳли суннат» нинг такфир - бировлар устидан «кофир» дея ҳукм чиқаришга муносабати

«Аҳли суннат ва жамоат» мусулмонлардан куфрга туширувчи амални қилган муайян бир кишини унга ҳужжат қоим қилиб, шартлари тўла ва монеълари барҳам топгандан ва жоҳил ва таъвил қилувчидан шубҳалар кетгандан кейингина куфрга ҳукм қиладилар. Шубҳаларни кетказиш — очиклаш ва баён қилишга муҳтож бўлган нозик ишларда бўлади. Аммо Аллоҳнинг борлигини инкор қилиш, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни тан олмаслик, у зотнинг рисолатларини ва охириги пайғамбар эканларини инкор қилиш каби очик ишларда ундай эмас.

Улар мажбурланган лекин, қалби иймон билан хотиржам ҳолда куфр ишни қилган кишини Ислом миллатидан чиқармайдилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» ҳеч бир мусулмонни қилган гуноҳи сабабли, гарчи у катта гуноҳлардан бўлсада, агар у ширкка етмаган бўлса, кофир ҳисобламайдилар. Бу гуноҳларни қилган киши устидан «кофир» дея ҳукм қилмайдилар. Балки, динда ҳаром эканлиги маълум бўлган ишларни ҳалол санамаган ёки уни тубдан инкор қилмаган бўлса, унга фосиқ ва иймони камайган деб ҳукм қиладилар. Аллоҳ таоло деди: «Албатта, Аллоҳ таоло Ўзига (бирон нарса-нинг) шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечирар. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани)

ширк келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди» (Нисо: 48);

«(Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам,) Менинг (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ барча гуноҳларини мағфират қилади. Албатта Унинг Ўзигина Мағфиратли, Мехрибондир» (Зумар: 53).

«Аҳли суннат ва жамоат» этиқодида банда ширкдан бошқа бирор гуноҳни ҳалол санамаган ҳолда қилиб вафот этса, унинг иши Аллоҳга ҳаволадир: хоҳласа жазолайди, хоҳласа кечиради. Бу этиқод гуноҳ кабира қилган кишиларни кофир дегувчи, ёки уларни иймон ва куфр ўртасидаги бир мақомда деб этиқод қилувчи, адашган тоифаларга хилофдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан огоҳлантириб дедилар: «Ким биродарига: «Эй кофир!» деса у иккисининг бири кофир бўлади. Агар у (биринчиси)нинг айтгани тўғри бўлса (иккинчиси кофир бўлади). Бўлмаса айтилган сўз (кофир деган кишининг) ўзига қайтади» (Имом Бухорий ривояти);

«Бир киши (бошқа) бир кишини «кофир» деб чакирса ёки «Аллоҳнинг душмани» деб айтса ва у ундай бўлмаса айтган сўзлари ўзига қайтади» (Имом Муслим ривояти);

«Бир киши бошқа бировни фосиқлик ва куфр билан айбласа ва агар у кофир ёки фосиқ бўлмаса айтган сўзи ўзига қайтади» (Имом Бухорий ривояти);

«Мўъминни кофирлик билан айблаган киши(нинг гуноҳи) уни ўлдириш кабидир» (Имом Бухорий ривояти);

«Киши биродарига: «Эй кофир!», деса, улардан бири кофир бўлади» (Имом Бухорий ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» бидъатчилар устидан гуноҳкорлик ёки кофирлик билан мутлақ ҳукм қилиш билан, мусулмонлиги аниқ бўлган, бироқ, бирон бир бидъатни қилган муайян киши устидан осий ё фосик ёки кофир деб ҳукм чиқариш ўртасини ажратадилар. Улар бу одамга ҳақиқатни баён ва ҳужжатни барпо қилиб, шубҳаларни йўқотмагунларича бирон бир ҳукм чиқармайдилар. Улар муайян шахсга қачонки унда шартлар тўла ҳосил бўлса ва монельликлар йўқ бўлсагина ҳукм чиқарадилар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Мусулмонлиги аниқ бўлган кимсани шубҳалар билан Исломдан чиқарилмайди». Бу - салафларнинг қоидаси бўлиб, салаф солиҳ бу қоидага риоя қилган. Улар одамларни кофирга чиқаришдан жуда ҳам узоқ бўлганлар. Шунинг учун ҳам, Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анҳудан Наҳравон аҳолиси ҳақида: «Улар кофирми?» деб сўралганида: «Йўқ, улар куфрдан қочдилар» деб жавоб бергани, «Улар мунофиқми?» деб сўралганида: «Мунофиқлар Аллоҳни оз зикр қиладилар. Улар эса Аллоҳни эртаю кеч зикр қиладилар. Улар бизнинг биродарларимиз, фақат, улар бизга тажовуз қилдилар» деб жавоб берганлиги ривоят қилинган (Байҳақий: «ас-Сунанул-Кубро»: 8/ 173).

Биз куфр ҳукмини беришда нав билан муайянлик тушунчасини ажратишимиз ўта зарурдир. Чунки куфр бўлган ҳар бир иш билан муайян шахс устидан кофир ҳукмини чиқарилмайди. Демак, бир сўзни куфр деб ҳукм қилиш билан, шу сўзни айтган киши устидан айнан кофир деб ҳукм чиқариш ўртасини ажратиш керак.

Шайхулислам Ибн Таймийя раҳимахуллоҳ: «Жоҳил таъвилчи ва

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу ҳадисни эшитганини ривоят қилди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бану Исроилда икки дўст бор эди. Уларнинг бири гуноҳ қилар, иккинчиси эса ибодатда тиришқоқ эди. Тиришқоқ доимо дўстини гуноҳ устида кўрар ва: «Бас қил!», дер эди. Тиришқоқ дўстини кунларнинг бирида яна гуноҳ устида учратди ва: «Бас қил!», деди. Дўсти: «Мени Роббим билан холи қўй. Сен менинг устимдан назоратчи қилиб юборилганми-сан?!», деди. Тиришқоқ: «Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Аллоҳ сени кечирмайди (ёки Аллоҳ сени жаннатга киритмайди)», деди. У иккисининг жонлари олинди ва Роббул-Олабийн ҳузурида жам бўлдилар. Аллоҳ таоло тиришқоқга: «Сен мени кимлигимни билармидинг?! Ёки Менинг кўлимдаги нарсага қодирмидинг?», деди. Гуноҳқорга: «Сен менинг раҳматим

---

узрли кишининг ҳукми ўжар ва фожирнинг ҳукми каби эмасдир. Балки, Аллоҳ таоло барча нарса учун ўзига хос меъёр қўйгандир» дейди («Мажмуатур-расоил вал-масаил»: 3/ 72).

Демак, у каби муайян жоҳилларга қилган ишлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хилоф эканини баён қилган мактубни йўллаб, айтган сўзларининг куфр эканини тушунтирилиб, ҳужжатни барпо қилинганидан сўнггина «кофир» дея ҳукм чиқариш, ундан аввал эса ҳар қандай ҳукми чиқаришга шошилмаслик керак» («Мажмуатур-расоил вал-масаил»).

Бу сўзлардан сўнг жоҳил бўлган муайян киши ва у каби кишилар устидан ҳужжатни барпо қилинганидан сўнггина кофир ҳукмини чиқариш мумкин эканини билган бўлсангиз керак.

Олимларнинг аҳли қиблани куфрга ҳукм қилмасликлари уларнинг қилган бидъатлари куфрга тушурмайдиган кишиларгагина татбиқ қилинади. Чунки уламоларнинг барчаси куфрга олиб борадиган бидъатларни қилган кишиларнинг кофир эканликларига иттифоқ қилганлар.

билан жаннатга кир!», деди. Бошқаси (тиришқоқ)га эса: «Буни жаҳаннамга олиб боринглар!», деб айтди».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анху: «Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, у (тиришқоқ) ўзининг дунё ва охиратини куйдириб ташлайдиган сўзни айтган эди», деди (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунани Аби Довуд»).

Куфр иймоннинг зидди бўлсада, шариат тилида икки маънода келади. Баъзида оят-ҳадисларда келган «куфр» сўзидан Исломи миллатидан чиқарадиган, баъзида эса Исломи миллатидан чиқармайдиган маънолар назарда тутилади. Чунки иймон каби куфрнинг ҳам тармоқлари кўпдир. Зеро, куфр кўплаб асослар ва тармоқларга эга бўлиб, уларнинг баъзилари (ҳақиқий) куфрга - диндан чиқишга сабаб бўлса, баъзилари кофирлар хислатларидандир.

Биринчи: Исломи миллатидан чиқарадиган катта куфр. Уни «эътиқодий куфр» деб аталади.

Бу куфр иймонга зид бўлиб Исломи бузади ва Исломининг муҳим асосларини инкор этиш, демакдир. У жаҳаннамда мангу қолишни тақозо этувчи ва иймондан чиқарувчи бўлиб, эътиқод, сўз ва амал билан ҳосил бўлади ҳамда қуйидаги беш турга чекланади:

### 1 - Ёлғонга чиқариш куфри

Бу эътиқод — пайғамбарларни ёлғончи деб ёки пайғамбар ноҳақликни олиб келган деб, ёки Аллоҳ ҳалол қилган нарсани унинг амри ва наҳйиси бунинг акси эканини била туриб ҳаром, ҳаром қилган нарсани ҳалол қилди, деб даъво қилиш.

2 - Тасдиқлаш билан бирга бош тортиш ва кибр куфри



Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган нарсалар Робби томонидан ҳақ деб иқрор бўлади, бироқ ҳақ аҳлини менсимаслик ва мутақаб-бирлик билан унга эргашишни тарк этади. Бу, Иблиснинг кофирлигига ўхшайди. Чунки у Аллоҳ таолонинг амрини инкор этмади. Балки, амрни бош тортиш ва кибрланиш билан қаршилади.

### 3 - Воз кечиш куфри

Бу - қулоқ ва қалби билан пайғамбардан воз кечиш: пайғамбарни тасдиқламаслик, рад этмаслик, унга қулоқ солмаслик, ҳақни тарк қилиш: уни ўрганмаслик, унга амал қилмаслик ва ҳақ зикр қилинган жойлардан қочиш.

### 4 - Нифоқ (мунофиқлик) куфри

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган нарсаларни қалб билан инкор этиб, зоҳирда уларга эргашган қилиб кўрсатиш. Демак, у Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирганликни кўрсатувчи, куфрни ичда бекитувчи кимсадир.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Нифоқ (мунофиқлик) икки қисм: этикод ва амал нифоқи.

а) Этикод нифоқи ёки катта нифоқ. Бу нифоқни қилган одам қалбида куфрни яшириб, тили ва аъзоларида иймонни изҳор қилади. Бундай нифоқ соҳиби жаҳаннамнинг энг пастки табақа аҳлидандир. У Аллоҳ таоло нозил қилган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган барча ёки баъзи нарсаларни рад этади. Ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган диннинг ғолиб бўлишини ёқтирмайди... ва бошқа куфр ишларни қилади.

б) Амал нифоқи ёки кичик нифоқ. Бу нифоқда амал шариатга хилоф ўлароқ бўлади. Уни қилган киши Исломи миллатидан чиқмайди. Масалан: ёлғон сўзлайди, ваъдасига хилоф ва омонатга

## 5 - Шак куфри

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида: «Ростгўйми ёки ёлғончими?» деб шубҳаланиб, унга эргашишда иккиланиш. Зеро, иймоннинг шарти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аллоҳ таоло тарафидан олиб келган барча хабарлари шубҳасиз рост деб аниқ ишонишдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган хабарларга эргашишда иккиланган ёки ҳақ бунинг тескариси бўлиши ҳам мумкин деб ҳисоблаган киши, шак ва гумон куфри билан кофир бўлади.

Куфрнинг бу турлари — агар соҳиби шу ҳолатларда вафот этса — жаҳаннамда абадий қолишга сабаб ва барча яхши амалларнинг беҳуда кетишига боисдир. Аллоҳ таоло деди: «Албатта, аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қоладилар! Ана ўшалар энг ёмон махлукдирлар» (Баййина: 6);

«(Қасамки), агар ширк келтирсанг, албатта, қилган амалинг беҳуда кетар ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қоласан» (Зумар: 65);

Иккинчи: Ислом миллатидан чиқармайдиган кичик куфр, уни амалий куфр ҳам дейилади.

Аллоҳ таоло баъзи гуноҳларга таҳдид ва зажр учун ҳамда улар куфр ҳислатларидан бўлгани учун «куфр» сўзини ишлатди. Бу гуноҳлар — катта гуноҳлардан бўлиб жаҳаннамда абадий қолмай азобланишга сабабчидир. Бунинг мисоллари қуйидагиларга

---

ҳиёнат қилади, аҳдида турмайди ва жанжал қилса ҳақоратли сўзларни айтади.

Ўхшайди: мусулмонни ўлдириш, Аллоҳ таолодан бошқанинг номи билан қасам ичиш, насабларга таън етказиш, ўликка дод солиб йиғлаш, мўъминнинг мўъмин дўстига «эй кофир» деб айтиши ва бундан бошқалар. Аллоҳ таоло деди: «(Эй мўъминлар) агар мўъминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар, дарҳол сизлар уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар!» (Хужурот: 9).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мусулмонни сўқиш фосиқлик ва унга қарши уруш қилиш куфрдир» (Муттафақун алайҳ);

«Мендан сўнг бир-бирингизни ўлдирадиган кофир бўлиб кетманглар!» (Муттафақун алайҳ);

«Аллоҳдан бошқаси(нинг номи) билан қасам ичган киши мушрик ёки кофир бўлибди» (Албоний: «Саҳиҳу Сунани Аби Довуд»);

«Одамлар ичидаги икки нарса куфрдир: насабга таън етказиш ва ўликка дод солиб йиғлаш» (Муслим ривояти).

## ТЎРТИНЧИ АСОС:

### Мукофот ва жазолар ҳақидаги хабарларга иймон келтириш

Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан бири, мукофот ва жазолар ҳақида келган хабарларга иймон келтиришдир.

«Аҳли суннат ва жамоат» банданинг қилган амалларига берилажак мукофот ва жазолар ҳақида келган хабарларни қандай келган бўлса шундай қабул қилиб, таъвилсиз тушунадилар ҳамда мукофот ва жазолар ҳақида келган хабарларни таъвил ва чекловларсиз ўз кучида қолдирадилар. Аллоҳ таоло деди: «Албатта, Аллоҳ таоло Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечиради. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) ширк келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди» (Нисо: 48 ва 116).

Улар: «Бандаларнинг оқибати номаълум ва ҳеч ким ўз хотимасини билмайди», деб эътиқод қиладилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бир киши одамлар назарида жаннат аҳлининг амалини қилади. Ҳолбуки у жаҳаннам аҳлидандир. Бир киши эса одамлар назарида жаҳаннам аҳлининг амалини қилади. Ҳолбуки у жаннат аҳлидандир» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

«Сизлардан бирингиз жаннат аҳлининг амалларини қилади ҳатто у билан жаннат ўртасида бир газгина (масофа) қолади. Бироқ, Китоб (Лавхул-Маҳфуз)да ёзилгани ғолиб келиб, у жаҳаннам аҳлининг амалини

қилади-да, жаҳаннамга киради. Сизлардан бирингиз жаҳаннам аҳлининг амалини қилади ҳатто у билан жаҳаннам ўртасида бир газгина (масофа) қолади. Бирок, Китобда ёзилгани ғолиб келиб, у жаннат аҳлининг амалини қилади ва жаннатга киради» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Бирок «аҳли суннат ва жамоат» мусулмон бўлиб ўлган (мўъмин ва тақволи) кишиларни умумий равишда: «Иншааллоҳ, жаннат аҳлларидадан бўладилар» деб гувоҳлик берадилар. Аллоҳ таоло деди: «Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушхабар берингки, улар учун остларидан дарёлар оқиб тувувчи жаннатлар бор!» (Бақара: 25);

«Албатта, тақводор зотлар жаннатларда ва дарёлар (усти)да, Қодир Подшоҳ хузуридаги рози бўлинган ўринда бўладилар» (Қамар: 54, 55).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки ўлаётганда Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ эканини этиқод қилиб вафот этса жаннатга киради», дедилар (Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Кофирлар, мушриклар ва мунофиқлар жаҳаннам аҳлидирлар», деб гувоҳлик берадилар. Аллоҳ таоло деди: «Аммо ўзлари кофир бўлишиб, Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар эса жаҳаннам эгалари бўлиб, унда абадий қолажаклар» (Бақара: 39);

«Албатта, аҳли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қоладилар! Ана ўшалар энг ёмон махлуқдирлар» (Баййина: 6);

«Албатта, мунофиқлар жаҳаннамнинг энг тубида (бўлади)лар» (Нисо: 145).

«Аҳли суннат ва жамоат» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннатга киришлари ҳақида башорат берган барча кишилар, шу жумладан, ўн кишининг жаннатга киришлари ҳақида гувоҳлик берадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон жаннатда, Алий жаннатда, Талҳа жаннатда, Зубайр жаннатда, Абдурраҳмон ибн Авф жаннатда, Саъд ибн Аби Ваққос жаннатда, Саид ибн Зайд жаннатда ва Абу Убайда ибн Жарроҳ жаннатдадир» (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунани Аби Довуд»).

Бундан ташқари, Уккоша ибн Меҳсон, Абдуллоҳ ибн Салом, Ёсир оиласи, Билол ибн Рабоҳ, Жаъфар ибн Аби Толиб, Амр ибн Собит, Зайд ибн Ҳориса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Фотима бинт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Хадижа бинт Хувайлид, Оиша, Софийя, Ҳафса, Расулуллоҳнинг барча аёллари ва бошқа кўплаб саҳобаларнинг жаннатга киришлари ҳақида гувоҳлик собит бўлган.

«Аҳли суннат ва жамоат» жаҳаннам аҳлидан эканига хабар берилган Абу Лаҳаб ибн Абдулмутталиб, унинг хотини Умму Жамил Арво бинт Ҳарб ва бошқа улар ҳақларида шундай хабар келган кофирларнинг жаҳаннам аҳлидан эканликларига гувоҳлик берадилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берган муайян шахслардан бошқа бирон киши ҳақида жаннат ёки жаҳаннам аҳли-

дан эканига қатъий сўзни айтмайдилар.<sup>1</sup> (Балки, яхши амалларни қилган киши учун яхшиликни умид қиладилар ва ёмонлик қилган кишилар учун жазодан қўрқадилар).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Қилган амаллари ҳар қанча гўзал бўлмасин, Аллоҳ таоло ўз раҳматига олмаса, жаннат ҳеч кимга насиб бўлмайди», деб этикод қиладилар.

Аллоҳ таоло деди: «Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, ҳеч қачон сизлардан бирон киши (бирон гуноҳдан) пок бўлмас эди. Лекин Аллоҳ (фазлу марҳамати билан) Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ Эшитувчи, Билувчидир» (Нур: 21).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қил-

---

<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам, ўлган киши учун «марҳум» (раҳматли) ёки «мағфурун лах» (гуноҳлари кечирилган) каби сўзларни истеъмол қилиш жоиз эмас. Чунки бу сўзлар маййит учун қилиниши керак бўлган дуолардан эмас. Балки, бу сўзлар қатъий ва Аллоҳ таоло шаънига билмай айтилган сўзлардир. Бу сўзларнинг маъноси маййитга раҳмат ва мағфиратнинг берилганини ифодалайди. Тўғриси эса, маййитни тилга олинганда унинг ҳаққига мағфират ва кечиришни сўраб Аллоҳ таолога: «Аллоҳ таоло уни кечирсин», «Аллоҳ таоло уни раҳмат қилсин» деб дуо қилишдир. Шунингдек, ўлдирилган ёки ўлган кишиларни «шаҳид» деб ҳам аталмайди. Чунки ўлган одамнинг ниятини Аллоҳ таолонинг ўзи билади. Тўғриси эса: «Биз Аллоҳ таолодан у учун шаҳидликни насиб этишини сўраймиз. У, иншааллоҳ, шаҳид бўлиб кетган деб ўйлаймиз ва ҳеч бир кишини Аллоҳ таоло учун оқламаймиз» деб айтишлиқдир. Чунки бу сўзлар қатъий айтилган сўзлар эмас, балки, дуодир. Қатъий сўзларни айтиш эса юкорида айтиб ўтганимиздек Аллоҳ таоло шаънига билмай сўзларни айтиш, демакдир.

ган амали ҳеч бир кишини жаннатга олиб кира олмайди», дедилар. Саҳобалар: «Сизни ҳамми?», деб сўраганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ раҳматига олмаса, мени ҳам», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» куфрни тақозо этмайдиган гуноҳ эгасига Аллоҳнинг азоби вожиб бўлади, демайдилар. Балки, Аллоҳ таоло бу гуноҳни қилган одамни унинг қилган тоат-ибодати, тавбаси ёки кәффорот бўлувчи мусибат ва хасталиклар сабабли кечирши мумкин. Аллоҳ таоло деди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳкор бандаларимга) айтинг: «Эй, ўз жонларига жабр қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ барча гуноҳларни Мағфират қилади. Албатта Унинг Ўзигина Мағфиратли, Меҳрибондир» (Зумар: 53).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бир киши йўлда кета туриб йўлда ётган тиканли дарахт шохини четга олиб ташлади. Аллоҳ унга шукр<sup>1</sup> қилди ва уни(нг гуноҳларини) кечирди» (Имом Бухорий ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Ҳар бир махлуқнинг ўз ажали бор ва Аллоҳнинг Китобида ёзилган муддатда Аллоҳнинг изни билангина ўлади. Ажаллари етгач (ўлим) уни бирон лаҳза олдинга ҳам орқага ҳам

---

<sup>1</sup> Банданинг Аллоҳга шукри Аллоҳ берган неъматларни Унга тоат қилишда сарфлаши ёки шу неъматлардан тўғри ўринларда фойдаланиши. Аллоҳнинг бандага шукрининг маъноси оз амал Унинг ҳузурида ўсиши ва Аллоҳ бу амални қилувчига савобни кўш-кўш қилиб бериши. (Ал Мавсуатул -фикҳийя).



суролмайдилар. Ўлиши ёки ўлдирилиши унинг ёзиб қўйилган ажалининг ниҳоясидир», деб этиқод қиладилар. Аллоҳ таоло деди: «Ҳар бир жон фақат Аллоҳнинг изни билан, аниқ белгилаб-ёзиб қўйилган муддатда ўлади» (Оли Имрон: 145).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Аллоҳ таолонинг мўъминларни жаннат билан мукофотлаши, осий мусулмонларни, кофир ва мунофиқларни жаҳаннам билан жазолаши ҳақ, Аллоҳ таоло ўз ваъдасига хилоф қилмайди», деб этиқод қиладилар. Аллоҳ таоло деди: «Иймон келтириб, яхши амалларни қилган зотларни эса остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритажакмиз — улар у ерда абадий яшарлар. Бу Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. Аллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?!» (Нисо: 122).

Аллоҳ таоло осий мусулмонларни ўз фазли ва қарами билан афв этади. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло муваххидларни афв этиш ва бошқаларни афв этмасликка ваъда берди: «Албатта, Аллоҳ таоло Ўзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечиради» (Нисо: 48. 116).

## БЕШИНЧИ АСОС:

### «Аҳли суннат ва жамоат» эътиқодида дўстлик ва душманлик<sup>1</sup> масаласи

Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан бири - Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўришдир. Яъни мўъминларни севиш ва уларни дўст ҳисоблаш ҳамда мушрик ва ко-

---

<sup>1</sup> «Дўстлашиш» араб тилида «ал-муволот» дейилади. Унинг маъноси эса «яхши кўрмоқ, севмоқ», демакдир. Бировни ўзингиз бошлаб, ундан эваз кутмай яхши кўришингиз араб тилида «муволот»дир. «Авлайтуху», «волайтуху» уни яхши кўрдим деган сўзлар шу ўзакдан олинган. «Валоят» сўзи «адоват» сўзининг зидди бўлиб, дўстлашув дегани. Хуллас, «муволот» ёки «валоеъ» сўзи муҳаббат, ёрдам, эргашиш маъноларини англатиб, бир нарсага яқинликни билдиради. «Одо – юудий» феълининг масдари «муодотун» сўзи ва «адоун» «адоватун» сўзлари душманлашув ва узоклашув маъносидадир. Адоват зарар бериш ёки интиқом олиш мақсадида инсон қалбига ўрнашган туйғудир. Душман - дўстнинг зиддидир. Хуллас, «ал-муодот» - бир-биридан узоклашиш ва ихтилоф қилиш, демакдир ва «ал-муволот» нинг зиддидир.

«ал-Муволот» ва «ал-Муодот» (дўст ва душман бўлмоқ)нинг шариатдаги истемоли:

«Дўстлик»нинг асоси муҳаббатдир. «Душманлик»нинг асоси нафратдир. Бу иккисидан қалб ва аъзоларнинг амалларидан бўлмиш дўстлик ва душманлик ҳақиқати ичига кирувчи ёрдам бериш, жиҳод ва ҳижрат каби нарсалар вужудга келади. Демак, дўстлашиш бир нарсага сўзлашув ёки феъл ёхуд ният орқали яқинлашишдир. Душманлашув эса унинг зиддидир. Шу ердан, бу — икки: луғавий ва шаръий маънолар ўртасида фарқ йўқ экани, Аллоҳ таоло мўъминларга мўъминларни тўла дўст тутиш ва кофирларни тўла душман тутишни фарз қилгани ва мўъминларни тўла дўст тутиш фақат кофирлардан тўла безор бўлиш билан ҳосил бўлиши, яъни, иккиси бир-бирини лозим тугган нарсалар экани маълум бўлади.

фирларни ёмон кўриш ва улардан безор бўлишдир. Аллоҳ таоло деди: «Мўъмин ва мўъмина-лар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар...» (Тавба: 71);

«Мўъминлар, мўъминларни қўйиб кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, бас, Аллоҳ томонидан ҳеч нарсада эмас. (яъни Аллоҳдан бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала қилсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилар. Ва фақат Аллоҳга қайтажаксиз» (Оли Имрон: 28).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Дўстлашув ва душманлашув ақидаси энг муҳим асослардан бўлиб, шариатда унинг жуда катта ўрни бор», деб этиқод қиладилар ва у қуйидаги жиҳатлардан яққол равшан бўлади:

Биринчидан: Дўстлашув ва душманлашув «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ)» деб гувоҳлик беришнинг бир бўлагидир. Бу гувоҳликнинг маъноси сиғинилаётган Аллоҳ таолодан бошқа барча маъбудлардан безор ва пок бўлишдир. Аллоҳ таоло деди: «...Аллоҳга ибодат қилинглар ва тоғут дан узоқ бўлинглар!» (Наҳл: 36).

Иккинчидан: Дўстлашув ва душманлашув иймоннинг энг мустаҳкам ҳалқаларидан биридир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Иймон халқаларининг энг мустаҳками — Аллоҳ учун дўстлашиш ва Аллоҳ учун душман бўлиш, Аллоҳ йўлида яхши кўриш ва Аллоҳ йўлида ёмон кўришдир» (Шайх Албоний: «Силсилатул-аҳадисис-саҳиҳа»: 998).

Учинчидан: Аллоҳ учун дўст ва душман бўлиш

қалбнинг иймон ҳаловати ва лаззатини тотишига сабаб. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уч нарса кимда топилса иймон ҳаловатини тотибди: Аллоҳ ва унинг расули унга бошқалардан кўра севимлироқ бўлса, бирон кишини фақат Аллоҳ учунгина яхши кўрса ва Аллоҳ кутқазганидан сўнг куфрга қайтишни, жаҳаннамга ташланишни ёқтирмаганидек ёқтирмаса» (Муттафақун алайх).

Тўртинчидан: Дўстлашув ва душманлашув ақидасини ҳосил қилиш билан иймон комил бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ учун яхши кўрган, Аллоҳ учун ёмон кўрган, Аллоҳ учун берган ва Аллоҳ учун манъ қилган киши иймонни комил қилибди» (Шайх Албоний: «Сахиҳу Сунани Аби Довуд»).

Бешинчидан: Аллоҳ ва унинг динидан бошқани яхши кўрган ҳамда Аллоҳни, Унинг динини ва шу динни қабул қилган кишиларни ёмон кўрган киши кофир бўлади. Аллоҳ таоло деди: «Айтинг: «Ўзи ризқланмай — таомланмай (барчани) таомлантирадиган, осмонлар ва ернинг яратгувчиси бўлган Аллоҳдан ўзгани дўст тутайми?!» Айтинг: «Албатта мен Аллоҳга бўйсунгувчи кишиларнинг аввалгиси бўлишга маъмурман (амр қилинганман)». Ҳаргиз мушриклардан бўлманг!» (Анъом: 14).

Олтинчидан: Дўстлашув ва душманлашув ақидаси шундай алоқадирки, бунинг асосида мусулмон жамияти қоим бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларнинг бирингиз дўсти учун ўзи учун яхши кўрган нарсани яхши кўрмагунича (комил) мўъмин бўла олмайди» (Имом Бухорий ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Дўстлашув ва душманлашув ақидаси фарздир. Балки, у «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик беришнинг шартларидан бири ва иймон ҳамда ақида асосларининг каттаси бўлиб, муслмон унга риоя қилиши керак», деб этикод қиладилар.

Бу асосни таъкидлаб кўплаб хабарлар келган. Шулардан бири Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, хотинларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишдан қўрқадиган тижоратингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, унинг пайғамбаридан ва Унинг Йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у холда то Аллоҳ ўз амрини (яъни, азобини) келтиргунича кутиб тураверинглар!» (Тавба: 24);

«Эй, иймон келтирганлар, Менинг ҳам душманим, сизларнинг ҳам душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборасизлар,...» (Мумтаҳана: 1).

«Аҳли суннат ва жамоат» дўстлашув ва душманлашув тўғрисида одамларни уч қисмга бўладилар:

Биринчи қисм: Мутлақ дўстлашувга лойиқ одамлар.

Улар — Аллоҳ ва Аллоҳнинг расули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирган ҳамда ибодатларни Аллоҳ учун холис қилган кишилардир. Аллоҳ таоло деди: «Сизларнинг дўстингиз фа-

кат Аллоҳ, Унинг пайғамбари ва таъзим-тавозе қилган ҳолларида намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) берадиган мўъминлардир. Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўъминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро, фақат Аллоҳнинг хизби (гуруҳи)гина ғолиб бўлгувчидир» (Моида: 55, 56).

Иккинчи қисм: Бир жиҳатдан дўстлик ва бир жиҳатдан душманликка лойиқ бўлган одамлар.

Улар — баъзи фарзларга эътиборсизлик билан қарайдиган ва куфрга олиб бормайдиган ҳаром ишларни қилувчи осий мусулмонлардир. Уларга насиҳат қилинади, қилган ишларини сукут қилмай инкор этилади, амр-маъруф, наҳий-мункар қилинади, гуноҳларидан тийилишлари ва тавба қилишлари учун жазо ва таъзирлар берилади. Абдуллоҳ ибн Ҳимор номли саҳоба ичиб олгани учун таъзирга олиб келинганида саҳобаларнинг бири уни лаънатлади, шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни лаънатламанглар! У Аллоҳ ва Расулини яхши кўради», дедилар (Имом Бухорий ривояти). Бироқ, унга Аллоҳнинг белгилаган жазосини ижро этдилар.

Учинчи қисм: Улардан мутлақ безор бўлишга лойиқ бўлган одамлар.

Улар - мушрик, яҳудий, насроний, мажусий, бутпараст ва барча кофирлар. Бундан ташқари бу ҳукм остига Аллоҳ таолодан бошқасига дуо ва таваккул қилиш, Ундан бошқадан мадад сўраш, Аллоҳни, Унинг расули ва динини ҳақорат қилиш, «ҳозирги асрга ярамайди» деган тушунча билан динни ҳаётдан ажратиш каби куфрга туширувчи амалларни қилган мусулмон-

ликни даъво қилувчи кишилар ҳам (хужжат барпо қилингандан кейин) киради. Мусулмонлар бундай кишилар билан курашишлари, уларга тазйиқ кўрсатишлари ва уларни ер юзида фасод ёйишларига йўл бермасликлари керак.

Аллоҳ таоло деди: «Эй пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам), кофир ва мунофиқларга қарши жиҳод қилинг ва уларга қаттиққўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир! Нақадар ёмон оқибат бу!» (Таҳрим: 9);

«(Эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам), Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига муҳолифлик қилувчилар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз» (Мужодала: 22).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Аллоҳ учун дўст бўлишнинг рўёбга чиқиши керак бўлган ҳақлари бор», деб этиқод қиладилар. Улар:

Биринчи: Кофирлар диёридан мусулмонлар диёрига ҳижрат қилиш.

Шаръий сабаблар билан ҳижрат қилишга кодир бўлмаган ва заиф кишилар бундан мустасно.

Иккинчи: Мусулмонларга жони, моли ва тили билан ёрдам бериш ҳамда уларнинг қувонч ва қайғуларига шерик бўлиш.

Учинчи: Ўзи учун яхши кўрган яхшилик ва ёмонликни даф этишни мусулмонлар учун ҳам яхши кўриш, уларни масҳара қилмаслик. Уларни яхши кў-

ришга, улар билан бирга ўтиришга ва маслаҳатлашишга интилиш.

Тўртинчи: Беморни бориб кўриш, жанозаларда иштирок этиш, мусулмонларга меҳрибон бўлиш, улар учун дуою истиффорлар айтиш, уларга салом бериш, муомалаларда хиёнат қилмаслик ва уларнинг молларини ноҳақ емаслик каби ҳуқуқларини адо этиш.

Бешинчи: Мусулмонлар ичида жосуслик қилиб, уларнинг хабарлари ва сирларини душманларга етказмаслик. Мусулмонлар ўртасини ислоҳ қилиш ва уларга озор бермаслик.

Олтинчи: Мусулмонлар жамоатига қўшилиш, улардан ажралмаслик, улар билан тақво, эзгулик, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш (амр-маъруф ва наҳйи-мункар) ишларида ҳамкор бўлиш.

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Аллоҳ йўлида душман бўлиш қуйидаги нарсаларни тақозо қилади», деб эътиқод қиладилар:

Биринчи: Ширк, куфр ва унинг аҳлини ёмон кўриш ва уларга нисбатан қалбда адоват сақлаш.

Иккинчи: Кофирлар билан дўстлашмаслик, уларни яхши кўрмаслик, улардан гарчи яқин қариндошлари бўлса-да, бутунлай алоқаларни узиш.

Учинчи: Куфр диёрини тарк этиш ва куфр диёрига Ислом анъаналарини изҳор этишга қудрати етсагина сафар қилиш, бўлмаса сафар қилмаслик.

Тўртинчи: Кофирларга диний - яъни, уларнинг диний маросимлари, анъаналари ва кийинишлари - ва дунёвий - яъни, ейиш, ичиш, кийиниш каби одатлар -



уларга хос бўлган ва мусулмонлар ичида одат бўлиб тарқалмаган нарсаларда ўхшамаслик (тақлид қилмаслик). Чунки, бу ишлар одамнинг қалбида дўстлик ва муҳаббатни вужудга келтиради. Қалбдаги муҳаббат эса ташқи қиёфада ўхшашликни келтириб чиқаради.

Бешинчи: Кофирлар билан ўзаро кўмаклашмаслик, кофирларга мусулмонларга қарши ёрдам бермаслик, уларга мойил бўлмаслик, муҳим вазифаларни топширмаслик, уларни мақтамаслик, сирдош тутмаслик, уларнинг суҳбатлари ва мажлисларини тарк қилиш.

Олтинчи: Кофирларнинг байрам ва қувончларига шерик бўлмаслик ва бу байрамлар билан табрик этмаслик. Кофирларга «саййид» ёки «жаноб» дея улуғлаб хитоб этмаслик.

Еттинчи: Кофирлар учун истиғфор айтмаслик ва Аллоҳ таолодан уларга раҳмат сўрамаслик.

Саккизинчи: Кофирлар билан Ислом дини зарарига мурасали бўлмаслик.

Тўққизинчи: Кофирларга ҳукм сўраб мурожаат этмаслик ва уларнинг ҳукмларига рози бўлмаслик. Чунки бу ишлар Аллоҳ ва расулининг ҳукмларини тарк этишни тақозо қилади.

Ўнинчи: Кофирларга Ислом саломи «Ассалому алайкум»ни биринчи бўлиб айтмаслик.

## ОЛТИНЧИ АСОС:

### Авлиёларнинг кароматларини тасдиқлаш

Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан яна бири, солиҳ тушни яъни, солиҳ кишилар кўрган тушнинг ростлигини тасдиқлашдир. У пайғамбарликдан бир қисм ҳисобланади. Солиҳ кишилар учун тўғри, воқеъликка мос фаросатнинг мавжудлиги ҳам ҳақдир. Аллоҳ таоло деди: «Энди қачонки у (бола катта бўлиб) отаси (Иброҳим) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): «Эй, ўғилчам, мен (хадеб) тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй-фикр қилишингни бир ўйлаб кўргин», деган эди. У айтди: «Эй отажон, сизга (тушингизда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилинг. Иншааллоҳ, мени сабр қилувчилардан топарсиз»» (Соффот: 102).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Пайғамбарликдан башоратларгина қолди», дедилар. Саҳобалар: «Башоратлар нима?», деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Солиҳ тушлар», деб жавоб бердилар (Имом Бухорий ривояти).

Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан яна бири, — авлиёларнинг кароматларини тасдиқлашдир<sup>1</sup>. Каромат эса Қуръон ва суннат

---

<sup>1</sup> «Каромат» — ғайри табиий иш бўлиб, пайғамбарлик мўъжизаларининг бошланиши ҳам эмас, пайғамбарлик даъвоси билан ҳам бўлмайди. Аллоҳ таоло кароматни шариятга қатъий амал қилган солиҳ кишиларга уларни икром қилиб беради. Каромат Қуръон Каримнинг «Каҳф» ва бошқа сурасида баён қилинган.

нидек, тарихда яшаб ўтган халқларга ҳам берилган эди. Ислох умматининг аввалида эса саҳобалар ва тобиинларга ҳам берилди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу узокда бўлган саҳобага: «Эй Сория, тоққа чиқ!»— деб хитоб қилди. Бундан бошқа кароматлар ҳам кўп. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ишончли (саҳих) ҳадислар тўпламлари ва бошқа асарларда Аллоҳнинг Китоби ва расулининг суннатларига амал қилган солиҳ кишилар учун берилган кароматларни кўрган ва билган минглаб ишончли олимлар ривоят қилдилар. Кароматлар Аллоҳ хоҳлаган вақтга қадар бу умматда давом этади. Авлиёлар кароматларининг содир бўлиши, аслида, пайғамбарларнинг мўъжизасидир. Зеро, каромат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва у киши келтирган дину шариат йўлида юриш баракоти билан содир бўлади ва ақлан бўлиши мумкин бўлган нарсадир. Аллоҳ таоло берган айрим мўъмин бандаларига илм уфқларининг очилиши биз эшитиб, ўқиганимиз каромат яъни, моддий, ғайри табиий ишлардан кўра яхшироқ ва буюкроқ бўлиши мумкин.

Қуръон ва суннатга амал қилиб сабот билан туриш ҳамда Аллоҳ ва Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат ва уларнинг ҳукмларига рози бўлиш, билим ва амалга муваффақ бўлиш ҳам кароматдир. Баъзи мусулмонларнинг ҳаётларида кароматнинг содир бўлмаслиги, улар иймонининг заифлигига далолат қилмайди. Чунки кароматнинг содир бўлиш сабаблари бор: Масалан, банданинг иймонини қувватлаш учун каромат берилиши; Шунинг учун иймонлари кучли бўлсада, кўплаб саҳобалар ҳаётида каромат содир бўлмади.

Душманларга ҳужжатни келтириш сабабидан.

Кароматнинг ҳақиқийлиги ақл билан белгиланмайди, балки шаръий қоидаларга мувофиқ бўлиши билан белгиланади.

Кароматнинг шартлари бўлиб улар: у шаръий ҳукмга ва диний қоидага зид бўлмаслиги, тирик одамдан ва эҳтиёж сабабли содир бўлиши. Агар бу шартлар бузилса, содир бўлган нарса каромат эмасдир. Балки у ҳаёл ёки ваҳм ё шайтондандир. Каромат билан бирон шаръий ҳукми исбот ҳам, инкор ҳам этилмайди. Чунки шаръий ҳукмларнинг Қуръон, суннат ва ижмоъдан иборат ўз манбаълари бор.

Аллоҳ таоло кароматни бир тақволи мўъмин бандасининг қўлида

далолат қилганидек, Аллоҳ таоло баъзи солиҳ кишиларнинг қўлларида, уларни эъзозлаб жорий қилган ғайритабиий (одатдан ташқари) ишлардир.

Аллоҳ таоло деди: «Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валий (дўст)ларига (охиратда) хавф

содир этган бўлса, бу одам Аллоҳ таолога ушбу неъмат учун шукр қилиши, бу неъматни яшириши ва одамлар олдида фахрланиш ва обрў олиш учун васила қилиб олмаслиги керак. Бундай қилиш ҳалокатга олиб боради. Зеро, талайгина одамларни шайтон шу йўл билан йўлдан урганда, улар дунёю охиратларини қўлдай бой бердилар. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло Қуръон Каримнинг кўп оятлари, хусусан, «Фурқон» сурасининг 63-74 оятларида ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қатор ҳадисларида баён қилган Аллоҳ таолонинг авлиёларининг сифатларини унутмаслик керак.

Бу сифатларнинг баъзилари: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қазо ва қадарнинг яхши ва ёмонига иймон келтириш, тақво қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига амал қилиш, Аллоҳга учрашиш кунига тайёрланиш, Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўришдир.

Аллоҳнинг авлиёларини кўриш Аллоҳни эслатади, улар ерда тавозу билан ҳокисор бўлиб юрадилар, жоҳиллар хитоб қилсалар: «Саломат бўлинг!» дейдилар. Тунларини Роббиларига сажда ва қиём билан ўтказадилар ва: «Роббимиз, биздан жаҳаннам азобини бургин» дейдилар, пул-мол сарф этсалар исроф ва бахиллик қилмайдилар, Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳларга дуо қилмайдилар, Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдирмайдилар, зино қилмайдилар, ёлғондан гувоҳлик бермайдилар, бехуда нарсалар олдидан ўтсалар, вақор билан ўтадилар, уларга Аллоҳнинг оятлари эслатилса кўр ва қар бўлиб олмайдилар, дуолари эса: «Роббимиз, жуфтларимиз ва зурриётларимизни биз учун қувонч қил ва бизларни тақволи кишилар учун имом қил»дир...

Қуръон Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида Аллоҳ таоло авлиёларининг бундан бошқа сифатлари ҳам бор.

йўқдир ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар. Улар иймон келтирган ва тақволи бўлганлардир. Уларга дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам башорат (хушхабар) бордир. Аллоҳнинг сўзларида ўзгартириш йўқдир. Ана шу буюк ютуқдир» (Юнус: 62 - 64).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло: «Ким менинг дўстимга душман бўлса, мен унга қарши уруш эълон қилдим», деди» (Имом Бухорий ривояти).

Бироқ «аҳли суннат ва жамоат»нинг кароматларни тасдиқлашда шаръий қоидалари бор. Ғайри табиий сурада содир бўлган ҳар қандай нарса каромат бўлавермайди. Балки, баъзи одатдан ташқари ишлар «истидрож» (Аллоҳ томонидан секин-аста ҳалокатга олиб бориш, бу золим кофирларга нисбатан бўлади), сеҳр ва кўз бойлаш бўлиши мумкин. Каромат ва кўз бойлаш ўртасидаги фарқ жуда ҳам катта ва очиқдир.

Кароматнинг сабаби тоат-ибодат бўлиб, у тоат-ибодатда давомий бўлган кимсалар учун берилади.

Кўз бойлашнинг сабаби эса куфр амаллари ва гуноҳлардир. Аллоҳ таоло деди: «Албатта шайтонлар ўз дўстлари (яъни, мушриклар)ни сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага соладилар. Агар уларга итоат қилсангизлар, албатта, сизлар (ҳам) мушрикдирсизлар» (Анъом: 121).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Дунёда сеҳр ва сеҳргарлар борлигини тасдиқ қиладилар.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ибн Қудома Мақдисий раҳимахуллоҳ деди: «Сеҳр - боғлаш, дам солиш, айтилган ёки ёзилган сўз ва қилинган иш бўлиб,

Аллоҳ таоло деди: «Бас, қачонки сеҳргарлар келганларида...» (Юнус: 80);

«... зўр сеҳр кўрсатдилар» (Аъроф: 116);

«...Лекин Шайтонлар кофир бўлдилар. Улар одамларга сеҳрни ўргатар эдилар» (Бақара: 102).

Бироқ, жинлар Аллоҳнинг изни билангина бировларга зарар бера оладилар. Аллоҳ таоло деди: «(Лекин) улар Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар. Улар ўзларига ҳеч фойдасиз, билъакс зарарни ўрганадилар...» (Бақара: 102).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Сеҳр Аллоҳнинг изнисиз зарар ва фойда бера олади, деб эътиқод қилган

одамнинг бадани, қалби ва ақлига билвосита таъсир этиши мумкин. Сеҳрнинг ҳақиқати бўлиб, ўлдириши, касал қилиши, кишини хотинига жинсий алоқадан манъ қилиши, эр ва хотин ўртасини бузиши ва уларни бир-бирига яхши ёки ёмон кўрсатиши мумкин...». Бу - имом Шофий раҳимахуллоҳнинг сўзидир. Яна ибн Қудома деди: «Мазкур ишлар собит экан демак сеҳрни ўрганиш ва ўргатиш ҳаромдир. Бу ҳукмда аҳли илм ўртасида хилоф борлигини билмаймиз. Асхобларимиз дедилар: сеҳр қилувчи уни ўрганиши ва қилиши билан – хоҳ ҳаромлигини эътиқод қилсин, хоҳ мубоҳлигини, кофир бўлади». Ибн Қудома яна сеҳр ҳақиқати ҳақида тўхталиб деди: «Сеҳрнинг ҳақиқати бўлмаса эди, Аллоҳ таоло ундан паноҳ сўрашга буюрмаган бўлар эди. Аллоҳ таоло деди: «...балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. Ва Бобилдаги Хорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларга эргашадилар. Ҳолбуки, у фаришталар: «Биз фақатгина фитнамиз (яъни одамларни алдаб имтиҳон қилиш учун юборилганмиз), бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар.— Ўшалардан (Хорут ва Морутдан) эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрганадилар» (Бақара: 102)» (Қаранг: «ал-Муғний»: 8/ 150, 151).

кимса кофир, сеҳрни мубоҳ деган кимсани ўлдириш вожибдир», деб этиқод қиладилар. Чунки барча мусулмонлар сеҳрнинг ҳаром эканига ва сеҳргардан тавба қилиниши талаб этилиши, тавба қилса яхши, бўлмаса қатл қилинишига иттифоқ қилдилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таолонинг одам фарзандига васваса қилиб, уни адаштирадиган ёки адашишини хоҳлаган жин шайтонларини яратгани, уларни хоҳлаган бандаларига ҳукмрон қилиши ва хоҳлаган бандаларини уларнинг макр ва ҳийлаларидан ҳимоя қилишига иймон келтирадилар.

Аллоҳ таоло деди: «Албатта шайтонлар ўз дўстлари (яъни, мушриклар)ни сизлар билан жанжаллашишлари учун васвасага соладилар. Агар уларга итоат қилсангизлар, албатта, сизлар (ҳам) мушрикдирсизлар» (Анъом: 121);

«Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан кўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда (лашкарингни) торт, топган мол-давлат ва фарзандларида уларга шерик бўл (яъни, уларни ҳаромдан мол-дунё ва бола-чақа орттиришга унда), уларга (ёлғон) ваъдалар қил. — Дарҳақиқат, шайтон уларга фақат алдов-ёлғон нарсаларнигина ваъда қилади» (Исро: 64);

«Албатта, иймон келтирган ва Ёлғиз Роббиларига таваккул қиладиган зотлар устида (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат - ҳукмронлик йўқдир. Унинг ҳукмронлиги фақат, (уни) дўст тутиб, (Аллоҳга) шерик қилиб оладиган кимсалар устидадир» (Наҳл: 99, 100).

## ЕТТИНЧИ АСОС:

### «Аҳли суннат ва жамоат»нинг ҳукмларни олиш ва далил келтириш услуги

Аллоҳ таолонинг Китоби - Қуръон Карим ва Расулининг саҳиҳ суннатларига ботинан ва зоҳиран эргашиш ва таслим бўлиш «аҳли суннат ва жамоат»нинг ҳукмларни олиш ва далил келтиришдаги эътиқод асосларидан биридир. Аллоҳ таоло деди: «Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишни ҳукм қилган — буюрган вақтида бирон мўъмин ва мўъмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг расулига осий бўлса, бас, у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди» (Ахзоб: 36).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мен сизларга икки нарсани қолдирдим. Агар уни маҳкам ушласангиз ҳаргиз адашмайсиз. Улар Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатиدير»<sup>1</sup>.

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Аллоҳнинг Китоби, сўнгра Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари», демайдилар. Балки, «Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатлари биргаликда», дейдилар. Чунки суннат Аллоҳнинг Китоби билан чамбарчас боғланган ва Аллоҳ расули соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат этишни фарз қилган, Зеро, расулуллоҳ сол-

---

<sup>1</sup> Саҳиҳ ҳадис. Бу ҳадисни Ҳоким «ал-Мустадрок» китобида ривоят қилди. Шайх Албоний «Мишкот» китобида бу ҳадиснинг саҳиҳ эканини баён қилди.



лаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати Аллоҳ ирода қилган маънонинг баёнидир.

Бундан сўнг «аҳли суннат ва жамоат» умуман муҳожир ва ансорлар каби саҳобаларга, хусусан тўғри йўлда бўлган халифа (хулафо ар-рошидин)ларга эргашидилар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга эргашишга васият қилган эдилар. Улардан сўнг эса расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан афзал деб айтилган даврларда саҳобалардан сўнг яшаган кишилар — тобиинларга эргашидилар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Менинг суннатимни ва тўғри йўлда бўлган халифаларнинг суннатларини маҳкам ушланглар. Янги чиққан ишлардан узоқ бўлинглар. Чунки янги чиққан барча нарса бидъат ва барча бидъат залолатдир» дедилар. (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунани Аби Довуд»).

Шунинг учун ҳам «аҳли суннат ва жамоат»нинг низо пайтида мурожаат этадиган манбаъси Аллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (саҳиҳ) суннатларидир. Аллоҳ таоло деди: «...Борди-ю, бирор нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ чиройлироқ ечимдир» (Нисо: 59).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари - Қуръон Карим ва пайғамбар суннатини тушунишда «аҳли суннат ва жамоат»нинг манбаларидир. Улар наздида Қуръон ёки саҳиҳ суннатдан бирон нарса қиёс, завқ, валийнинг кашфи, шайх ёки имомнинг сўзи билан муқобил қўйилмайди. Чунки дин,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлик даврларида бутунлай мукамал бўлган. Аллоҳ таоло деди: «Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломи дин қилиб танладим» (Моида: 3).

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига бирон кинининг сўзларини муқаддам қўймадилар. Аллоҳ таоло деди: «Эй мўъминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбари олдида (яъни иккисининг изнисиз бирон сўз ёки ишга) қадам босманглар! Ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ эшитувчи, билувчидир» (Хужурот: 1).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Аллоҳ таоло ва расули соллаллоҳу алайҳи ва салламдан аввал бирон сўзни айтиш, Аллоҳ таолога билимсиз сўз айтиш ва шайтон васвасасидир», деб биладилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» наздида соғлом ақл тўғри нақлга зид эмасдир. Шунинг учун ҳам улар, иштибоҳли ҳолатда нақлни ақлдан муқаддам қўядилар ва бу ҳолат бартараф бўлади. Зеро, нақл ақл қабул қилиши маҳол бўлган нарсаларни олиб келмайди, балки, ақллар лол қоладиган нарсаларни олиб келади. Ақл нақлни тасдиқлайди, акси эмас.

«Аҳли суннат ва жамоат» ақлнинг қадрини пасайтирмадилар. Чунки у, мукаллафлик (бандалик мажбурияти)нинг асосидир. Бироқ, «аҳли суннат ва жамоат»: «Ақл шариятга муқаддам бўла олмайди. Йўқса, одамлар пайғамбарлардан беҳожат бўлар эдилар. Лекин ақл шарият доирасида ҳаракат қилади», деб айта-

дилар. Шунинг учун ҳам, уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллариغا эргашганлари, мутлақ бўйсунганлари ва уни маҳкам ушлаганлари учун ҳам «аҳли суннат» деб аталди. Аллоҳ таоло деди: «Энди агар улар сизга жавоб бера олмасалар, билингки, улар фақатгина ҳавойи нафсларигагина эргашадилар. Аллоҳ томонидан ҳидоятланмаган ҳолда ўз ҳавойи нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас» (Қасас: 50).

«Аҳли суннат ва жамоат» Қуръон Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан сўнг уммат уламолари ижмоъ (иттифок) қилган ва суянган ҳукмларни ушлайдилар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу сўзларни айтган эдилар: «Аллоҳ умматимни залолат узра жам қилмайди. Аллоҳнинг қўли жамоат узрадир. Жамоатдан ажралган кимса жаҳаннамда ёлғиз қолади» (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунанит-Термизий»).

Демак, бу уммат ҳақни тарк қилиш ва ботил нарсага ижмоъ қилишдан маъсумдир.

«Аҳли суннат ва жамоат» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа бирон кимса учун маъсумликни этиқод қилмайдилар ҳамда Қуръон ва суннатда очиқ баён қилинмаган нарсалар ҳақида зарурат қадар ижтиҳод қилиш лозим, деб ўйлайдилар. Шундай бўлсада, сўзи Қуръон Карим ва суннатга мувофиқ бўлмагунича бирон кишининг раъйига таассуб қилмайдилар. Улар: «Мужтаҳид ҳукмни тўғри ва хато чиқариши мумкин. Тўғри ҳукм қилган мужтаҳид икки ажрни: ижтиҳод ва тўғри топганлик ажри, хато қилган

мужтахид эса битта ажр – ижтиҳод ажрини олади», деб эътиқод қиладилар. «Аҳли суннат ва жамоат»нинг ижтиҳодий масалалардаги фарқлилиги улар ўртасида адоват ва юзкўрмасликни пайдо қилмайди. Балки, улар бир-бирини севиб, баъзи масалаларда ихтилофли бўлса-да, бир-бирларининг орқаларида намоз ўқийверадилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» мусулмонлардан бирон кишини муайян имомнинг мазҳабида юришга мажбур қилмайди. Улар тақлид қилиш<sup>1</sup> эмас, балки далил би-

---

<sup>1</sup> Тақлид» - муқаллаф одамнинг шаръий ҳукмларда сўзи ҳужжат бўлмаган кишининг мазҳабини лозим тутишидир. Ёки бир кишининг сўзини далилини билмай, ёки далилини айтмаган кишининг сўзини қабул қилиш, демакдир. «Муқаллид» (тақлидчи) муайян бир кишига далилини билсин, билмасин эргашган ва унинг сўзларидан, акси исбот этилсада, чиқмаган одамдир.

Тақлиднинг илм, муқаллиднинг эса олим эмаслигида олимлар ўртасида хилоф йўқ. Аллоҳ таоло тақлидни қоралади ва кўп оятларда тақлид қилишдан қайтарди: «Қачон уларга: «Аллоҳ ноzil қилган нарсага ва пайғамбарга келинглар!», дейилса, улар: «Биз учун ота-боболаримизни ниманинг (яъни қайси диннинг) устида топган бўлсак, ўша етарли», дейишади. Агар ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва ҳақ йўлни топа олмайдиган бўлсалар ҳам-а?!» (Моида: 104).

Салаф уламолари ва мужтахид имомлар ҳам тақлид қилишдан қайтардилар. Чунки тақлид мусулмонлар сафидаги тортишув ва заифликка сабаб бўлиб, бирлик эса расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиб ҳамда ихтилоф пайтида «Аллоҳ айтди» ва «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтди»га қайтишдадир.

Шунинг учун ҳам, биз саҳобаларнинг - Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин - ўзларидан бирон муайян кишига барча масалаларда тақлид қилганликларини кўрмаймиз. Шунингдек, мазҳаб асосчилари бўлмиш тўрт имом ҳам - Аллоҳ уларни раҳмат қилсин - ўз раъйларига таассуб қилмадилар. Балки, ўз раъйла-

лан эргашиш бўлса зарар йўқ, мусулмон (бирон масалада) бир мазҳабдан далили кучли бўлган бошқа бир мазҳабга ўтиши мумкин, деб биладилар. Ўзида илмий лаёқати бўлган одам мазҳаббоши имомларнинг далилларини билиши, бир масала хусусида бир имомнинг мазҳабидан далили ва билими кучлироқ бўлган бошқа бир имомнинг мазҳабига ўтиши мумкин ва далилларини билмаган ҳолда бир кишининг сўзларини маҳкам ушлаб олмаслиги керак. Чунки у, бу билан муқаллид-тақлидчи бўлиб қолади. У бир нарсага берилган фарқли ҳукмларнинг қувватлисини ўрганиш

рини расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини кўрганлари ёки эшитганлари замон тарк этар эдилар. Улар ўзларига далилларини билмай туриб тақлид қилишдан қайтарар эдилар. Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ: «Ҳадис саҳиҳ (ишончли) бўлса, у менинг мазҳабимдир», дедилар. Бундан ташқари: «Ҳеч бир кишига қаердан олганимизни билмай туриб, бизнинг сўзимизни олиши ҳалол эмас», дедилар.

Имом Молик раҳимахуллоҳ: «Мен ҳам инсонман. Мен ҳам тўғри ёки хато айтишим мумкин. Менинг раъйларимга қаранглар, агар Қуръон ва суннатга мувофиқ бўлса олинглар, бўлмаса ташланглар!», дедилар.

Имом Шофий раҳимахуллоҳ дедилар: «Ҳар бир масъалаки у ҳақда ровийларнинг расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган саҳиҳ нақллари мен айтган сўзларнинг акси бўлса, мен у сўзларимдан ҳаётлигимда ҳам, ўлганимдан кейин ҳам қайтувчман».

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ дедилар: «Сен менга, Моликка, Шофийга, Авзойга, Саврийга тақлид қилма! Ҳукмларни улар олган ердан ол!».

Имомларнинг бу ҳақда айтган сўзлари жуда ҳам кўп. Чунки улар Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларини жуда яхши тушунар эдилар: «(Эй инсонлар), сизларга Роббингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! Камдан-кам панд-насихат оласизлар» (Аъроф: 3).

учун куч ва ғайратини сарф этиши керак. У ёки бу масалани қувватлаш имконини қила олмаса, у ҳолда бу кишининг ҳукми авом киши ҳукмидек бўлиб, илм аҳлидан сўраш лозим бўлади. Далилларни била олмайдиган омнининг мазҳаби - муфтийсининг мазҳабидир. У Қуръон ва суннатни билган одамдан сўраши керак. Аллоҳ таоло деди: «Агар билмасангизлар зикр (илм) аҳллари (уламолар)дан сўранглар!» (Наҳл: 43).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Диндаги фақиҳлик билим ва амал билангина ҳосил бўлади. Кўп илмга эришган, бироқ унга амал қилмаган ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига эргашмаган киши фақиҳ эмас», деб айтадилар.

## САККИЗИНЧИ АСОС:

### Гуноҳ бўлмаган ишларда амирларга итоат этишнинг фарзлиги

Модомики, гуноҳ ишларга буюрмас эканлар, мусулмон амирларга итоат этиш «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан биридир. Агар гуноҳ ишга буюрсалар уларнинг бу амрларига итоат қилинмайди. Бошқа, гуноҳсиз ишларда эса Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларига биноан уларга итоат қилинади: «Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» (Нисо: 59).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу сўзлари ҳам «аҳли суннат ва жамоат»нинг эътиқодини қувватлайди: «Менга итоат қилган киши Аллоҳга итоат қилибди. Менга осий бўлган киши Аллоҳга осий бўлибди. Амирга итоат қилган киши менга итоат қилибди. Амирга осий бўлган киши менга осий бўлибди» (Муттафақун алайҳи);

«Сизларга боши майиз каби ҳабаш қул амир бўлса ҳам унга қулоқ солиб, итоат этинглар!» (Имом Бухорий ривояти);

«Гарчи орқангга саваланса ҳам, молингни тортиб олинса ҳам қулоқ солиб итоат этасан. Амирингга итоат эт!» (Имом Муслим ривояти);

«Амирининг бирон хулкини ёқтирмаган одам сабр қилсин. Чунки амирига итоатдан бир қарич бўлса ҳам чиқиб, шу ҳолда ўлган одам фақат жоҳилият ўлими билан ўлади» (Имом Муслим ривояти).

Амирларга гуноҳ бўлмайдиган нарсаларда итоат этиш «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан биридир. Шунинг учун салаф имомлари буни эътиқод ичига қўшиб қўйдилар. Эътиқод ҳақидаги китобларнинг барчасида бунинг тақрири, шарҳи ва баёни бордир. Бу итоат ҳар бир мусулмон учун шаръан фарздир. Чунки у Ислом давлатида интизомнинг вужудга келишида асосий ишдир.

«Аҳли суннат ва жамоат» яхши бўлсинлар, ёмон бўлсинлар халифалар орқасида кундалик, жума ва ҳайит намозларини ўқиш ва улар билан биргаликда амри маъруф, наҳий мункар, жиҳод ва ҳаж қилиш, зоҳирлари дуруст бўлса улар ҳаққига яхшилик билан дуо қилиш жоиз, деб биладилар<sup>1</sup> ва куфр бўлмаган гу-

<sup>1</sup> Амир ҳаққига салоҳият, тўғри бўлиш ва ҳидоят сўраб дуо қилиш - салаф солиҳ йўлидир. Имом Барбаҳой раҳимахуллоҳ ўзининг қийматли китоби «Шарҳус-сунна»нинг 116-саҳифасида шундай дейди: «Агар бир одамнинг султон (халифа) зарарига дуо қилаётганини кўрсангиз, билингки, у нафс-ҳавосига учгандир. Агар бир одамнинг султон (халифа)нинг солиҳ бўлиши учун дуо қилаётганини кўрсангиз, билингки, иншааллоҳ, у суннат соҳибидир».

Фузайл ибн Йез раҳимахуллоҳ деди: «Агар менда албатта қабул бўладиган битта дуо бўлса эди, мен уни фақат султон ҳаққига қилар эдим. Биз уларнинг гарчи жабр ва зулм қилсалар-да, зарарига эмас, балки, ислоҳлари учун дуо қилишга буюрилганмиз. Зеро, уларнинг жабр ва зулмлари ўзларига, салоҳиятлари эса ўзлари ва мусулмонлар учундир».

Ҳақиқатан ҳам, уларнинг тўғри бўлишлари уммат учун хайрли-



ноҳларни қилсалар уларга қурол билан қарши чиқишни ҳаром қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадисга кўра, очик куфр содир бўлмагунича сабрли бўлиш, фитна вақтида ўзаро жанг қилмаслик ва насиҳат қилишга<sup>1</sup> даъват этадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Имомларингизнинг яхшироғи сизлар яхши кўрган ва сизларни ҳам яхши кўрган, сизларга жаноза намози ўқиган, сизлар ҳам уларга жаноза намози ўқиганларингиздир. Имомларингизнинг ёмонроғи сизлар ёмон кўрган ва сизларни ҳам ёмон кўрган, сизлар лаънат қилган ва сизларни ҳам лаънат қилганларидир». Саҳобалар: «Уларга қилич билан қарши турамизми?», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Модомики, сизларнинг ичингизда намозни қоим

дир.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ деди: «Аллоҳ сенга офият берсин, билгинки, амирларнинг жабри Аллоҳ таолонинг интиқомидир. Аллоҳнинг интиқомига қилич билан қарши бўлинмайди. Балки, ундан дуо, тавба ва қилган гуноҳларни тарк қилиш билан сақланилади. Аллоҳнинг интиқомига қилич билан қарши турилса, Аллоҳнинг қиличи кескироқ бўлади.

Ривоят қилишларича Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ Ҳажжожнинг зарарига дуо қилаётган бир кишини кўрди ва унга: «Сенга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин, ундай қилма. Балолар ўзингиз қилган ишлар сабабдир. Мен агар Ҳажжожни четлатилса ёки ўлса, сизларга тўнғизлар ва маймунлар ҳоким бўлиб қолишдан кўрқаман», деди. (Ибн Жавзий: «Одобу Ҳасанил-Басрий»)

<sup>1</sup> Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ деди: «Мусулмонлар имомлари (халифалари)га насиҳат қилишнинг маъноси - уларга ҳақ устида ёрдам бериш, итоат қилиш ва уларни ҳаққа чақириш, мулойимлик билан унутган нарсаларини эслатиш ва огоҳлантириш». («Шарҳу Саҳиҳи Муслим»: 2/ 241)

килар эканлар, йўқ. Агар ўз амирларингизда ёқтирмаган ишларни кўрсангиз, ўша ишини ёмон кўринг. Лекин итоатсизлик қилманг!», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларга амирлар таъйин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасизлар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улардан пок бўлибди ва гуноҳларига шерик бўлмабди. Ким (уларнинг ёмонликларини) инкор этса, (бу гуноҳ укубатидан) қутулибди. Бироқ, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашган киши (ундай эмасдир)». Сахобалар: «Ё расулуллоҳ, улар билан уруш қилайликми?», деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Модомики, намоз ўқир эканлар, йўқ», деб жавоб бердилар<sup>1</sup> (Имом Муслим ривояти).

---

<sup>1</sup> Маълумингиз бўлсинки, халифаликка таъйинланиб ва одамлар унга жамланиб рози бўлган, ёки ўз қиличи билан ғолиб бўлиб, халифа бўлган кишига итоат этиш вожиб ва қарши чиқиш ҳаромдир.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ деди: «Волийлар устидан қилич билан зафар қозониб халифа бўлган ва «амирул-мўъминин» деб номланган шахсга, у ҳоҳ солиҳ ва ҳоҳ фожир бўлсин, Аллоҳга ва охиратга иймон келтирган одам унга байъат қилмай кечани ўтказиши ва уни халифа деб билмаслиги ҳалол эмасдир» (Абу Яъло: «ал-Қомусус-султонийя»).

Имом ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ «Фатҳул-Борий» китобида деди: «Фуқаҳолар куч билан ғолиб бўлган халифага итоат қилиб, у билан жиҳод қилишнинг фарз эканига ҳамда унга итоат қилиш, унга қарши чиқишдан кўра яхшироқ эканига ижмоъ-иттифоқ қилдилар. Чунки бунда кон тўкилишнинг олдини олиш, халкни тинчлантириш бордир» (13/ 90).

Шайхулислов Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ деди: «Салтанат соҳиби бўлган имомга қарши чиққан кўпчиликнинг бу чиқишидаги зарар фойдасидан кўра кўпроқ бўлган» («Минҳажус-сунна»: 22/

Бироқ, гуноҳ ишларда имомларга итоат қилинмайди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Модомики гуноҳларга буюрилмас экан мусулмон одам яхши ва ёмон кўрган нарсаларда (амирларга) қулоқ солиб, итоат этиши фарздир. Аммо гуноҳга буюрилар экан, қулоқ солиш ва итоат этиш йўқдир» (Имом Бухорий ривояти).

241).

Бироқ, Аллоҳ шариатини тўхтатиб унинг ҳукмларидан бошқа ҳукм билан ҳукм қилган ҳокимларга итоат қилинмайди. Чунки улар мусулмонлар ишини бажариш, динни ҳимоя қилиб, уни атрофларга ёйиш, шаръий ҳукмларни ижро этиш, чегараларни қўриқлаш, даъват қилинганидан сўнг ўжарлик қилиб итоат этмаган кишиларга қарши жиҳод қилиш, мусулмонларни яхши кўриб, дин душманларини душман тутиш каби халифалиқдан кўзланган мақсадларини зое қилган бўладилар. Шунинг учун ҳам, ундай одамларда имомлик ҳаққи қолмас. Балки, уммат — уммат ичидан бўлган ва бу ишнинг тақдири уларнинг қўлида бўладиган катта уламолар — уни ўз вазифасидан олиши ва ўрнига имомлик мақсадларини рўёбга чиқарадиган кишини таъйин этиши вожибдир. «Аҳли суннат ва жамоат» зулм ва фосиқлик қилган имомга қарши чиқишдан қайтарар экан (чунки зулм ва фосиқлик динни зое қилиш эмасдир), Аллоҳнинг шариатини амалда татбиқ этаётган халифани назарда тутганлар. Зеро, салаф солиҳ динни ҳимоя қиладиган халифалиқни назарда тутганлар. Балки, улар бундай (динни ҳимоя қилмаган) “халифалиқ”ни халифалиқ деб ҳисобламаганлар. Амирлик деганда эса, динни татбиқ қилган амирлик тушунилган. Буни қилгандан кейин бошқа ишларда яхши амирлик ва фожир амирликка бўлинган. Алий разияллоҳу анҳу: «Одамлар учун яхшидир, ёмондир амирлик бўлиши керак», дедилар. Одамлар: «Яхши амирликни биламиз, бироқ, ёмон амирлик қандай бўлади?», деб сўраганларида Алий разияллоҳу анҳу: «У билан йўллар осойишта, (исломий) жазолар ижро бўлади, душманларга қарши жиҳод қилинади ва ўлжалар тарқатилади», деб жавоб берган эди. (Шайхулислам ибн Таймийя: «Минҳажус сунна»: 1/ 146).

«Аллоҳга осий бўлиб амирга итоат йўқдир. Итоат яхши ишлардадир» (Муттафакун алайҳ).

Имом (халифа) ўзини қўл остидаги одамларни тарбиялаш, Аллоҳнинг дини ва шариатига хизмат қилиш ва Аллоҳнинг жазоларини барчага ижро этиш учун Аллоҳ таоло танлаган ходим деб билиши керак. Имом Аллоҳ йўлида маломатлардан қўрқмайдиган кучли, умматнинг дини, қони, моли, номуси, манфати, осойишталиги ва барча нарсаларига омонатдор бўлиши ва ўзи учун қасос олмаслиги, ва ғазаби ҳам Аллоҳ учун бўлиши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ бир қавмга раҳбар қилиб қўйган банда уларга хиёнат қилган ҳолда ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилади» (Имом Муслим ривояти).

## ТЎҚҚИЗИНЧИ АСОС:

### «Аҳли суннат ва жамоат»нинг саҳобалар, аҳли байт - хонадон аҳллари ва халифалик ҳақидаги эътиқоди

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини севиш ва уларга нисбатан қалб ва тилларни саломат тутиш, «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан биридир. Чунки саҳобалар одамлар ичида иймони, эҳсони, тоат-ибодати ва жиҳоди кўп бўлган кишилар бўлиб, Аллоҳ таоло уларни ўз пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга суҳбатдош бўлиш учун танлаб олди. Улар ўзларидан кейингилар етиша олмайдиган имтиёзга эга бўлдилар. У имтиёз - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриш ва у зот билан бирга яшаш эди.

Саҳобаларнинг барчаси Аллоҳнинг, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тарбиялари билан адолатли, Аллоҳ таолонинг авлиёлари (дўстлари) ва бандаларнинг сараларидир. Улар бу умматнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги энг афзалларидир. Аллоҳ таоло деди: «Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан анҳорлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни таёрлаб қўйди. Мана шу буюк саодатдир» (Тавба: 100).

Саҳобаларнинг иймон ва фазл соҳиблари эканига гувоҳлик бериш диндан экани аниқ маълум бўлган

катъий асослардандир. Уларни яхши кўриш дин ва иймон, уларни ёмон кўриш эса куфр ва мунофиқликдир. «Аҳли суннат ва жамоат» уларни фақат яхшилик билан тилга олади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам уларни яхши кўрдилар ва уларни яхши кўришга васият қилиб дедилар: «Аллоҳдан менинг саҳобаларим ҳақида кўрқинглар! Уларни менидан сўнг нишон қилиб олманглар! Ким уларни яхши кўрса, менга бўлган муҳаббати билан яхши кўрибди. Ким уларни ёмон кўрса, менга бўлган нафрати билан ёмон кўрибди. Ким уларга озор берса, менга озор беради. Ким менга озор берса, Аллоҳга озор берган бўлади. Аллоҳга озор берган кимсани эса, Аллоҳ тез кунда жазосини беради»<sup>1</sup> (Шайх Албоний «Заъифу Сунанит-Термизий»).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган ёки у зот билан суҳбатдош бўлган ва унга иймон келтирган киши суҳбатдошлиги бир йил ёки бир ой ёки бир кун ёки бир соат бўлса-да, саҳобадир.

Дарахт тагида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган ва сони бир минг тўрт юздан ортиқ бўлган саҳобалардан биронтаси жаҳаннамга кирмайди. Чунки Аллоҳ таоло улардан рози бўлди ва улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дарахт

---

<sup>1</sup> Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анху: «Абу Бакр ва Умарни яхши кўриш иймондандир. Уларнинг афзалликларини билиш эса суннатдир», деди. Имом Молик раҳимаҳуллоҳ эса: «Салафлар ўз фарзандларига Абу Бакр ва Умар (разияллоҳу анҳумо)ларни севишни Қуръон сурасини ўргатганларидек ўргатар эдилар», деди (Лолакаий: «Шарху усули аҳлис-сунна»).

тагида байъат қилган бирон киши жаҳаннамга кирмайди», дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

«Аҳли суннат ва жамоат» саҳобалар ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлардан<sup>1</sup> кўз юмиб, уни Аллоҳга ҳавола қиладилар ва: «Уларнинг қайси бири тўғри иш қилган бўлса унга икки ажр, қайси бири хато қилган бўлса бир ажр олади ва иншааллоҳ, унинг хатоси кечирилгандир», деб этиқод қиладилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» саҳобаларнинг биронтасини ҳақоратли сўзлар билан тилга олмайди. Балки, уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларига биноан ўзларига лойиқ бўлган мақтовлар билан тилга оладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Саҳобаларимни ҳақорат қилманглар! Саҳобаларимни ҳақорат қилманглар! Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, агар сизларнинг бирингиз Ухуд тоғича олтин инфоқ-эҳсон қилса, улардан бирининг бир муд (бир ховуч) ёки ярим ҳовуч эҳсонига ҳам баробар келмас!»<sup>2</sup> (Имом Муслим ривояти).

<sup>1</sup> Саҳобаларнинг ҳаммаси ҳам фитналарга қўшилмадилар. Фитна кучайган вақтда сонлари ўн минглаб бўлган саҳобаларнинг ўттиздан камроғигина фитна тузоғига тушдилар. Буни Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ «ал-Муснад»ида ишончли ривоят силсиласи билан ибн Сийриндан, Абдураззоқ эса «ал-Мусаннаф»ида ва ибн Касир эса «ал-Бидая ван-Ниҳая»сида ривоят қилдилар.

<sup>2</sup> Убайдуллоҳ ибн Умар ва Миқдод разияллоҳу анҳумола ўртасида сўз қочди. Убайдуллоҳ Миқдодни ҳақорат қилди. Бундан хабардор бўлган Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу: «Менга ўткир нарсани олиб келинглар, унинг тилини кесай! Токи бошқалар расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини ҳақорат қилмасинлар!», дедилар. (Лолакаий, «Шарҳу этиқоди аҳлис-сунна»).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Саҳобалар хатолардан маъсум эмас. Маъсумлик Аллоҳ таоло ваҳийни етказиш учун танлаб олган пайғамбарларгагина хос. Аллоҳ таоло шахсларни эмас, умматни жамланган ҳолда хато қилишдан сақлади», деб эътиқод қиладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло умматимни залолатга жамламайди. Аллоҳнинг қўли жамоат устидадир» (Шайх Албоний. «Саҳиху Сунанит-Термизий»).

«Аҳли суннат ва жамоат» тўрт саҳоба: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий разияллоҳу анҳум бу умматнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги тўғри йўлга йўлланган халифалари бўлиб, уларга жаннат хабари берилган. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам зикр қилган нубувват йўналишидаги халифалиги ўттиз йил давом этди ва имом Ҳасан разияллоҳу анҳунинг халифалиги билан ниҳоясига етди, деб эътиқод қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Менинг умматимда халифалик ўттиз йилдир. Ундан кейин подшоҳлик бўлади» (Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» тўртовларидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаннатга киришларидан башорат берган қолган олти саҳобани афзал кўрадилар. Улар: Талха ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Саъд ибн Аби Ваққос, Саид ибн Зайд, Абдурраҳмон ибн Авф ва бу умматнинг амини - омонатдори Абу Убайда ибн Жарроҳдир. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин. Улардан кейинги афзаллари Бадр жангида иштирок этганлари, улардан кейингилари дарахт тагидаги «Ризвон» (розилик) байъ-



атида иштирок этган саҳобалар, улардан кейингилари эса қолган барча саҳобалардир. Саҳобаларни яхши кўрган, улар учун хайрли дуолар қилган, уларнинг ҳақларини риоя қилган ва афзалликларини билган одам зафар кучган одамдир. Уларни ёмон кўрган ва ҳақорат қилган одам эса, ҳалок бўлган одамдир.

«Аҳли суннат ва жамоат» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадони аҳлини у зотнинг куйидаги сўзларига биноан яхши кўрадилар: «Мен сизларга ўз хонадоним (ҳаққини риоя этишингиз) ҳақида Аллоҳ таоло(дан кўрқишингиз)ни эслатаман. Мен сизларга ўз хонадоним (ҳаққини риоя этишингиз) ҳақида Аллоҳ таоло(дан кўрқишингиз)ни эслатаман!» (Имом Муслим ривояти);

«Аллоҳ таоло Исмоил уруғини танлади. Исмоил уруғидан эса Кинонани, Кинонадан Қурайшни, Қурайшдан Бани Ҳошимни ва Бани Ҳошимдан мени танлади»\* (Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларини, Қуръоннинг берган хабарига кўра «Уммаҳатул мўъминийн» (мўъминларнинг оналари)ни яхши кўрадилар. Аллоҳ таоло деди: «Эй, Пайғамбар аёллари, аёллардан биронтаси каби эмасдирсизлар (яъни бирон аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмас). Бас, сизлар агар тақводор бўлсангизлар (парда ортидан бирон номаҳрам эркакка жавоб қилган пайтларингизда) майин-

---

\* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонини нега яхши кўрмайлик! Ахир биз улар учун барча намозларимизда салават ва саломлар айтамыз-ку!

назокатли сўз қилмангларки, у ҳолда кўнглида мараз-нифок бўлган кимса таъма қилиб қолади. Яхши - тўғри сўзни сўзланглар! Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар, (яъни, бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирон хожат учун чиққанларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусандек ясанманглар! Намозни тўқис адо қилинглар, закотни (ҳақдорларга) ато этинглар ҳамда (барча ишларда) Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этинглар! Эй, (Пайғамбар) хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос» (Аҳзоб: 32, 33).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муҳтарама аёллари: Хадича Хувайлид қизи, Оиша Абу Бакр қизи, Хафса Умар қизи, Умму Ҳабиба Абу Суфён қизи, Умму Салама Абу Умайя ибн Муғира қизи, Савда Замъа ибн Қайс қизи, Зайнаб Жаҳш қизи, Маймувна Ҳорис қизи, Жувайрийя Ҳорис ибн Аби Зирор қизи ва Софийя Ҳуйай ибн Ахтоб қизи. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин!

«Аҳли суннат ва жамоат» уларни барча ёмонликлардан пок ва улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дунё ва охирадаги аёлларидир, деб эътиқод қиладилар.

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Уларнинг афзаллари Хадича Хувайлид қизи ва Оиша Абу Бакр қизи розияллоҳу анҳумодир», деб ҳисоблайдилар. Оиша розияллоҳу анҳонинг у кишига туҳмат қилинган барча ишлардан пок эканини Аллоҳ таоло Қуръон Каримда баён қилди. Шунинг учун ҳам, унга туҳмат қилган ҳар

бир киши кофирдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Оишанинг бошқа аёлларга нисбатан афзаллиги сариднинг<sup>1</sup> бошқа таомларга нисбатан афзаллиги кабидир» (Имом Бухорий ривояти).

---

<sup>1</sup> «Сарид» - араблар севиб тановул қиладиган таом бўлиб, гўшти узок қайнатиб пиширилгач, уни суви билан бирга нон тўғралган идишга қўйиб, тановул қилинади.

## ЎНИНЧИ АСОС:

### «Аҳли суннат ва жамоат»нинг бидъатчилар ва адашган тоифаларга муносабати

«Аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан бири — улар динда ундан бўлмаган нарсаларни пайдо қилган бидъатчи ва адашган тоифаларга мансуб кишилардан нафратланиш, уларни яхши кўрмаслик, сўзларини эшитмаслик, улар билан дўстлашмаслик, бирга ўтирмаслик ва баҳс қилмаслик, уларнинг ботил сўзларини эшитишдан қулоқларни эҳтиёт қилиш, уларнинг аҳволлари ва ёмонликларини баён қилиш, улардан умматни огоҳлантириб, одамларни нафратлантириш керак, деб билишларидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мендан аввал юборилган ҳар бир пайғамбарнинг ўз уммати ичида унинг суннатини ушлаб, амрларига эргашадиган ҳаворий - издошлари ва асҳоблари бўлган. Улардан сўнг эса, қилмайдиган нарсаларини сўзлайдиган ва буюрилмаган нарсаларни қиладиган «хулуф»лар – ёмон кишилар келади. Уларни кўли билан қайтариб жиҳод қилган киши - мўъминдир. Уларга қарши тили билан жиҳод қилган одам - мўъминдир. Уларга қалби билан жиҳод қилган (яъни, ҳеч бўлмаганда дилида уларни ёмон кўрган) одам - мўъминдир. Булардан бошқа ҳолатларда хардал (хантал-горчица)нинг уруғича ҳам иймон йўқ» (Шайх Албоний: «Саҳиҳу Сунани Аби Довуд»);

«Умматимнинг охирида сизларга сизлар ва оталарингиз эшитмаган сўзларни сўзлайдиган одамлар

чиқадилар. Ўзингизни улардан, уларни ўзингиздан узоқ тутинг!» (Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» бидъатга: «Бидъат – пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотидан ва дин комил бўлганидан сўнг дин кўринишида пайдо бўлган, қилиш учун Қуръон ва суннатда бирон бир далили бўлмаган ёки динда Аллоҳ таолога яқин бўлиш ёки ибодат қилиш мақсадида шариатга ўхшаш йўллар билан чиқарилган барча янгиликлардир. Шунинг учун ҳам бидъат суннатнинг зиддидир. Бироқ суннат ҳидоят, бидъат эса залолатдир», деб таърифлайдилар.

Бидъат, уларнинг наздида, комил тавҳидга қаршилик қилади. У ширк василаларидан биридир, яъни Аллоҳ таолога У машруъ қилмаган нарсалар билан ибодат қилишдир. Василалар эса мақсадлар ҳукмидадир. Аллоҳ таолога ибодат қилишда ширкка ёки динда янгилик яратишга олиб борадиган ҳар қандай нарсанинг йўли тўсилиши керак. Чунки дин комил бўлгандир. Аллоҳ таоло деди: «Бугун сизларга диннингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Ислоمنى дин қилиб танладим» (Моида: 3).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким бизнинг шу ишимизда ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у (иш) рад қилингандир» (Муттафақун алайҳ);

«Сўзнинг яхшироғи Аллоҳнинг Китоби, йўлнинг яхшироғи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи (динда) янги пайдо

бўлганларидир ва ҳар бир бидъат залолатдир»<sup>1</sup> (Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат»: «Бидъатлар бир хил даражада эмас, бир-биридан фарқли бир неча турлидир. Уларнинг баъзилари диндан чиқарар, баъзилари эса чиқармас, баъзилари катта гуноҳлар, баъзилари эса кичик гуноҳлар қаторидадир. Бироқ, уларнинг барчаси залолат эканида муштаракдир. Куллий (асосий) бидъатлар жузъий бидъатлар каби, оддий бидъатлар мураккаб бидъатлар каби, ҳақиқийлари кейин қўшилганлари каби ўз жинси ва ҳукмларида бир хил эмасдир», деб айтадилар.

<sup>1</sup> Динда пайдо бўлган биринчи бидъат - намоз билан закот ўртасини ажратиш ва: «Закот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзигагина берилади», деб даъво қилиш бўлган эди. Абу Бакр разияллоҳу анҳу у бидъатчиларга қарши жиҳод қилди ва уларни ишлари кучаймай туриб йўқ қилди. Агар уларни ўз ҳолига қўйганида эди, уларнинг бу даъвоси ҳозирги кунимизгача дин бўлиб қолар эди.

Умар разияллоҳу анҳунинг даврида эса баъзи кичик бидъатлар пайдо бўлди. Умар разияллоҳу анҳу ҳам уларни таг-томири билан тугатдилар.

Усмон разияллоҳу анҳунинг даврида эса катта фитналар бош кўтарди. У - ҳақ халифага қилич билан қарши чиқиш эди. Уларнинг бидъатлари Усмон разияллоҳу анҳунинг ўлими билан тугалланди. Бу - бизнинг кунларимизга қадар етиб келган ҳаворижлар фитнасининг аввали эди. Кейин эса фитналар кетма-кет кела бошлади. Қадарийлар, муржиалар, рофизалар, ботинийлар, жаҳмийлар, зиндиклар ва Аллоҳ таолонинг исм ва сифатларини инкор этган кўплаб адашган тоифалар - бидъатчилардир.

Бидъатлар пайдо бўлгани сайин «аҳли суннат ва жамоат» уларга қарши ҳозир у нозир бўлдилар. Ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш бизнинг кунларимизгача етиб келди ва Қиёмат кунига қадар давом этади. «Аҳли суннат ва жамоат» ҳар замон ва ҳар маконда Куръон, суннат ва умматнинг ижмоъсига зид бўлган барча сўз ва ишлар юзидан никобини очиб ташлайди.

Бундан ташқари бидъатлар ҳукмларида фарқли бўлиб, баъзиси куфр ва баъзиси фиққ бўлганидек, уни қилган кишиларнинг ҳукмлари ҳам фарқлидир. Шунинг учун ҳам «аҳли суннат ва жамоат» бидъатчилар устидан бир хил ҳукм қилмайдилар. Балки, қилган бидъатларига қараб турли шахсларга турлича ҳукм қиладилар. Зеро, жоҳил ва таъвилчининг бидъати билиб туриб қилган кишининг бидъати каби эмас, бидъатини билиб унда тиришқоқлик қилаётган одам эса билиб туриб ўз бидъатига даъват этаётган ва нафсхавосига эргашган киши каби эмасдир. «Аҳли суннат ва жамоат» бидъатини ошкор қилиб, унга даъват этаётган кишиларга ўз бидъатини пинҳона қилаётган кишиларга қилган муомалаларини қилмайдилар. Чунки бидъатга даъват этаётган кишининг зарари бошқаларга ҳам таъсир қилади. Шунинг учун ҳам уни тўхта-тиш, қилган ишларини очиб ташлаш ва бидъатларидан тийилиши учун уни жазолаш керак. Чунки у гуноҳ (мункар) ишни ошкора қилди ва жазога лойиқ бўлди.

Мазкур сабабларга кўра, «аҳли суннат ва жамоат» ҳар бир бидъатчига ўзига хос муомала қилади. Бидъатчилар ва уларга тақлид қилган кишиларнинг барчасига Аллоҳ таолодан ҳидоят сўраб дуо қиладилар. Уларнинг суннат ва ҳидоятда бўлишларини умид қиладилар. Тавба қилишлари учун қилган ишлари хато эканини тушунтирадилар. Қилган ишлари куфр бўлмаса зоҳирларига қараб ҳукм қилиб, ички дунёларини Аллоҳга хавола қиладилар.

## Бидъатчи ва адашган тоифаларнинг белгилари

Адашган тоифалар ва бидъатчи кимсаларнинг уларда зухур этиб турадиган ва таниладиган белгилари бор. Ислому умматини огоҳлантириш ва бидъатчиларнинг йўлларига юриб кетишдан қайтариш учун улар ҳақида Аллоҳ таоло Ўз Китобида ва Расул солаллоҳу алайҳи ва саллам ўз суннатларида хабар берди.

Уларнинг белгиларидан баъзилари қуйидагилар:

Шариат мақсадларини билмаслик, тарқоқлик, жамоатдан узоқ бўлиш, баҳс-жанжал қилиш, ҳавосига эргашиш, ақлни нақлдан муқаддам қўйиш, суннатни билмаслик, муташибих — тушуниш қийин бўлган оятларда баҳсларга берилиш, суннатни Қуръонга қарши қўйиш, шахсларни улуғлашда ва ибодатда ғулув кетиш, ўзини кофирларга ўхшатиш, суннат аҳлига турли лақаблар қўйиш, салаф йўлида юрган кишиларни ёмон кўриш ва аҳли ҳадисларга душманлик қилиш ва уларни менсимаслик. Ўзларига муҳолиф бўлган одамларни далилсиз кофир ҳисоблаш. Ҳақиқатпарвар кишиларга қарши ҳокимлар ва султонлардан ёрдам сўраш.

«Аҳли суннат ва жамоат» бидъатчиларнинг асосийлари тўртта деб биладилар. Улар: рофиза-шиалар, хаворижлар, қадарийялар ва муржиалардир. Булардан кўплаб фирқалар ажралиб чиқди ва Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, етмиш икки гуруҳга етиб борди.



«Аҳли суннат ва жамоат»нинг бидъатчи ва нафс-хаволарига эргашган кишиларга раддия беришда яхши саъй-ҳаракатлари бор. Уларнинг бидъатчилар ҳақида айтган сўзлари кўп бўлиб, биз қуйида мисол тариқасида улардан баъзиларини келтирамиз.

Имом Аҳмад ибн Синон ал-Қаттон раҳимахуллоҳ деди: «Дунёда қайси бидъатчи бўлмасин ҳадис аҳлини ёмон кўради. Бидъат ишларни қилувчи кимсанинг қалбидан ҳадиснинг ҳаловати кетади» (Имом Нававий: «ат-Тазкира»).

Имом Абу Хотим ал-Ҳанзалий ар-Розий раҳимахуллоҳ деди: «Бидъатчиларнинг белгиси - ҳадис аҳлини айблаб, ғийбат қилиб юриш, зиндиқларнинг белгиси - ҳадис аҳлини «ҳашавийлар» деб аташлари, улар бу билан асарларни йўққа чиқаришни ирода қилдилар, жаҳмийларнинг белгиси - салаф йўлида юрган кишиларни «мушаббихалар» деб, қадарийларнинг белгиси - салаф йўлида юрган кишиларни «муҷбиралар» деб, муржиаларнинг белгиси - салаф йўлида юрган кишиларни «муҳолифа», «нуқсонийя» деб, рофизаларнинг белгиси - салаф йўлида юрган кишиларни «носибалар» деб аташларидир. «Аҳли суннат»нинг бир исми бор. «Аҳли суннат»ни юқоридаги барча номлар билан номлаш хато, балки маҳолдир» (Розий: «Китабу аҳлис-суннати ва этикодид-дин»).

«Макка шаҳридаги ибн Қатилага ҳадис аҳлини эслатилса, у: «Ҳадис аҳли ёмон одамлар», деб айтибди» дейилганида Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳ: «У зиндиқдир, у зиндиқдир, у зиндиқдир», деб, қўлларини силтаб уйларига кириб кетдилар (Барбаҳорий: «Шарҳус-сунна»).

Аллоҳ таоло ҳадис аҳлини ва «аҳли суннат»ни уларга нисбат берилган барча айблардан ҳимоя қилди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари бўлмиш улуғ суннат, мақбул сийрат, тўғри йўл, кучли ва етук ҳужжат соҳибларидир. Аллоҳ таоло уларни Ўзининг Китоби ва Расулининг суннатларига эргашиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни, дин имомларини ва Ислом йўлида ҳаракат қилган уммат олимларини яхши кўришга муваффақ қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши ўзи яхши кўрган қавм билан биргадир», (Имом Бухорий ривояти) деб хабар берганларидек, ким кимни яхши кўрса у билан биргадир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, умматнинг дастлабки уч авлоди ҳидоят имомлари, шариат олимлари, муҳаддислар, салафлар бўлмиш саҳобалар, тобиинлар, табиа-тобиинларни яхши кўрган ва уларга бизнинг кунимизга қадар эргашган киши «аҳли суннат» яъни, суннат соҳибидир.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бидъатчининг орқасида намоз ўқиш:

Билинги, «аҳли суннат»нинг бу масаладаги сўзларининг хулосаси қуйидагича:

- Ҳақиқий кофир ва муртаднинг орқасида намоз ўқиш жоиз эмас.
- Эътиқоди ва шахсияти номаълум бўлган одамлар орқасида намоз ўқишни тарк қилиш ҳақида бирон бир салаф олими сўз айтмади. (Бу сўзни айтиш бидъатдир)
- Бидъатчининг орқасида намоз ўқишдан қайтариш аслида, унинг бидъатини ёмон кўрсатиш ва шу бидъатдан нафратлантириш учундир. Агар бидъатчининг орқасида намоз ўқилса, иктидо қилган одамнинг намози дурустдир.

Бидъатчиларга жаноза намозини ўқимаслик ва Аллоҳдан уларга раҳмат сўрамасликнинг ҳукми:

- Кофир, муртад ёки куфрга олиб борадиган бидъатни қилган

---

эканига ҳужжат қоим бўлиб вафот этган кишиларнинг жанозаларини ўқиш ва уларга мағфират сўраш жоиз эмас. Бу ижмоъ қилинган масаладир.

- Гуноҳ ишни ёки диндан чиқармайдиган бидъатни қила туриб вафот этган кишиларнинг жаноза намозида унинг қилган гуноҳи ва бидъатидан нафратлантириш учун имом (халифа ёки султон) ва этиборли илм аҳлларининг иштирок этмасликлари яхшидир. Бу унга жаноза намозини ўқиш барча учун ҳаром дегани эмас. Балки, унга, модомики жаҳаннамда мангу қоладиган кофир ҳукмида ўлмаган бўлса, жаноза ўқилаверади.

## Салаф уламоларининг бидъатчилардан эҳтиёт бўлиш ҳақидаги ўғитлари

- Амирулмўъминин Умар ибн Хаттоб разияллоху анху деди: «Яқин кунда баъзи одамлар келиб сизлар билан Куръондаги муташобих — тушуниш қийин бўлган оятлар устида баҳс қиладилар. Уларга суннатдан хужжатлар келтиринглар! Чунки суннат соҳиблари суннатни билувчирокдирлар» (Имом Лолакаий: «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамаати». Ибн Батта: «ал-Ибаана»).

- Такдирни инкор этган кишилар ҳақида берилган саволга Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анхумо: «Агар уларни учратсанг уларга: Абдуллоҳ ибн Умар улардан, улар эса Абдуллоҳ ибн Умардан безор эканини билдир», деб уч марта такрорлади. (Имом Лолакаий: «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамаати»).

- Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоху анхумо деди: «Нафс-ҳавосига эргашган кишилар билан бирга ўтирма! Улар билан ўтириш қалбни касал қилади» (Имом Лолакаий: «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамаати»).

- Зоҳид ва олим Фузайл ибн Йез раҳимахуллох деди: «Бидъатчидан динингга эҳтиёт бўл! У билан ўз ишларингда маслаҳат қилма ва бирга ўтирма! Бидъатчи билан бирга ўтирган кишининг қалбини Аллох таоло кўр қилади» (Имом Лолакаий: «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамаати»).

- Имом Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллох деди: «Роббим, бидъатчига менга яхшилик қилишни

тақдир этмаки, қалбим уни яхши кўриб қолмасин!» (Имом Лолакаий: «Шарҳу усули этиқоди аҳлис-суннати вал-жамаати»).

• Имом Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ деди: «Аллоҳ таоло нафс-ҳавосига эргашган кишининг тавба қилишига изн беришни хоҳламади» (Имом Лолакаий: «Шарҳу усули этиқоди аҳлис-суннати вал-жамаати»).

• Мўъминларнинг ҳадис бобидаги амири Суфён Саврий раҳимахуллоҳ деди: «Бидъатчининг сўзларига бидъатчи эканини била туриб қулоқ солган одамдан Аллоҳ таолонинг ҳимояси кўтарилади ва ўз ҳолига ташлаб қўйилади» (Ибн Ваззоҳ: «ал-Бидаъ ван-Наҳий анҳо»).

• Имом Авзойи раҳимахуллоҳ деди: «Бидъатчига баҳс қилиш имконини бермангиз! Чунки у фитнаси билан қалбингизда шубҳа пайдо қилади» (Ибн Ваззоҳ: «ал-Бидаъ ван-наҳий анҳо»).

• Муҳаммад ибн Сийрийн раҳимахуллоҳ бидъатдан огоҳлантириб деди: «Бир бидъатни пайдо қилган киши бир суннатдан воз кечади» (Имом Муслим ривояти).

• Имом Молик ибн Анас разияллоҳу анҳу деди: «Бидъатчига салом берилмайди, унга қиз узатилмайди, ундан қиз олинмайди» (Имом Молик: «ал-Мадинатул-Мунаввара»).

• Имом Шофийи раҳимахуллоҳ калом илми (ақлий далилларни нақлий далиллар устига афзал кўриш) ҳақида сўзлаётган одамларни кўриб баралла: «Ё биз билан яхшиликча ўтирасизлар ёки ўрнингиздан туриб

кетасизлар!», дедилар (Наср ибн Иброҳим Мақдисий: «Мухтасару китабил-хужжати ала таариқил-маҳажжати»).

- Аҳли суннатнинг имоми Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳ деди: «Бидъатчи ва нафс-ҳаволарига берилган кишилардан мусулмонларнинг бирон ишида ёрдам сўралмайди. Чунки бунинг динга катта зарари бордир» (Ибн Жавзий: «Манақибул-имом Аҳмад»);

«Бидъатларнинг барчасидан сақлан! Бирон бидъатчи билан диний ишларинг ҳақида маслаҳат қилма!» (Ибн Жавзий: «Манақибул-имом Аҳмад»).

- Имом Абдурраҳмон ибн Маҳдий раҳимахуллоҳ деди: «Нафс-ҳаволарига берилган кишилар ичида Жаҳмнинг сафдошларидан кўра ёмонроқ одамлар йўқдир. Чунки улар: «Осмонда ҳеч ким йўқ», деб айтадилар, Менинг раъйим, Аллоҳга қасамки, уларга қиз узатилмаслиги ва мерос берилмаслигидир» (Абдуллоҳ ибн имом Аҳмад: «Китабус-сунна»).

- Абу Қилоба Басрий раҳимахуллоҳ деди: «Нафс-ҳавосига берилган кишилар билан бирга ўтирманглар! Гарчи улар кирган мавзуларга кирмасангиз-да, сизларни билган нарсаларингизда ҳам чалғитиб қўядилар» (Ибн Батта: «ал-Ибаана»).

- Айюб Сихтиёний раҳимахуллоҳ деди: «Нафсу ҳаво аҳли залолат аҳлидир. Улар оқибатини жаҳаннамдан бошқа нарса деб билмайман» (Ибн Батта: «ал-Ибаана»).

- Қози Абу Юсуф раҳимахуллоҳ: «Мен жаҳмий, рофизий (шиа) ва қадарийлар орқасида намоз ўқимайман», дедилар (Лолакаий: «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамаати»).

• Шайхулислом Абу Усмон Исмоил Собуний раҳимахуллоҳ деди: «Бидъатчиларнинг белгилари маълумдир. Улар ичида энг аниқ кўриниб турадигани, аҳли ҳадисларга душманлик қилиш, уларни таҳқирлаш, «ҳашвийлар», жоҳиллар, «зоҳирийлар» ва «мушаббихлар», деб аташларидир. Сабаби улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хабарлари ҳақида: Бу хабарлар илмдан узоқдир, деб билишлари ва ҳақиқий илм уларнинг ўз қалбларига шайтон ташлаётган ва бузуқ ақллари ўйлаб топган ҳамда қора қалблари васваса қилган нарсалар, деб этикод қилишларидир» («Ақидатус-салаф аҳлил-ҳадис»).

• Имом Шофийий раҳимахуллоҳ бидъатчи ва нафс-ҳаволарига эргашган кишилар ҳақидаги ҳукмини қуйидаги сўзлар билан ифодалади: «Менинг калом аҳллари ҳақидаги ҳукмим - уларни хурмо новдалари<sup>1</sup> билан савалаш ва туяларга миндирилиб қабила ва уруғлар ўртасида айлантириб: «Китоб ва суннатни ташлаб, каломга берилганларнинг жазоси шудир», деб айтилишидир» (Имом Бағавий: «Шарҳус-сунна»).

• Абу Муҳаммад ибн Масъуд ибн Фарроъ ал-Бағавий деди: «Саҳобалар, тобиинлар, тобиинларга эргашганлар ва суннат олимлари бидъатчиларга нисбатан душманлик ва уларни тарк қилиш этикодида ҳаётдан ўтдилар» (Имом Бағавий: «Шарҳус-сунна»).

• Имом Исмоил Собуний ўзининг бебаҳо китоби «Ақидатус-салаф асҳабил-ҳадис» номли китобида «аҳли суннат»нинг бидъатчиларни хорлаш ҳақидаги

---

<sup>1</sup> Аслида хурмонинг шоҳ ва новдалари бўлмайди. Унинг узун 1,5 метрли (шакли парранда патига ўхшаш) барглари бўлади, уларни майда баргларидан тозаланса, новда каби бўлиб қолади.

ижмоъларини нақл қилиб деди: «Китобимнинг бу бўлимида келтирилган жумлалар салаф ўртасида ҳеч ҳилофсиз қилган эътиқодлари, балки ижмоъларики, улар бидъатчиларни хорлаш, хўрлаш, шарманда қилиш, узоқлаштириш, улардан узоқ бўлиш ва уларни тарк қилиш билан Аллоҳ таолога яқин бўлишга иттифок қилдилар».



## ЎН БИРИНЧИ АСОС:

### «Аҳли суннат ва жамоат»нинг сулук ва ахлоқдаги йўли

Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодининг асосларидан бири - улар «ал-амру бил-маъруф» (яхшиликка буюриш) ва «ан-наҳий анил-мункар» (ёмонликдан қайтариш)<sup>1</sup> ишларини олиб борадилар ва Ислом умматининг яхшилиги амру маъруф ва наҳю мункар билан боқийдир, амру маъруф ва наҳий мункар Ислом динининг буюк анъаналаридан ҳамда Ислом жамоасини сақланиб қолиш сабабларидандир. У, инсон тоқатига қараб фарз бўлади ва бунда ундан келтирилган манфаат эътиборга олинади, деб иймон келтирадилар. Аллоҳ таоло деди: «(Эй уммат и Муҳаммад), сизлар одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сизлар яхши амалга буюрасиз, исён – гуноҳдан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз» (Оли Имрон: 110).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларнинг қайси бирингиз гуноҳ ишни кўрса уни кўли билан, қудрати етмаса тили билан, кодир бўлмаса қалби билан ўзгартирсин. Бу эса, (қалб билан ўзгартиш) энг заиф иймондир» (Имом Муслим ривояти).

---

<sup>1</sup> Мункар-гуноҳдан қайтаришнинг бир неча шартлари бор. Жумладан:

Гуноҳдан қайтармоқчи бўлган одам, қайтараётган нарсани билиши;

Савобли иш тарк қилиниб, гуноҳ қилинган эканини билиши;

Гуноҳни гуноҳ билан қайтармаслиги;

Бу гуноҳни қайтариши ундан кўра каттароқ гуноҳга олиб бормаслиги керак.

«Аҳли суннат ва жамоат» амру маъруф ва наҳий мункар қилишда мулойимлик, ҳикмат билан даъват ва чиройли мавъизаларни олдинга қўядилар. Аллоҳ таоло деди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Роббингизнинг йўлига – динига донолик – ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар (Сиз билан т алашиб-т орт ишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала – мунозара қилинг!» (Наҳл: 125).

«Аҳли суннат ва жамоат» яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш пайтида, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларида баён қилинганидек, халқдан келган озорларга сабр қилиш вожиб, деб биладилар. Аллоҳ таоло деди:

«Эй ўғилчам, намозни тўкис адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр қил! Албатта мана шу ишларнинг мақсадга мувофиқидир» (Луқмон: 17).

«Аҳли суннат ва жамоат» яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарар экан, шу вақтнинг ўзида, бошқа бир асос - жамоатни, бирликни ва яхлитликни сақлаш ва тарқоқликнинг олдини олишга риоя қилади.

«Аҳли суннат ва жамоат» ҳар бир мусулмон билан самимий ҳамда эзгулик ва тақво асосида ҳамкор бўладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дин - самимий бўлишлиқдир», дедилар. Саҳобалар: «Кимларга?», деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ, Унинг Китоби, Унинг расули ҳамда мусулмонларнинг бошлиқлари ва оммасига», деб жавоб бердилар» (Имом Муслим ривояти).

«Аҳли суннат ва жамоат» жума ва жамоат намозлари, ҳаж, жиҳод ва ийд (ҳайит байрам)ларни бидъат аҳлига хилоф ўлароқ амирлар билан, улар ҳоҳ солих ва ҳоҳ фожир бўлсинлар, бирга адо этишга риоя қиладилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» фарз намозларини аввалги вақтида жамоат билан адо этиш учун шошиладилар (чунки намозларнинг аввалги вақти охириги вақтидан кўра афзалроқдир) ва Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятларида баён қилинганидек, намозда хушуъ ва сокинлик билан туришга буюрадилар. Аллоҳ таоло деди: «Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида (кўркув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир» (Мўъминун: 1, 2).

«Аҳли суннат ва жамоат» бир-бирларига тунда намозга туришни (қиёмул-лайлни) тавсия қиладилар. Чунки Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни қиёмул-лайлга, Ўзига тоат ибодатда жидду-жаҳд қилишга буюрди.

«Оиша онамиздан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечасида намоз ўқишга турар, ҳатто оёқлари ёрилиб кетар эди. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо: «Ё Расулаллоҳ, сиз нега бундай қиласиз? Ахир Аллоҳ таоло сизнинг аввалги ва охириги гуноҳларингизни кечирган-ку!», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга шукр қилувчи банда бўлмайинми?!» – дедилар» (Имом Бухорий).

«Аҳли суннат ва жамоат» имтиҳон пайтларида сабот билан турадилар, бало-мусибат пайтида сабр, фаровонлик пайтида шукр қиладилар ва Аллоҳнинг қазосига рози бўладилар. Аллоҳ таоло деди: «Ҳеч шак-

шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилади» (Зумар: 10).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мукофотнинг каттаси балонинг каттаси билан бўлади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бир қавмни яхши кўрса, уларга бало юборади. Ким бу балога рози бўлса, унга розилик бордир. Ким ғазаб қилса, унга ғазаб бордир» (Албоний: «Саҳиҳу сунанит-Термизий»).

«Аҳли суннат ва жамоат» Аллоҳ таолодан балони умид қилмайдилар ва уни сўрамайдилар. Чунки балода сабот билан тура оладиларми ёки йўқми, билмайдилар. Аммо бало етса сабр қиладилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Душманга дуч келишни орзу қилманглар ва Аллоҳдан офият сўранглар! Агар душманга дуч келсангиз, сабр қилинглар!» (Муттафакун алайҳ).

«Аҳли суннат ва жамоат» қийинчилик пайтида Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмайдилар. Зеро Аллоҳ буни ҳаром қилган. Улар балолик кунларни тез кунда келадиган шодлик ва ғалабанинг умидида ўтказадилар. Чунки улар Аллоҳнинг ваъдасига ишонадилар ва ҳар бир қийинчилик ортидан енгиллик бор эканини биладилар. Улар бошларига тушган балоларнинг сабабини бошқаларда эмас, ўзларида излайдилар ҳамда: «Бу қийинчилик ва балолар ўз қўлимиз билан қилган нарсалар эвазига келди. Нусрат гоҳо гуноҳ ишларни қилиш ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишда сустлик қилиш сабабли кечикади», деб эътиқод қиладилар. Аллоҳ таоло деди: «(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас,

Ўз қўлларингиз қилган нарса – гуноҳ сабабли (ет ар)» (Шуро: 30).

«Аҳли суннат ва жамоат» қийинчилик ва динга ёрдам беришда ерда мавжуд бўлган сабаблар ва дунёвий тараққиётгагина суянмайдилар. Шу билан бирга улардан ғофил ҳам қолмайдилар. Аллоҳ таолонинг тақвоси, гуноҳларга истиғфор айтиш, Аллоҳ таолонинг Ўзигагина суяниш ва фаровонлик даврида шукр қилиш - машаққатдан сўнг тезда ғуссадан озод бўлишнинг муҳим сабабларидандир», деб қарайдилар.

«Аҳли суннат ва жамоат» неъматларга нонқўрлик қилишнинг ёмон оқибатларидан кўрқадилар. Шунинг учун ҳам, уларни бошқа одамлардан кўра берилган неъмат учун давомий суратда Аллоҳ таолога кўп шукроналар айтган ҳолда кўрасиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ўзингиздан паст бўлган кишига боқинг. Ўзингиздан юқоридаги кишига қараманг. Чунки бу Аллоҳнинг неъматини нописанд қилмаслигингизга муносибдир» (Албоний: «Саҳиҳу Сунанит-Термизий»).

«Аҳли суннат ва жамоат» гўзал хулқ ва яхши амаллар билан безанадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мўъминларнинг иймони комилроғи ахлоқи гўзалроғидир» (Албоний: «Саҳиҳу сунанит-Термизий»);

«Менга севимлироқ ва Қиёмат кунида менга яқинроқ ўтирадиганингиз хулқи гўзалроғингиздир» (Албоний: «Саҳиҳу Сунанит-Термизий»);

«Тарозига қўйилган нарсаларнинг энг оғири – гўзал хулқдир. Гўзал ахлоқли одам гўзал хулқи билан

кундузи нафл рўза тутган ва кечаси туриб намоз ўқиган кишининг мақомига етади» (Албоний: «Сахиҳу сунанит-Термизий»).

Қуйидагилар салаф солиҳ — «Аҳли суннат ва жамоат»нинг ахлоқларидан:

- Илм ҳамда амалдаги ихлос ва бунга риё кириб қолишидан қўрқиш. Аллоҳ таоло деди: «(Эй инсонлар), огоҳ бўлингизким, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир (яъни, Ёлғиз Аллоҳгина чин ихлос билан ибодат қилинишга лойиқ Зотдир)» (Зумар: 3).

- Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларни қилиб қўйишдан ўта эҳтиёт бўлиш, улар поймол этилганда ғажурлик кўрсатиш, Аллоҳнинг дини ва шариатига ёрдам бериш, мусулмонларнинг ҳурматларини сақлаш ва улар учун яхшиликларни ишташ. Аллоҳ таоло деди: «(Иш) шудир. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат (риоя) қилса, бас бу Роббиси наздида ўзи учун яхшидир» (Ҳаж: 30);

«(Иш) шудир. Ким Аллоҳ шиорларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлади» (Ҳаж: 32);

- Ич ва ташқарилари яхшиликда бир хил бўлиши учун мунофиқликни тарк қилишга ҳаракат қилиш, қанчалар кўп бўлмасин қилган амалларини оз санаш, доимо охират амалларини дунё амалларидан муқаддам қўйиш.

- Қалбларининг мулойимлиги, Аллоҳ таолонинг раҳм қилишини умид қилиб Аллоҳнинг ҳаққидаги суствликларига кўп йиғлаш, жанозани кўрганларида ёки ўлим, ўлим талвасаси ва ёмон хотимани эслаган-

ларида қалбларининг титраши, ибратланиш ва ўлимга ҳозирлик кўриш.

- Аллоҳ таолога яқинлик мақомлари ошган сайин камтарликнинг зиёда бўлиши.

- Аллоҳ таолога қилган ибодатларида хатоларга йўл қўйишлари мумкин эканини билганлари учун кўп тавба ва истиғфорлар айтиш, қилган амаллари билан кибрланмаслик, шухратни ёқтирмаслик, ёмонликлари у ёқда турсин, ҳатто қилган ўз ибодатларида ҳам камчилик бор деб қараш.

- Тақво тўғрисида жуда диққат-этиборли бўлиб, ўзини тақволи деб даъво қилмаслик ва Аллоҳ таолодан кўп кўрқиш.

- Аллоҳ таолодан ҳаётларини ёмон хотима билан тугатишидан қаттиқ кўрқиш, Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолмаслик, дунёнинг улар назарида хорлиги ва уни тарк этиш, ҳовли-жойларни эҳтиёжга яраша куриш ва уларни зийнатлашдан узоқ бўлиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳга қасамки, дунё охиратга нисбатан бирингиз мана шу бармоғини денгизга солгани мисолидир. Бас, қарасин, бармоғи нимани олиб чиқди экан?» (Имом Муслим ривояти).

- Ислом дини ва мусулмонлар ҳақида содир бўладиган хатоларга рози бўлмаслик, балки уни рад қилиш, агар у кечирилиши мумкин бўлган кимса бўлса, у учун узр излаш, мусулмон дўстларининг камчиликларини яшириш, тақво мақомида ўз нафсини қаттиқ тергаш, бирон кишининг айби фош бўлишини яхши кўрмаслик, одамларнинг айбларини қўйиб, ўз айб-

лари билан машғул бўлиш, сирларни сақлаш, бирон кишига у ҳақида эшитган нарсаларни етказмаслик, одамларга душманчилик қилишни тарк қилиш, уларга ёқишга ҳаракат қилиш, бирон кишининг ёмонлигига ёмонлик билан жавоб қайтармаслик ва бирон мусулмон кишига душманлик қилмаслик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатга «қаттот» -бўхтончи, (Имом Муслимнинг ривоятида эса «наммом» - чақимчи) кирмайди», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

• Йиғилишларида, гуноҳ мажлиси бўлиб қолмаслиги учун, ғийбат йўллари тўсадилар ва тилларини ундан сақлайдилар. Аллоҳ таоло деди: «Эй мўъминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки, айрим гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадими?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган ғийбатни ҳам ёмон кўрингиз)! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи Меҳрибондир» (Хужурот: 12).

• Ўта ҳаёли, одобли, виқорли, камгап, сокин ва кўп сукутли бўлиш, оз қулиш, сўраган одамга қулайлик бўлсин учун ҳикмат билан сўзлаш, дунёвий нарсаларга қувонмаслик, бу уларнинг ақллари комил бўлгани учундир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ ва охиратга иймон келтирган киши яхши сўзларни сўзласин ёки сукут сақласин!» (Муттафақун алайҳ);



«Сукут сақлаган киши нажот топибди» (Албоний: «Саҳиҳу сунанит-Термизий»).

• Молини олган ёки обрўсига теккан ёхуд урган ё шу кабилар билан озор берган кишиларни кечириб, афв этиш. Аллоҳ таоло деди: «(У тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хатокамчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади» (Оли Имрон: 134).

• Шайтонга қарши курашишдан ғафлатда қолмаслик, унинг макру тузоқларини билишга ҳаракат қилиш, таҳорат, намоз ва бошқа ибодатларда васвасалардан сақланиш. Чунки буларнинг барчаси шайтондандир.

• Эҳтиёждан ортиқча бўлган нарсалардан эртаю кеч махфий ва ошкора равишда садақалар бериш, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа нарсалардаги эҳтиёжларида ҳамдард бўлиш учун дўстларининг аҳволдан хабар олиш ва ўзлари эга бўлган ҳалол нарсаларда исроф қилмаслик.

• Бахилликни ёмон кўриш, саховат ва эҳсон кўлини очиш, молларни сарф этиш, сафарда ва муқимликда дўстларга ҳамдард бўлиш, (чунки бу билан мақсадлари - динга ёрдам бериш йўлида ҳамкорлик вужудга келади), дўстларга яхшилик қилишга бўлган муҳаббатларининг қаттиқлиги, бир-бирларига қувонч келтириш ва бунда ўзидан аввал дўстларни кўйиш.

• Меҳмонни икром қилиш, уларга ўзи хизмат қилиш. Улар меҳмонга таом бериб, унинг хизматини

қилиб ҳам яхши гумонлар сабаб унга муносиб хизмат кўрсатолмадик деб тушунадилар ва таомлари ҳаром бўлган, камбағаллар қолиб бойларни чақирилган ёки гуноҳ амаллар содир этиладиган зиёфатларга ижобат қилмайдилар.

- Катта у ёқда турсин, кичик билан, яқинни кўя тулинг, узоқ киши билан – олим билан-ку албатта – хатто жоҳил билан ҳам гўзал одобда бўлиш.

- Одамлар ўртасини ислоҳ қилиш. Бу - яхшилик йўлларининг энг самаралиси ва эзгулик чўққисидир. Чунки ўрталарнинг ислоҳи билан мусулмонларнинг ўрталарини бузиш ва адоватлар солиш учун ҳозирлаган шайтоннинг барча режалари пучга чиқади.

- Ҳасаддан қайтариш. Чунки ҳасад адоват, нафрат, иймоннинг заифлиги, дунё ва ундаги нарсаларни ношаръий мақсадда яхши кўришни пайдо қилади.

- Ота-онага итоат ва яхшилик қилишга буюриш. Аллоҳ таоло деди: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. (Яъни, ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир)» (Анкабут: 8).

- Чиройли қўшничилик, мулойим муомала, қариндошлик алоқаларини боғлаш, саломни ошкор бериш, фақир, мискин, етим ва мусофирларга меҳрибон бўлишга буюриш.

- Фахрланиш, кибрланиш, тажовузкорлик ва халқлар устида зўравонлик қилишдан қайтариш ҳамда барча нарсаларда адолатли бўлишга буюриш.

• Шариат рағбатлантирган барча фазилатли ишларни қилишда сустлик қилмаслик. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳеч бир яхшиликни, ҳатто дўстингга очиқ юз билан учрашни бўлсада ҳақир санама!» (Имом Муслим ривояти).

• Бадгумонлик, жосуслик ва мусулмонларнинг айбларини қидиришдан қайтариш. Чунки бу ишлар ижтимоий алоқалар ва дўстлар ўртасини бузади, ғасод уруғларини сочади. «Аҳли суннат ва жамоат» ўз нафслари учун (интиқом шаклида) ғазаб қилмайдилар. Чунки улар ғазабнинг нималигини тушунадилар. Аллоҳ таоло деди: «(У такводор зотлар) яхшиёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади» (Оли Имрон: 134).

«Аҳли суннат ва жамоат»нинг булардан бошқа пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва салламдан мерос қилиб олган кўп хулқлари бор<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» йўлига даъват этиш Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг мадрасасида таълим олган саҳобалар авлодига ўхшаш авлодларни вужудга келтиришни мақсад қилади. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва салламни: «Сиз буюк хулқ узрадирсиз», деб мақтади. Демак, мақсад салаф солиҳга этиқоддагина эмас (гарчи этиқод энг муҳим нарса бўлса-да), балки, диний ишларимизнинг барчасида мувофиқ келишимиздир. Чунки биз даъват этаётган салафлар йўли зехндаги қуруқ билимгина эмас, балки, уларнинг этиқод, тасаввур, сулук ва ахлоқдаги йўлларини ҳам ўз ичига олади. Афсуски, бизнинг асримизда бу нарсага таълим-тарбия нуктаи назаридан етарли аҳамият берилмаяпти. Бунинг аҳамиятини

---

билдириб пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен гўзал хулқларни камолига етказиш учун юборилдим», деган эдилар.

Салаф солиҳ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашдилар, у Зотнинг хулқи билан хулқланиб, амрларига итоат этдилар. Улар Аллоҳ таоло: «Сизлар одамлар учун чиқарилган яхши уммат бўлдингиз...», деб айтганидек эдилар. Агар биз савобларни, муваффақиятни ва нажотни истасак, каттаю-кичик нарсаларнинг ҳар бирида салаф солиҳ тутган йўлни тутишимиз керак. Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин!

**«Аҳли суннат ва жамоат»**  
имомларининг Расулulloҳ соллалллоҳу  
алайҳи ва салламга эргашиш ва бидъатдан  
қайтариш ҳақида айтган ўғитлари ва  
сўзлари:

1 — Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу деди: «Эй одамлар, илмни кўтарилишидан аввал олинглар! Илмнинг кўтарилиши олимларнинг кетиши (ўлими) билан бўлади. Бидъат, бидъатчилик ва қаттиққўлликдан узоқ бўлинглар! Эски (яъни, саҳобалар вақтидаги) ишингизни лозим тутингиз!» (Ибн Ваззоҳ: «ал-Бидаъ ван-наҳю анҳа»).

2 — Ҳузайфа ибн Яманий розияллоҳу анҳу деди: «Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари қилмаган бирон ибодатни қилманглар! Чунки, аввалги кейингига сўз қолдирмади. Эй қорилар, Аллоҳдан кўрқинглар, ўзингиздан аввал яшаб ўтган кишиларнинг йўлларидан кетинглар!» (Ибн Батта: «ал-Ибаана»).

3 — Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу деди: «Ким йўл изласа, ўзидан аввал яшаб ўтган кишиларнинг йўлларидан кетсин. Улар Муҳаммад соллалллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари, бу умматнинг яхшилари, қалблари соф, илмлари чуқур ва такаллуфлари ози эдилар. Аллоҳ таоло уларни пайғамбари Муҳаммад соллалллоҳу алайҳи ва салламга суҳбатдош бўлиш ва динини етказиш учун танлаб олган эди. Уларнинг ахлоқлари ва турмуш тарзларидан ўрнак олингиз! Улар тўғри йўлдаги кишилардир!» (Имом Бағавий: «Шарҳус-сунна»);

«(Саҳобаларга) эргашингиз ва бидъат ишларни қилмангиз, шунинг ўзи сизлар учун кифоядир. Ўзингиз учун эски, илгариги ишларни лозим тутингиз!» (Доримий: «Сунан»).

4 — Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо деди: «Одамлар модомики, суннатга эргашар эканлар, тўғри йўлдадирлар» (Имом Лолакаий: «Шарҳу усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»);

«Одамлар чиройли деб ҳисобласалар-да, барча бидъат залолатдир» (Имом Лолакаий: «Шарҳу усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

5 — Буюк саҳобалардан бири бўлмиш Абуд-Дардоъ розияллоҳу анҳу: «Суннатни ушласанг ҳаргиз адашмайсан!», деди (Ибн Батта: «ал-Ибаана»).

6 — Амирулмўъминийн Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳу деди: «Агар дин раъй билан бўлса эди, маҳсининг таги устидан кўра масҳ тортишга лойикрок бўлар эди. Лекин, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳсининг устига масҳ тортганини кўрдим» (Ибн Абу Шайба: «ал-Мусаннаф»).

7 — Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумо деди: «Бидъат пайдо бўлса, кун сайин ривожланиб боради. Суннат амалдан чиқарилса, кун сайин узоқлаша бошлайди» (Ибн Батта: «ал-Ибаана»).

8 — Аббос ибн Рабиъа розияллоҳу анҳу деди: «Мен Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг (Каъбадаги) Қора тошни ўпар экан: «Мен сенинг зарар ёки фойда бермайдиган тош эканингни яхши биламан. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сени ўпганларини кўрмаганимда эди, ўпмаган бўлар-

дим» деганларини эшитдим» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

9 — Одил халифа Умар ибн Абдулазиз розиялло-ху анху деди: «Сен қавм (саҳобалар) тўхтаган ерда тўхта! Чунки улар билиб тўхтадилар ва онгли равиш-да тийилдилар. Улар сизлар қилаётган бу бидъат-ларни кашф этишга қодирроқ ва бу нарсаларда яхши-лик бўлганда эди улар бу фазлга лойикроқ бўларди-лар. Агар сизлар: «Улардан кейин пайдо бўлган» де-сангиз, уни уларга муҳолиф бўлган ва уларнинг йўл-ларидан оғишган одамлар ўйлаб топганлар. Улар у нарсалардан беҳожат қиладиган кифоя сўзларни ай-тиб кетганлар. Улардан оширган киши қийналган хор-дир. Улардан камайтирган бепарво нуқсонлидир. Бир қавм уларникидан камайтирдилар бас, жафо қилди-лар, бошқа бир қавм улардан ошдилар, бас, ғулув кет-дилар. Саҳобалар эса бу иккисининг ўртаси «сиротул-мустакийм», тўғри йўлдадирлар» (Ибн Қудома: «Лумъатул-этиқодил-ҳодий ила сабилир-рашод»).

10 — Имом Авзой раҳимахуллоҳ деди: «Одамлар сиздан юз ўгирсалар-да, салаф йўлида бўлинг. Чирой-ли сўзлар билан безасалар-да, одамларнинг раъйла-ридан эҳтиёт бўлинг! Чунки сиз тўғри йўлда бўлар экансиз, ишнинг ўзи ойдин бўлади» (Хатиб Бағдодий: «Шарафу асхабил-ҳадис»).

11 — Айюб Сихтиёний раҳимахуллоҳ деди: «Бидъатчи ибодатида қанча тиришса, Аллоҳдан шун-ча узоқ бўлади» (Ибн Ваззоҳ: «ал-Бидаъ ван-Наҳю ан-ҳо»).

12 — Ҳассон ибн Атийя раҳимахуллоҳ деди: «Ки-шилар динларида қанча бидъат пайдо қилсалар, шун-

ча суннат улардан тортиб олинади» (Имом Лолакаий: «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

13 — Муҳаммад ибн Сийрийн раҳимахуллоҳ деди: «Салаф: «Модомики, киши суннат узра экан, тўғри йўлдадир», дер эдилар» (Имом Лолакаий: «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

14 — Суфён Саврий раҳимахуллоҳ деди: «Бидъат Иблисга гуноҳдан кўра севимлироқдир. Чунки гуноҳдан тавба қилинади, бидъатдан эса қилинмайди» (Имом Бағавий: «Шархус-сунна»).

15 — Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллоҳ деди: «Суянадиган нарсанг — суннат бўлсин. Раъйдан ҳадисни изоҳлашга кифоясинигина олгин!» (Имом Байҳақий: «Сунанул-Кубро»).

16 — Имом Шофиъий раҳимахуллоҳ деди: «Қайси масалада суннатга хилоф сўзлаган бўлсам, ҳаётимда ҳам ўлгандан кейин ҳам бундан қайтдим» (ал-Хатиб: «ал-Фақиҳ вал-мутафакқиҳ»).

Рабиъ ибн Сулаймон раҳимахуллоҳ деди: «Имом Шофиий кунларнинг бирида бир ҳадисни ривоят қилди. Уни эшитган кишилардан бири: «Эй Абу Абдуллоҳ, сиз бу ҳадисни оласизми?», деб савол берди. Имом Шофиий раҳимахуллоҳ: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ишончли (сахих) ҳадисни ривоят қилсаму, уни ўзим олмасам, сизларни ақлим кетганига гувоҳ қиламан!», — деб жавоб берди» (Ибн Батта: «ал—Ибаана»).

17 — Нух ал-Жомеъ деди: «Мен Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳга: «Одамлар янги пайдо қилган фаразлар



ва аърозлар ҳақидаги гапга нима дейсиз?», деб сўрасам, у зот: «У сўзлар «фалсафачилар»нинг сўзларидир. Сен суннат йўлида юр ва ҳар бир янги пайдо бўлган нарсадан узоқ бўл! Чунки, у – бидъатдир», деб жавоб бердилар» (ал-Хатиб: «ал-Фақиҳ вал-мутафаққиҳ»).

18 — Имом Молик ибн Анас раҳимаҳуллоҳ деди: «Суннат Нухнинг кемаси кабидир. Унга минган киши кутилади, ундан қолиб кетган киши ғарқ бўлади» (Суютий: «Мифтаҳул-жаннати фил-эътисом бис-суннати»);

«Агар «калом» («калом» - мантиқ фанини асос қилиб, ваҳийни ақлга мослаш учун ҳаракат қилган оқимдир) илм бўлса эди, саҳобалар ва тобиинлар ҳукмлар ҳақида сўз айтганларидек, бу ҳақда ҳам бирон нарса деган бўлар эдилар. Бироқ, калом илми ботилга далолат қиладиган ботилдан бошқа нарса эмасдир» (Имом Бағавий: «Шарҳус-сунна»).

Ибн Можишун раҳимаҳуллоҳ деди: «Мен Молик раҳимаҳуллоҳнинг: «Ислом динида бирон бир бидъатни пайдо қилиб, уни ҳасана-чиройли ҳисоблаган одам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарликка хиёнат қилган деб даъво қилибди. Чунки Аллоҳ таоло: «Бугун мен сизларга динингизни комил қилдим», деди. У кунда дин бўлмаган нарса бугун дин бўлмас», деганини эшитдим» (Имом Шотибий: «ал-Эътисом»).

19 — Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ деди: «Бизнинг наздимизда суннат асослари — Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари қилган нарсани маҳкам ушлаш, уларга эргашиш ва

бидъатларни тарк қилишдир. Ҳар бир бидъат залолатдир» (Лолакойи: «Шарҳу эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

20 — Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ: «Аввалги салаф солиҳларни кўрган одам бугун қайта тирилиб келса эди, Исломдан бирон нарсани танимаган бўлар эди», деди ва кўлини чаккасига кўйиб: «Фақатгина бу намозни танир» деб кўшиб кўйди. Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, салаф солиҳни кўрмаган, шу ёмон мункар ишларнинг ичида яшаб, бидъатчининг ўз бидъатига, дунёдорнинг ўз дунёсига чақираётганини кўрган, бироқ, Аллоҳ Ўзи уни бу нарсалардан сақлаган кишининг ҳоли бундай эмас. Унинг қалби ўша салаф солиҳга интила бошлади, уларнинг йўли ҳақида сўрар, катта ажрга эга бўлиш учун уларнинг изларидан борар ва йўлларига эргашар эди. Сизлар ҳам, иншааллоҳ, ана шундай бўлинглар», деди» (Ибн Ваззоҳ: «ал-Бидъа ван-наҳю анҳо»).

21 — Олими боамал Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳнинг сўзи нақадар чиройлики, дедилар: «Ҳидоят йўлларига эргаш. Бу йўлга юрганларнинг камлиги сенга зарар қилмайди. Залолат йўлларидан сақлан! Ҳалокатга учровчиларнинг кўплигига алданма!».

22 — Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумо бир масалага жавоб берганида бир киши: «Сизнинг отангиз бундан ман қилган эди-ку!», деди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумо: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг амрлари эргашишга лойикроқми ёки отамникими?», деди. (Ибн Қоййим Жавзийй: «Зодул-Маод»).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумо бидъат-

ларни инкор этишда, суннатга эргашишда саҳобаларнинг қаттиқ турадиганларидан эди. У акса урган бир кишининг: «Алҳамду лиллаҳ, вас-солату вас-саламу ала расулиллаҳ» (Аллоҳга ҳамдлар, расулуллоҳга салавот ва саломлар бўлсин) деб айтганини эшитди ва унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бундай ўргатмаган эдилар. Балки, «Сизлардан бирингиз акса урса «Алҳамду лиллаҳ» десин», дедилар. «Алҳамду лиллаҳ вас-солату вас-саламу ала расулиллаҳ» деб айтмадилар», деди (Имом Термизий: «ас-Сунан»).

23 — Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ алайҳи ва салламнинг суннатларига Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумоларнинг сўзлари билан эътироз билдирган кишига: «Сизларнинг бошларингизга тез кунда осмондан тош ёғилмаса деб кўрқаман. Мен сизларга: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар» десаму, сизлар: «Абу Бакр ва Умар айтди» дейсизлар-а!», деди (Абдурраззоқ: «ал-Мусаннаф»).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо «аҳли суннат»ни сифатлаб айтган мана бу гап нақадар ҳақ: «Аҳли суннатдан бўлган кишига бир назар ташлашнинг ўзи, суннатга даъват этиб, бидъатдан қайтаради» (Лолакой: «Шарҳу усули этиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

24 — Суфён Саврий раҳимахуллоҳ деди: «Машриқдаги бир кишининг суннат соҳиби эканининг хабари етса, унга салом йўлла. Чунки суннат аҳли оз қолди» (Лолакой: «Шарҳу усули этиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

25 — Айюб Сихтиёний раҳимахуллоҳ деди: «Суннат аҳлидан бўлган бир кишининг вафот этганлигини эшитсам, гўё бирон аъзойимни йўқотгандек бўламан» (Лолакой: «Шарху усули этиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

26 — Жаъфар ибн Муҳаммад раҳимахуллоҳ деди: «Мен Қутайба раҳимахуллоҳнинг қуйидаги сўзларни айтганларини эшитдим: «Агар Яхё ибн Саид, Абдуррахмон ибн Маҳдий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ - ва кўплаб кишиларнинг исмларини тилга олди - каби ҳадис аҳлини яхши кўрган кишини кўрсанг, билгинки, у суннат йўлидадир. Ким уларга мухолиф бўлса, билгинки, у бидъатчидир» (Лолакой: «Шарху усули этиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

27 — Иброҳим Нахайй раҳимахуллоҳ деди: «Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари тирноқларига масҳ тортганларида эди, уларга эргашишдаги фазлга эришиш учун тирноқларимни ювмас эдим» (Абу Довуд: «Сунан»).

28 — Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллоҳ деди: «Эй дўстим, билингни, ушбу кунда суннатга амал қилиб Аллоҳга учраган ҳар бир мусулмон учун ўлим кароматдир. «Иннаа лиллаҳи ва иннаа илайҳи рожиуун» (Биз Аллоҳ учун (бандамиз) ва Унгагина қайтувчимиз). Аллоҳ таолога ёлғизлигимиз, ёрдамчиларнинг озлиги, дўстларнинг кетиши (ўлими), бидъатларнинг ёйилишидан, бу умматнинг бошига келган олимлар ва «аҳли суннат»нинг ўлимлари ва бидъатларнинг пайдо бўлишидан арзимизни айтамыз» (Ибн Ваззоҳ: «ал-Бидаъ ван-наҳю анҳо»).

29 — Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ деди: «Аллоҳ таолонинг бандалари бор-ки, Аллоҳ таоло улар билан диёрлар (ўлкалар)ни жонлантиради. Улар суннат соҳиблари — «аҳли суннат»дир» (Лолақоий: «Шарҳу усули этиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати»).

30 — Имом Шофий раҳимахуллоҳнинг аҳли суннатни сифатлаб айтган ушбу сўзлари нақадар гўзалдир: «Ҳадис аҳлидан бирини кўрсам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бирини кўргандек бўламан» (ал-Хатиб: «Шарафу асҳабил-ҳадис»).

31 — Имом Молик раҳимахуллоҳ биз юқорида эслатиб ўтган имомларнинг сўзларини хулосалайдиган бир буюк қондани кўйдилар: «Ушбу умматнинг охири аввали ислоҳ бўлган нарса билан ислоҳ бўлади. У кунда дин бўлмаган нарса бугун дин бўлмас» (Қози Иёз: «аш-Шифа»: 2/ 88).

Мана шулар «аҳли суннат ва жамоат» - салаф солиҳ имомларидан баъзисининг сўзларидир. Улар бандаларнинг холисроғи, ўз умматига хайрихоҳи ва умматнинг ҳидоят салоҳи нима билан бўлишини билувчироғидир. Улар Аллоҳ таоло ва Расулининг суннатини маҳкам ушлашни тавсия этадилар. Янги пайдо қилинган амаллар – бидъатлардан огоҳлантирадилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганидек халос бўлиш ва нажот йўли у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннати ва йўлини маҳкам тутиш эканидан хабар берадилар.

## Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодига даъват этишнинг шарт ва қоидалари

Эй мусулмон дўстим, билингки, салаф солиҳ эътиқодига учта шарт билан даъват қилинади:

1 — соғлом тўғри эътиқод.

Яъни, «рубубият», «улуҳият», «исм ва сифатлар» тавҳиди ва эътиқоднинг бошқа қирралари ҳақида салаф солиҳ эътиқодида бўлиш.

2 — соғлом тўғри дастур.

Яъни, салаф солиҳ қўйган усул ва қоидалар асосида Қуръон ва суннатни тушуниш.

3 — соғлом тўғри амал.

Яъни бидъат ишларни қилмаслик, балки, амал хоҳ эътиқодий, хоҳ амалий ва хоҳ лафзий бўлсин, Аллоҳ учун холис ва шариатга мувофиқ бўлиши.

Аллоҳ таолонинг йўлига даъват этиш энг шарафли ишлардан ва буюк ибодатлардан, пайғамбарлар ва Аллоҳнинг хос ва соф бандаларининг асосий вазифаларидан. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деди: «(Одамларни) Аллоҳ(нинг дини)га даъват қилган ва ўзи ҳам яхши амал қилиб, "шак-шубҳасиз, мен мусулмонлардандирман", деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга даъватни қандай етказишимиз кераклиги ҳақида таълим бердилар ва у зотнинг ҳаётида бунинг учун етарли дарслар бор.

Салаф солиҳ этиқодига даъват этувчи кишилар ўз даъватларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват услубларига эргашишлари керак. Шубҳасиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват йўлида Аллоҳ таолога даъват қилиш услубида очиқ баёнлар борки, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлига ва сийратига муҳолиф бўлган ва одамлар ўйлаб топган йўллардан беҳожат қилади.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таолонинг йўлига даъват этувчи кишилар салаф солиҳ каби замон ва маконни риоя қилиб даъват этишлари керак.

Бу тўғри тушунчадан келиб чиқиб, мен, даъватчилар учун баъзи қоида ва асосларни эслатиб ўтишга ҳаракат қилдим. Шояд бу сабабли даъват кўзланган соғлом тарзда бўлса.

## Даъватчининг асос ва қоидалари

1 — Билингки, Аллоҳ таолонинг йўлига даъват этиш дунё ва охиратдаги нажот йўлларида биридир. Аллоҳ таоло сиз сабабли бир кишини ҳидоят қилиши, сизга қизил туяларни берилганидан кўра яхшироқдир. Даъват қилиниши билан савоб ёзилади, унга даъватни ижобат қилиниши шарт эмас. Даъватчидан Исломга нусрат (ғалаба)ни рўёбга чиқариши талаб қилинмаган, у Аллоҳ таолонинг ишидир. Бироқ даъватчидан бу йўлда ўз кучларини сарф этиши талаб қилинган.

Даъватчи тайёргарлик кўриши шарт, нусрат эса Аллоҳ таоло тарафидан ваъдадир. Даъват - жиҳод турларидан бири бўлиб, мақсад ва натижаларида у билан муштаракдир.

2 — «Аҳли суннат ва жамоат» йўли деб шаклланган, мўътадиллиги ва умумийлиги, меъёрдан ортиқ ва кам эмаслиги билан машҳур бўлган салаф йўлини чуқур ўзлаштириш.

Қуръон ва Саҳиҳ суннатни лозим тутган шаръий илм билан ҳаракатни бошлаш. Бундай шаръий илм Аллоҳ таолонинг фазли билан тойилишдан сақловчи ва пайғамбарлар йўлидан юришни қасд қилган киши учун нурдир.

3 — «Бирлашишнинг асоси — тавҳиддир» шиори остида мусулмонлар жамоатини вужудга келтириш ва бирлашишга ҳарис бўлиш ҳамда бугунги кундаги мусулмонларни бирлаштириш ўрнига парчалаб ташлаётган гуруҳбозликдан узоқ бўлиш.

Аллоҳ йўлига даъват этиш учун ҳаракат қилаёт-



ган ҳар бир жамоатни мусулмонларнинг жамоати деб эмас, балки, мусулмонлардан бир жамоа деб тушуниш.

4 — Муҳаббат шахсларга эмас, динга бўлиши. Ҳақ боқийдир, шахслар эса фонийдир. Ҳақни бил, аҳлини танийсан!

5 — Ҳамкорлик ва унга олиб борадиган барча нарсага даъват этиш, ихтилоф ва унга олиб борадиган барча нарсалардан узоқ бўлиш. Иттифоқ қилган нарсаларимизда бир-биримизга ёрдам беришимиз ва ихтилоф қилган нарсаларимизда ўзаро нафрат қилмай, бир-биримизга насиҳат қилишимиз.

Исломий жамоатлар ўртасидаги асос — ҳамкорлик ва бирликдир. Бунинг имкони бўлмаса бир-бирини қўллаб қувватлаш, бунинг имкони бўлмаса бирга яшаш, бунинг ҳам имкони бўлмаса ҳалокатдир.

6 — Шахснинг ўзи мансуб бўлган жамоага таассуб қилмаслиги, модомики, шариатга мувофиқ, меъёрдан ортиқ ёки кам бўлмас экан, бошқаларнинг яхши ҳаракатларини мамнуният билан қабул қилиш.

7 — Шариатнинг усул эмас, фуруот яъни, шоҳоб - чаларидаги ихтилофлар жанжал ва урушларни эмас, балки, насиҳат ва суҳбатлашишни тақозо қилади.

8 — Ҳар бир киши ўз-ўзини танқид қилиши ва хатоларини тўғрилаши.

9 — Ихтилоф одобларини ўрганиш ва суҳбат асосларини чуқурроқ билиш ҳамда у иккисининг аҳамиятига иқрор бўлиш ва унинг воситаларига эга бўлишнинг зарурлиги.

10 — Ҳукми умумий чиқаришдан узоқ бўлиш ва

унинг офатларидан эҳтиёт бўлиш, шахсларга ҳукм қилишда адолат қилиш, шаклга эмас мазмунга қараб ҳукм қилиш инсофдандир.

11 — Ғоя билан воситалар ўртасини ажратиш. Масалан: даъват ғоядир, ҳаракат, жамоат ва бошқа нарсалар эса воситалардир.

12 — Ғояларда сабот билан туриш ва шариат руҳсат беришига қараб воситаларни қўллашда юмшоқ бўлиш.

13 — Аҳамият масаласига риоя қилиш яъни, ишларни аҳамиятига қараб тартиблаш. Агар бирон фаръий ёки жузъий масала бажарилиши керак бўлса, у ўз ўрни, вақти ва муносиб шароитида бўлиши керак.

14 — Даъватчилар ўртасида тажриба алмашиш ҳам муҳим ишлардандир. Ўтганларнинг тажрибасига асосланиш керак. Даъватчи ўз ҳаракатини бўш ердан бошламайди. Чунки у Ислом динига хизмат қилиш учун чиққан биринчи ва ё охириги киши эмас. Дунёда насихат ва иршод (йўллаш)дан беҳожат бўлган ёки тўғрилиқнинг барчасини ўзида жам қилган бирон киши йўқдир. Ва акси ҳам.

15 — Умматнинг суннатга амали ва соғлом эътиқоди билан танилган олимларини ҳурмат қилиш, уларнинг обрўларини тўкмаслик, улардан илмларини олиш ва уларнинг ниятлари ҳақида шубҳаларни айтмаслик. Шу билан бирга улар учун таассуб қилишдан сақланиш керак. Чунки ҳар бир олим тўғри ва хато қилиши мумкин. Модомики у мужтаҳид бўлар экан, қилган хатоси ўзига, лекин унинг ҳурмати ва фазли сақланиб қолади.

16 — Мусулмонлар ҳақида яхши гумон қилиш, уларнинг сўзларини яхши томонга буриш ҳамда уларнинг айбларини бошқалардан яшириб ўзларига айтишдан бепарво бўлмаслик.

17 — Яхшиликлари кўп бўлган одамни ёмонликларини фойдаси бўлсагина тилга олиш. Ёмонликлари кўп бўлган одамнинг яхшиликларини, омма халқ чалғимаслиги учун гапирмаслик.

18 — Шаръий лафзларни аниқ ва нозик бўлгани учун ўзгартмай истеъмол қилиш ҳамда ёт ва мужмал лафзлардан сақланиш. Масалан: «демократия» эмас, «шуро» каби.

19 — Фикҳий мазҳаблар ҳақида тўғри тушунчада бўлиш. Улар бизнинг катта фикҳий бойлигимиз бўлиб, уларни ўрганамиз, улардан фойдаланамиз ва уларга тарафкашлик қилмаймиз. Биз уларни бутунлай рад этмаймиз ва заиф ҳукмларидан сақланамиз. Улардан Қуръон ва суннат нури остида ҳамда салаф солиҳ тушунчаси билан ҳақ ва тўғриси оламиз.

20 — Ғарб ва унинг маданиятига нисбатан тўғри йўналишни белгилаш. Яъни уларнинг тажрибий фанларидан улуғ динимизнинг асос ва қоидаларига бинонан фойдаланамиз.

21 — Шуро (маслаҳат)нинг даъватдаги аҳамиятига иқрор бўлиш ва даъватчининг маслаҳатлашиш илмини ўрганиши.

22 — Чиройли намуна. Даъватчи ўз даъватининг ойнаси ва ундан дарак берувчи намунадир.

23 — Ҳикмат ва яхши мавъиза йўлидан бориш

хамда Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларини даъват учун мезон ва ҳикмат қилиб олиш. Аллоҳ таоло деди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Роббингизнинг йўлига – динига донолик-ҳикмат ва чиройли панд-насихат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг!» (Наҳл: 125).

24 — Сабр билан безаниш. Чунки сабр пайғамбарларнинг сифатлари ва даъватларининг муваффақияти асосидир.

25 — Қаттиққўлликдан узоқ бўлиш, унинг офатлари ва салбий натижаларидан эҳтиёт бўлиш. Шариат рухсат берган доираларда мулойимлик ва енгиллатиш билан ҳаракат қилиш.

26 — Мусулмон ҳақни излайди. Ҳақ учун жасур бўлиш - даъватдаги зарурий ишлардандир. Агар сиз ҳақни айтишдан ожиз бўлсангиз, ҳеч бўлмаса ботил сўзларни айтманг!

27 — Ялқовлик ва унинг салбий натижаларидан сақланиш ҳамда унинг сабаблари ва даволаш йўллари-ни ўрганиш.

28 — Миш-миш ва сирларнинг ёйилиши ҳамда унинг исломий жамиятда келтириб чиқарадиган ёмон оқибатларидан эҳтиёт бўлиш.

29 — Афзаллик ўлчови - тақво ва солиҳ амал бўлиб, ватанпарастлик, уруғчилик, гуруҳ ва жамоат учун таассуб қилиш каби жоҳилий тарафкашликлардан узоқ бўлиш.

30 — Даъватдаги энг афзал йўл – шубҳаларни ба-

ён қилиб, раддия бериш эмас, балки, Ислом ҳақиқати ва йўллари тақдим этишдир. Одамларга ҳақ тарозисини бериб, уларни дин асосларига даъват этиш ва ақлларига яраша сўзлаш, ҳидоятланишларига васила учун қалбларига борадиган йўллари билиш.

31 — Даъватчилар ва исломий ҳаракатларнинг давомий суратда Аллоҳ таолога боғланишлари, ўз кучларини сарф этиб, Аллоҳ таолодан ёрдам сўрашлари. Ҳақиқий етакчи Аллоҳ таоло экани, даъват йўналишини бошқа- раётган ҳам, даъватчиларни тўғри йўлга солаётган ҳам Аллоҳ таоло эканига, хуллас, дин ва барча ишларнинг Аллоҳ таологагина хос эканига қатъий ишониш.

Ушбу қоида ва фойдалар кўплаб олим ва даъватчилар тажрибасининг мевасидир. Шунинг учун тутишимиз керакки, агар Аллоҳ йўлига даъват этаётган кишилар бу қоидаларни яхши тушунсалар эди, даъват ҳаракати учун кўп яхшиликлар бўлар эди.

Барча даъватчилар шунинг билсинларки, даъватларининг муваффақияти Аллоҳ таологагина боғланиш, унга барча ишларни топшириб таваккул қилиш, ниятни холис қилиб нафс-хаводан кутилишдадир.

## Салаф солиҳ эътиқоди ҳақидаги китоблар

«Аҳли суннат ва жамоат» ичидан етишиб чиққан алломалар салаф солиҳ эътиқоди ҳақида кўплаб китоблар ёздилар. Улар бу эътиқод асосларини кўрсатиб берар эканлар, далилларни Қуръон Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан олдилар. Улар бидъатчиларга раддия бериб, уларнинг ишларини очиб ташладилар. Ботилга ҳақ, жаҳолатга илм ва бидъатга суннат билан рўбарў туриб курашдилар. Бидъатчиларни қуролсизлантириб, ҳақни намоён этиб, ботилни йўқ қилдилар. Улар бу ишларни дин учунгина қилдилар.

Ушбу «ал-Важиз»ни таълиф этиш мобайнида истифода этганим баъзи китобларнинг номларини келтиришим фойдадан холи бўлмаса керак. Токи сиз ўз эътиқодингизни қаердан олганингизни билинг ва ақидангиз асл эканини, кейинги даврларда кириб қолган хурофотлар эса, саҳоба, тобиин ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар каби солиҳ аждодларимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қабул қилиб олишган эътиқодга бегона эканини билиб олинг.

Салаф солиҳ эътиқоди ҳақида Ислом умматининг алломалари кўплаб китоблар ёздилар. Қуйида номлари келтирилган китоблар, уларнинг баъзиларидир, холос.

1. «Китабус-сунна», Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳ, 241- ҳижрий йили вафот этган.

2. «Китабус-сунна», Абдуллоҳ ибн Имом Аҳмад

раҳимаҳуллоҳ, 290- ҳижрий йили вафот этган.

3. «Китабус-сунна», Абу Бакр Аҳмад ибн Язид Халлол раҳимаҳуллоҳ, 211- ҳижрий йили вафот этган.

4. «Китабус-сунна», Ҳофиз Абу Бакр Осим раҳимаҳуллоҳ, 287- ҳижрий йили вафот этган.

5. «Китабус-сунна», Муҳаммад ибн Наср Марвазий раҳимаҳуллоҳ, 294- ҳижрий йили вафот этган.

6. «Шарҳус-сунна», Имом Ҳасан ибн Алий Барбаҳорий раҳимаҳуллоҳ, 329- ҳижрий йили вафот этган.

7. «Шарҳус-сунна», Имом Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий раҳимаҳуллоҳ, 436- ҳижрий йили вафот этган.

8. «аш—Шариат», Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳусайн Ожуррий раҳимаҳуллоҳ, 360- ҳижрий йили вафот этган.

9. «Китабу аслис-суннати вад-дийни», Имом Абу Ҳотим Розий раҳимаҳуллоҳ, 327- ҳижрий йили вафот этган.

10. «Сарихус-сунна», Имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий раҳимаҳуллоҳ, 310- ҳижрий йили вафот этган.

11. «Шарҳу мазаҳиби аҳлис-суннати ва маърифату шароиъид-дийни ват-тамассуку бис-сунани», Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Шоҳин раҳимаҳуллоҳ, 279- ҳижрий йили вафот этган.

12. «Усулус-сунна», Имом Ибн Абу Заманайн Андалусий раҳимаҳуллоҳ, 399- ҳижрий йили вафот этган.

13. «Китабун-нузул», «Китабус-сифаат», «Кита-

бур-рўъяти», Имом Ҳофиз Алий ибн Умар Дора Қутний раҳимахуллоҳ, 385- ҳижрий йили вафот этган.

14. «Китабут-тавҳид ва исбату сифаатир-Робби азза ва жалла», Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма раҳимахуллоҳ, 311- ҳижрий йили вафот этган.

15. «Муқаддимату Ибн Аби Зайд ал-Қайруваний фил-ақийда», Абдуллоҳ ибн Зайд Қайруваний раҳимахуллоҳ, 386- ҳижрий йили вафот этган.

16. «ал-Ибаана ан шариатил-фирқатин-ножияти ва мужанабатил-фирақил-мазмума-ти», Имом Абу Абдуллоҳ ибн Батта Акбарий Ҳанбалий раҳимахуллоҳ, 387- ҳижрий йили вафот этган.

17. «Эътиқоду аҳлил-Ҳадис», Имом Абу Бакр Исмоилий раҳимахуллоҳ, 371- ҳижрий йили вафот этган.

18 «ал-Ибаана ан усулид-дияна», «Рисала ила аҳлис-суғур», «Мақалаатул исламиййин», Имом Абул Ҳасан Ашъарий раҳимахуллоҳ, 320- ҳижрий йили вафот этган.

19. «Ақидатус-салаф аҳлил-ҳадис», Имом Абу Усмон Исмоил ибн Абдурраҳмон Собуний раҳимахуллоҳ, 449- ҳижрий йили вафот этган.

20. «ал-Мухтор фий усулис-сунна», Имом Абу Алий Ҳасан ибн Аҳмад ал-Банно Ҳанбалий Бағдодий раҳимахуллоҳ, 471- ҳижрий йили вафот этган.

21. «Шарху усули эътиқоди аҳлис-суннати вал-жамоати», Имом Абул-Қосим Ҳибатуллоҳ ибн Ҳасан ибн Мансур Табарий Лолакоий раҳимахуллоҳ, 418- ҳижрий йили вафот этган.



22. «Китабул-арбаъийн фи далаилит-Тавҳид», Абу Исмоил Ҳаравий раҳимахуллох, 481- ҳижрий йили вафот этган.

23. «Китабул-азамати», Шайх Исфаҳоний раҳимахуллох, 369- ҳижрий йили вафот этган.

24. «ал-Эътиқод вал-Ҳидая», Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий раҳимахуллох, 458- ҳижрий йили вафот этган.

25. «ал-Ҳужжату фий баянил-маҳажжати ва шарху ақидати аҳлис-суннати», Абул Қосим Исмоил ибн Муҳаммад Тамимий Исфаҳоний раҳимахуллох, 535- ҳижрий йили вафот этган.

26. «ал-Ақидатут-Таҳовийя», Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салаама Абу Жаъфар Таҳовий Аздий Ҳанафий, раҳимахуллох, 321- ҳижрий йили вафот этган.

27. «Лумъатул-эътиқодил-ҳодий ила сабилир-рошаад», Имом Муваффиқуддин Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Қудома Макдисий раҳимахуллох, 620- ҳижрий йили вафот этган.

28. «ан-Насихату фий сифаатир-Робби жалла ва ала», Имом Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Юсуф Жувайний раҳимахуллох, 438- ҳижрий йили вафот этган.

29. «Китабут-тавҳид ва маърифати асмааиллаҳи ва сифаатиҳи», Имом Абу Абдуллох ибн Исҳоқ ибн Манда раҳимахуллох, 395- ҳижрий йили вафот этган.

30. «Китабут-тавҳид», Имом Абу Абдуллох ибн Исмоил Бухорий раҳимахуллох, 265- ҳижрий йили вафот этган.

31. «Китабул-ийман», Имом Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом раҳимахуллоҳ, 224- ҳижрий йили вафот этган.

32. «Китабул-ийман», Ҳофиз Муҳаммад ибн Яҳё ибн Умар Аданий раҳимахуллоҳ, 243- ҳижрий йили вафот этган.

33. «Китабул-ийман», Ҳофиз Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба раҳимахуллоҳ, 235- ҳижрий йили вафот этган.

34. «Китабул-ийман», Ҳофиз Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда раҳимахуллоҳ, 395- ҳижрий йили вафот этган.

35. «Шуабул-иймон», Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Ҳалимий Бухорий раҳимахуллоҳ, 403- ҳижрий йили вафот этган.

36. «Масаилул-ийман», Қози Абу Яъло раҳимахуллоҳ, 458- ҳижрий йили вафот этган.

37. «ар-Радду алал-жаҳмийя», Имом Усмон ибн Саид Доримий раҳимахуллоҳ, 280- ҳижрий йили вафот этган.

38. «ар-Радду алал-жаҳмийяти ваз-Занадиқати», Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимахуллоҳ, 241- ҳижрий йили вафот этган.

39. «ар—Радду ала ман анкарал-ҳарфа вас-совт», Имом, Ҳофиз Абу Наср Убайдуллоҳ ибн Саъд Сижзий раҳимахуллоҳ, 444- ҳижрий йили вафот этган.

40. «ал-Ихтилафу фил-лафзи вар-радду алал-жаҳмийяти вал-мушаббихати», Имом Абу Муҳаммад Аб-

дуллоҳ ибн Муслим ибн Қутайба Дейнаврий раҳимахуллоҳ, 276- ҳижрий йили вафот этган.

41. «Халку афъолил-ибади вар-радду алал-жаҳмийяти ва асҳабит-таътили», Имом Бухорий раҳимахуллоҳ, 256- ҳижрий йили вафот этган.

42. «Масъалатул-улуwви ван-нузули фил-ҳадиси», Ҳофиз, «ибн Қайсароний» номи билан машҳур бўлган Абул Фазл Муҳаммад ибн Тохир Мақдисий раҳимахуллоҳ, 507- ҳижрий йили вафот этган.

43. «ал-Улуwву лил-Алиййил-Азим ва ийзаҳу Саҳихил ахбар мин сақиймиҳа», «ал-Арбаъийн фий сифаати Роббил-оламийн», Имом Заҳабий раҳимахуллоҳ, 748- ҳижрий йили вафот этган.

44. «Китабул-Арш ва ма рувия фихи», Ҳофиз Муҳаммад ибн Усмон ибн Аби Шайба Абсий раҳимахуллоҳ, 297- ҳижрий йили вафот этган.

45. «Исбату сифаатил-улуwв», Имом Муваффиқуддин ибн Қудома Мақдисий раҳимахуллоҳ, 620- ҳижрий йили вафот этган.

46. «Ақовилус-сиқот фий таъвилил-асмааи вас-сифаат» Имом Зайнуддин ибн Юсуф ал-Карамий ал-Мақдисий Ҳанбалий, 1033- ҳижрий йили вафот этган.

47. «ат-Тасдику бин-назари илаллоҳ фил-охирати», Имом Абу Бакр Ожуррий раҳимахуллоҳ, 360-ҳижрий йили вафот этган.

48. «ал-Эътиқодул-холису минаш-шакки вал-интиқоди», Имом Алоуддин Аттор раҳимахуллоҳ, 724-ҳижрий йили вафот этган.

49. «ал-Уюну вал-асару фий ақоиди аҳлил-асар», Имом Абдулбоқий Мавоҳилий Ҳанбалий раҳимахуллох, 1071- ҳижрий йили вафот этган.

50. «ат-Тухаф фий мазахибис-салаф», Имом Муҳаммад ибн Алий Шавконий раҳимахуллох, 1250-ҳижрий йили вафот этган.

51. «Қатфус-самар фий баяни ақидати аҳлил-асар», «ад-Динул-халис», Муҳаммад Сиддиқ Хон Қаннужий раҳимахуллох, 1307- ҳижрий йили вафот этган.

52. «Лавамиул-анварил-бахийя ва саватиул-асро-рил-асарийя», «Лавамиул-анварис-суннийя ва лавакхул-афқарис-суннийя шарҳу қасидати ибн Аби Давуд ал-Ҳойя», аллома Муҳаммад ибн Аҳмад Саффориний раҳимахуллох, 1188- ҳижрий йили вафот этган.

53. «Ғажридут-тавҳидил-муфийд», Имом Аҳмад ибн Алий ал-Микрийзий раҳимахуллох, 845- ҳижрий йили вафот этган.

54. «ал-Баъс ван-нушур», «Исбату азабил-Қабри», Имом Байҳақий раҳимахуллох, 458- ҳижрий йили вафот этган.

55. Эътиқод илми ҳақида энг кўп асарлар ёзган биринчи пешқадам олим Ибн Таймийя раҳимахуллох-дир (728- ҳижрий йили вафот этган). У бу илмни тартибга солди ва унинг қоидалари ҳамда йўлларини кўрсатиб берди. Унинг баъзи китоблари:

«Минҳаажус-суннатин-набавийя», «Даръу таорузил-ақли ван-нақли», «Буғятул-муртаад фир-радди алал-мутафалсифати ва аҳлил-илҳаад», «Иқтизоус-сиротил-мустақийм ли мухолафати асхабил-жаҳийм»,

«ас-Соримул-маслул ала шаатимир-расул», «Китабул-ийман», «ар-Рисалатут-Тадмурийя», «Қоида-тун жалла фит-тавассули вал-васила», «ар-Радду алал-мантиқийин», «ал-Ақидатул-Воситийя», «ал-Ақидатул-Ҳамавийя», «ар-Рисалатут-тисъинийя», «Баяну талбисил-жаҳмийя», «ан-Нубувваат», «Шархул-ақида-тил-Исфаҳанийя», «Шарху ҳадисин-нузул».

Ўттиз етти жилдли ва тақрибан 12 жилдида этикод ҳақида сўз юритилган «Мажмуъул-Фатаава» китоби.

56. Этиқод ҳақида асарлар ёзган пешқадамларнинг иккинчиси, раббоний олим, биринчи пешқадамнинг шогирди, адашган фирқаларга раддия беришда ўзининг кўп кучини сарф этган аллома ибн Қоййим ал-Жавзийя раҳимахуллоҳдир. У 752- ҳижрий йили вафот этган. Унинг асарларидан баъзилари қуйидагилардир:

«ас-Соваиқул-мурсала алал-жаҳмийяти вал-муъаттила», «Ижтимаъул-жуюшил-исламийя ала ғазвил-муъаттиллати вал-жаҳмийя», «ал-Қасидатун-нунийя», «Шифаул-алийл фий масоил-қазои вал-қадари вал-ҳикмати ват-таътили», «Тариқул-ҳижратайн ва бабуссаъа- датайн». Ва бошқа бебаҳо китоблари...

Биз эслатиб ўтган бу китобларнинг барчаси, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, нашр қилинган. Биз бошқа кўплаб китобларнинг номларини зикр этмадик. Зеро, уларнинг баъзилари нашр қилинган ва баъзилари қўл-ёзма ҳолида турибди.

## ХОТИМА

Биз айтиб ўтган эътиқод — Ислом умматининг дастлабки гуруҳи яшаб ўтган эътиқод бўлиб, у тўғри, соф, Қуръон ва Суннатдан ҳамда умматнинг салафи ва имомлари айтган сўзлардан олинган тўғри йўл бўлиб, бу йўл билан Аллоҳ таоло дастлабки жамоанинг қалбларини яшнатган эди.

Бу эътиқод — салаф солиҳ, фирқаи ножиъа — нажот топувчи жамоа, ғолиб тоифа, ҳадис аҳли, «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодидир.

Бу мазҳаб асосчилари — тўрт имом, барча фақиҳлар жумҳури, муҳаддислар, боамал олимлар ва уларнинг изларидан юрган ва шу кунимизга қадар юриб келаётган барча кишиларнинг эътиқодидир. Бу эътиқод Қиёмат кунига қадар қолгусидир.

Бу эътиқодни ўзининг соф булоғи — салаф солиҳ ичган булоғига қайтаришимиз, улар сукут қилган нарсалардан сукут қилишимиз, ибодатларни улар қилганидек қилишимиз, Қуръон, Суннат, уммат салафининг ижмоъси ва янги масалаларда уларнинг тушунчалари соясида тўғри қиёсга мултазим бўлишимиз керак.

Амирул мўъминийн Умар ибн Хаттоб розияллоху анху деди: «Одамларнинг салоҳияти ва фасоди қачон бўлишини билдим: агар фикҳ кичикдан келса катта унга қарши бўлади. Агар катта тарафидан келса кичик унга эргашиб, иккиси ҳам тўғри йўлга ҳидоятланади» (Ибн Абдул-Барр раҳимахуллоҳ ривояти: «Жомиу баянил-илми»: 247).

Амирул мўъминийн Алий ибн Аби Толиб рози-

яллоҳу анҳу деди: «Илмни кимдан оляпсиз, қаранг, эҳтиёт бўлинг, чунки у олаётганингиз илм - диндир».

Улуғ саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу деди: «Одамлар модомики, илмни катталаридан олар эканлар, яхшилик узра бўладилар. Агар кичиклари ва ёмонларидан олар эканлар ҳалок бўладилар» (Хатиб: «Кифаят фи илмир-риваят»: 196).

Билингки, мусулмон дўстим, Аллоҳ бизни ва сизни тўғри йўлга ҳидоят қилсин, кимки ҳидоятни Қуръон, суннат, салаф солиҳ тушунчаларидан бошқа жойдан изласа ёки Аллоҳнинг шариатидан зиёда бўлган нарсаларни олиб келса, у шубҳасиз очик залолатда, тўғри йўлдан узоқ ва мусулмоннинг йўлидан бошқага эргашган кишидир.

Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларининг ҳаммасини комил равишда қила олмай ўлиб кетамиз. Шундай экан, динда бидъатларни пайдо қилиш нимаси?!

Қуйидаги байтларни кўп айтиб юрган Имом Моликни Аллоҳ раҳмат қилсин:

Дин ишларининг яхшиси суннатдир,  
Ишларнинг ёмони янги бидъатдир.

(Имом Шотибий: «ал-Эътисом»).

Обидларнинг энг афзали Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Шундай экан унинг ибодатига хилоф бўлган барча ибодат бидъат бўлиб, бандани Аллоҳ таолога яқинлаштирмайди. Балки, Ундан узоқ-

лаштиради. Аллоҳ таоло деди: «Сўнгра (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сизни (дин) ишдан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, Сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!» (Жосия: 18);

«Иброҳимнинг динидан фақат ўзини қадрламайдиган (пасткаш) кишиларгина юз ўгирадилар» (Бақара: 130);

«Чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида юзи (ўзи)ни Аллоҳга бўйсундирган ва тўғри йўлдан оғмаган Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?! » (Нисо: 125).

Мусулмонларнинг бирлашиш йўли бу умматнинг салафи бўлмиш дастлабки жамоат эътиқод қилган соф ақиданинг бирлиги бўлиб, улар шу билан дунёга адолат ила ҳукмрон бўлдилар.

Хуллас, биз энг муҳим ишлардан бошлаш билангина ислоҳ ва муваффақиятга эриша оламиз. У эса даъватимизни тавҳид эътиқодидан бошлашимиз, унга сиёсатимиз, ҳукмларимиз, ахлоқимиз, одобимиз ва муомалаларимизни барпо этишимиз керак.

Биз ўз ҳаракатларимизни Қуръон Карим, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва салаф солиҳ тушунчаси билан бошлашимиз керак. Чунки ўшагина Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларни буюрган тўғри йўл ва тўғри дастурдир. Аллоҳ таоло деди: «Албатта, мана шу Менинг Тўғри йўлимдир. Унга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг (Аллоҳнинг) йўлидан



узиб қўяр. Шояд тақво қилсангизлар, деб (Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди» (Анъом: 153).

Салаф солиҳ этиқоди — умматнинг аҳволини ислоҳ қиладиган ягона йўлдир.

Биз Аллоҳ таолодан салаф солиҳ йўлига ҳидоят қилиб қўйганидек, бизларни улардан қилишини, Қиёмат кунида улар билан бирга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг байроғи остида жамлашини, қалбларимизни ҳидоят қилганидан сўнг адаштирмаслигини, Ўзининг йўлида юрган солиҳ ва амал қилувчи муваҳхидлар қаторида қилишини сўраб қоламиз. У бунга Қодир, Эшитувчи ва Ижобат қилувчи зотдир.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, унинг оиласи ва барча саҳобаларига салавот ва саломлар йўлласин!

\* \* \*

## Мундарижа

Шайх Сауд ибн Иброҳим Шурайм муқаддимаси.....	3
Шайх Муҳаммад ибн Жамил Зайну муқаддимаси.....	5
Муқаддима.....	7
«Ақида»нинг таърифи: «Ақида»нинг луғавий ва истилоҳий маъноси.....	12
«Салаф»нинг таърифи: «Салаф» сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси.....	14
«Аҳли суннат ва жамоат» жумласининг маъноси.....	20
«ас-Сунна» (суннат) сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси.....	21
«ал-жамоа» сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси.....	22
«Аҳли суннат ва жамоат»нинг сифатлари ва белгилари.....	23
«Аҳли суннат ва жамоат»нинг сифатлари ҳақидаги сўзларнинг хулосаси.....	26
Нима учун салаф солиҳ ақидаси эргашишга лойикрок?.....	29
Салаф солиҳнинг ақидаси.....	29
Салаф солиҳ - «Аҳли суннат ва жамоат» ақидасининг асослари.....	33
Биринчи асос: Иймон ва унинг рукнлари.....	34
Биринчи рукн: Алоҳ таолога иймон келтириш.....	35
Рубубият тавҳиди.....	35
Улуҳият тавҳиди.....	37

Исм ва сифатлардаги тавҳид.....	41
Иккинчи рукн: Фаришталарга иймон келтириш.....	51
Фаришталарнинг турлари.....	53
Учинчи рукн: Илоҳий китобларга иймон келтириш...55	
Тўртинчи рукн: Пайғамбарларга иймон келтириш.....	61
Муҳаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.....	65
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизаларидан.....	69
Бешинчи рукн: Охират кунига иймон келтириш.....	71
Қиёматнинг кичик аломатлари.....	72
Қиёматнинг катта белгилари.....	74
Олтинчи рукн: Қадар (тақдир)га иймон келтириш.....	82
Иккинчи асос: «Аҳли суннат ва жамоат» этикодида «иймон» сўзининг истеъмоли.....	90
Учинчи асос: «Аҳли суннат»нинг тақфир - бировлар устидан «кофир» дея ҳукм чиқаришга муносабати..	100
Куфрнинг турлари.....	104
Тўртинчи асос: Мукофот ва жазолар ҳақидаги хабарларга иймон келтириш.....	108
Бешинчи асос: «Аҳли суннат ва жамоат» этикодида дўстлик ва душманлик масаласи.....	114
Олтинчи асос: Авлиёларнинг кароматларини тасдиқлаш.....	123
Еттинчи асос: «Аҳли суннат ва жамоат»нинг ҳукмларни олиш ва далил келтириш услуби.....	128
Саккизинчи асос: Гуноҳ бўлмаган ишларда амирларга итоат этишнинг фарзлиги.....	135

Тўққизинчи асос: «Аҳли суннат ва жамоат»нинг саҳобалар, аҳли байт - хонадон аҳллари ва халифалик ҳақидаги эътиқоди.....	141
Ўнинчи асос: «Аҳли суннат ва жамоат»нинг бидъат ва нафс-ҳаво аҳлига муносабати.....	148
Бидъат ва нафс-ҳаво аҳлининг белгилари.....	152
Салаф уламоларининг бидъатчилардан эҳтиёт бўлиш ҳақидаги ўғитлари.....	156
Ўн биринчи асос: «Аҳли суннат ва жамоат»нинг сулук ва ахлоқдаги йўли.....	161
«Аҳли суннат ва жамоат» имомларининг Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва бидъатдан қайтариш ҳақида айтган ўғитлари ва сўзлари.....	173
Салаф солиҳ - «аҳли суннат ва жамоат» эътиқодига даъват этишнинг шарт ва қоидалари.....	182
Даъватчининг асос ва қоидалари.....	184
Салаф солиҳ эътиқоди ҳақидаги китоблар.....	190
Хотима.....	198
Мундарижа.....	202



